Дилноза ЮЛДАШЕВА

ЎЗБЕК ТИЛИ ОРНИТОНИМЛАРИНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ВА СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

(Монография)

“TURON NASHR” нашриёти
Самарқанд – 2022

УДК: 811.512.133'37
ББК: 81.2Ўзб-3
Ю 31

Юлдашева, Дилноза
Ўзбек тили орнитонимларининг структуравий ва семантик тадқиқи [Матн] / Д. Юлдашева .- Самарқанд: TURON NASHR, 2022.-160 б.

Ушбу монография ўзбек тилидаги орнитонимларнинг парадигматик ва синтагматик, жинс ва тур, бутун ва бўлак муносабатларини ўрганишга бағишланган. Орнитонимлар яхлит бир тизимга солинган ва лексик-семантик гуруҳларга ажратилиб тадқиқ этилган. Орнитонимларнинг ҳосил бўлиш манбалари, уларнинг таркибидаги ўз ва ўзлашма қатламларнинг асосий лисоний белгилари ҳамда орнитоним-лексема ва орнитоним-сўз ўртасидаги муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари аниқланган. Орнитонимларнинг аффиксация ва композиция усули билан ясалиши, қушларнинг номланишидаги мотивацион-номинацион, конверсия усулларининг ўрни белгиланган. Орнитонимларнинг Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шариф Гулханий каби адиблар асарлари ва ҳозирги ўзбек насри ва шеъриятида функционал-услубий мақсадларда зикр этилган орнитомларнинг, шунингдек, уларнинг турғун ўхшатишли бирикмалар таркибида келиши ҳамда уларнинг сарлавҳа вазифасида қўлланиш хусусиятлари ҳам ўрганилган.

Масъул муҳаррир:
М.Б.Абдиев – Ф.ф.д., профессор

Тақризчилар:
Жўлибой Элтазаров – «Ипак йўли» туризм халқаро ва маданий мерос университети Биринчи проректори ф.ф.д., проф.;

Хўжамурод Жабборов – ҚаршиДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, ф.ф.д.

ISBN: 978-9943-7853-5-9

© Дилноза Юлдашева, 2022
© "TURON NASHR" нашриёи, 2022

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида лексик бирликлар лингвомаданий концептуал ахборотни ўзида жамловчи лисоний белги сифатида ўрганиб келинмоқда. Хусусан, тилнинг ономастика луғавий сатҳига оид концептуал ахборотнинг орнитонимлар қатламига мансуб тил бирликларида тақсимланиши ва уларнинг маъно потенциалининг нутқда воқеланиши жараёнининг коммуникатив ва функционал-услубий хусусиятлари кенг тадқиқ қилинган. Инсон, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро узвий алоқасини таъминлайдиган лексик бирликлар сифатида орнитонимларнинг тилдаги мақомини лексик ва семантик сатҳларнинг ўзаро алоқаси нуқтаи назаридан атрофлича ёритиш эҳтиёжи мавзунинг заруратини ҳамда долзарблигини белгилаб беради.

Дунё тилшунослигида орнитонимларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиб тадқиқ этиш, уларнинг ҳосил бўлиш манбаларини, мазкур қатламга оид лексема ва сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш бўйича анчагина тажриба тўпланган. Мазкур луғавий қатламнинг типологик таснифини амалга ошириш замонавий систем лексикографиянинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу туфайли тилдаги орнитонимларнинг шаклланиш манбалари, уларнинг лексик-семантик ва функционал-услубий хусусиятларини илғор жаҳон тажрибасини қўллаган ҳолда кенг тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг орнитонимлар қатламини ва унинг кўп қиррали хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, истиқлол даври ўзбек тилшунослиги олдида тилимизнинг орнитоним-лексема ва орнитоним-сўзлар тизимини систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан батафсил ўрганиш, унинг лексик

сатҳ ичидаги ва сатҳлараро муносабатларини белгилаб бериш, парадигматик, синтагматик, жинс-тур, бутун-бўлак муносабатларини тадқиқ этиш каби жиддий муаммолар тургани сир эмас. Тиллар таълимига эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш» [4, 39] сифатида алоҳида таъкидланган. Ҳолбуки, ўзбек тилида зоонимларга ва хусусан, орнитонимларга хос бой терминология мавжуд бўлиб, уларнинг лисоний хусусиятларини систем тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш муайян назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Бу эса мазкур тадқиқот мавзуининг ўзбек тилшунослиги учун долзарб эканлигидан далолат беради.

Жаҳон тилшунослигида лексик бирликлар ҳамда зоонимларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослашга йўналтирилган илмий изланишлар, жумладан, Н.Киндря, К.Гафарова, Ф.Гукетлова, М.Горбенко, Э.Айдогмуш, Ч.Инкуй, О.Бичер, З.Абдуалиева, Н.Курашкина, Т.Пименова, М.Кутьева ва бошқалар томонидан амалга оширилган [134, 203; 126, 208; 129, 267; 128, 196; 120, 198; 159, 198;124, 145; 118, 156; 135, 24; 65;136, 25].

Ўзбек тилшунослигида ҳам терминология, ҳайвон номлари (зоонимлар), орнитонимларни тадқиқ этиш борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Булар орасида Р.Сафарова, П.Сафаров, Ҳ.Саидова, Н.Нишонова, Б.Абдушукуров, Б.Зарипов, Д.Юлдашева, О.Ўринова, Д.Тошева, Н.Пазлитдинова кабиларнинг номзодлик ишлари эътиборга молик [149, 23; 148, 19; 147, 22; 145, 24; 119, 23; 130, 24; 160, 23; 162, 23; 154, 56; 146, 52]. Д.Бозорованинг монографиясида бир қанча ёзма ёдгорликлар ва ҳозирги замон туркий тиллар материаллари асосида *какку, каклик, булдуриқ, попишак, товуқ, читтак, тувалоқ,*

қарға, курка, ҳакка сингари кўпгина қуш номларининг қиёсий ва қиёсий-тарихий таҳлили амалга оширилади, *жиғалтой, ғажир, лочин, бургут, қузғун, бўронқуш, турна* каби бир қанча умумтуркий орнитонимларнинг этимологияси ва қўлланиш хусусиятлари очиб берилади [12, 224]. Ш.Раҳматуллаевнинг этимологик луғатларида ҳам ўзбек тилидаги *бургут, жарқалдирғоч, итолғи, япалоққуш, лайлак, товус, қалдирғоч, чумчуқ, анқо* сингари баъзи орнитонимларнинг этимологияси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган [179, 600; 180, 600; 181, 283]. Бундан ташқари, Ф.Исҳоқов, Ш.Носиров, Ҳ.Низомхонов, З.Холманова, Р.Нормуродов, Ҳ. Қудратуллаевлар ва бошқаларнинг тадқиқотлари ҳам эълон қилинган [32, 43-50; 56, 56-60; 52, 67-71; 89, 176; 55, 97-100; 54, 109-118; 96, 103-105; 210-211]. Орнитонимларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига доир тадқиқотлар бошқа тиллар материали асосида ҳам бажарилган [144, 28; 75, 189-197; 133, 29; 152, 28; 137, 27; 131, 23; 150, 24].

Ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар орнитонимларнинг лисоний тадқиқи яхлит ҳолда монографик йўналишда ўрганилмаган. Бу эса бугунги ўзбек систем лексикологияси олдида турган муҳим масалалардан бири саналади.

I БОБ
ЎЗБЕК ТИЛИДА ОРНИТОНИМЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

1.1. Ўзбек тилида орнитонимларнинг ўрганилиши

Мустақиллик йилларида ўзбек тили лексикологияси, семасиологияси ва лексикографияси соҳасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Э.Бегматовнинг кўп йиллик изланишлари натижаси бўлган «Ўзбек исмлари маъноси» китобининг яратилиши, Э.Бегматов, Н.Улуқовларнинг «Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати» (2006), «Ўзбек ономастикаси» номли библиографик кўрсаткичи (2008) нинг нашр этилиши ўзбек ономастикасининг катта ютуғи саналади. Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» китоби (1995) нинг нашр этилиши эса фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки бутун туркийшунослик илмида ҳам катта воқеа бўлди [59, 147].

Худди шундай ютуқлар тилшуносликнинг этимология соҳасида ҳам қўлга киритилди. Жумладан, 2000-2009 йилларда проф. Ш.Раҳматуллаевнинг уч қисмдан иборат «Ўзбек тилининг этимологик луғати» эълон қилинди [179; 180; 181]. Келгусида тилимизнинг тўла этимологик луғатини яратиш тилшунос олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади.

2006-2008 йилларда нашр этилган беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» мамлакатимиз тилшунослигининг лексикография соҳасидаги улкан ютуғи саналади [80; 40; 41,79-85; 39, 75-78].

Ўзбек тилшунослигида терминология соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўзбек тилида амалий санъат лексикаси, кийим-кечак номлари, меъморчилик терминлари, пазандачилик лексикаси кабилар махсус тадқиқ этилиб монографиялар яратилган: С.Иброҳимов, Н.Маматов, Ҳ.Жамолхонов,

Р.Дониёров, Н.Ҳотамов, О.Рамазонова, Т.Турсунова, М.Асомуддинова, А.Жўрабоев, Ж. Дўстмухамедов, Н.Қосимов, Ҳ.Шамсиддинов, А.Мадвалиев, Э.Шоахмедов, Ю.Эшонқулов, Ҳ.Дадабоев, И.Йўлдошев, А.Қосимов, О.Қурбонов, Т.Нўмонов, Т.Хўжамбердиев, М.Бўронов, Т.Ўринов, Ҳ.Бақоева, Қ.Сапоев, М.Абдиев, С.Азизов, С.Усмонов, Қ.Хуррамов, Х.Жабборов, З.Ҳусаинова каби олимларнинг терминологияга доир докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Биргина 2000 йилдан кейин ўзбек тилининг заргарлик (И.Пардаева), ёғочсозлик (М.Аҳатова), ҳукуқшунослик (Г.Ғуломова), деҳқончилик (Х.Жабборов), қорамолчилик (О.Ўринова), Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида таом номлари (М.Худаярова), анатомия (З.Мираҳмедова), жараён англатувчи атамалар (Х.Нарходжаева) терминологиясига оид монографиялар яратилди, номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. И.Юлдашевнинг «Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш» [160, 46], М.Абдиевнинг «Соҳавий лексиканинг систем таҳлили» [117, 55] мавзуида ҳимоя қилинган докторлик диссертациялари, шу асосда юзага келган монографиялари ўзбек илмий терминологияси ривожини юксак поғонага кўтарди. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида тилимиздаги ҳайвон номлари (зоонимлар) таҳлилига доир айрим махсус ишлар ҳам эълон қилинган. Шуни унутмаслик зарурки, «ҳайвон» лексемаси мазмунан «зооним» ва «орнитоним» лексемаларидан анча кенг бўлиб, қисман ана шу икки лексема мазмунини ҳам ўзида қамраб олади. «Зооним» атамаси тор маънода айнан сут эмизувчилар оиласини, кенг маънода эса наботот оламига нисбатан қарама-қарши, жонли-жонсиз зидланишда бутун ҳайвонот оламини ўзида ифода этади. Шу нуқтаи назардан у қушлар оламини ҳам маълум даражада қамраб олади. Шунинг учун «ҳайвон номлари», «зоонимлар» таҳлилига бағишланган бир қанча тадқиқотларда қисман бўлса-да, қуш номлари –

орнитонимлар таҳлилига ҳам эътибор қаратилганлигини инобатга олиш лозим бўлади. Туркий халқлар ҳаётининг энг қадимги даврлариданоқ ҳайвон номлари, жумладан зоонимлар ва орнитонимлар бу тиллар лексикасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келган. Зоонимларда туркий халқлар турмуш тарзининг барча жиҳатлари ўзининг тугал ифодасига эга бўлган [46, 52-53].

Ҳайвон номлари, чорвачилик лексикаси тилшунос олимларни жуда узоқ вақтлардан буён қизиқтириб келмоқда. Масалан, Р.Қўнғуров тилимизда қатор тақлидий сўзлар ҳайвон ва жониворлар товушига тақлид асосида вужудга келганлигини таъкидлайди ҳамда ўрдак, ғоз, хўроз, каклик, бедана, бойқуш, ғуррак, қалдирғоч, қарқуноқ, булбул, турна каби қушларнинг овозига тақлид маъносини ифодаловчи қатор мисолларни бадиий асарлардан келтиради. Шундан кейин ишда қуйидаги хулосага келинади: «паррандалар товушига тақлид билдирадиган бундай сўзлар уларнинг ....ҳаракатлари натижасида вужудга келган бўлиши ҳам мумкин. ...бир қатор қушларнинг номлари уларнинг товушларига истиора қилинган... бундай ҳодисалар бошқа тилларда ҳам учрайди» [97, 66-67].

Р.Қўнғуров «Ўзбек тилида тасвирий сўзлар» номли монографиясида *қорашақшақ, олапопишак, сассиқпопишак, олашақшақ* сингари сифат + тасвирий сўз модели асосида ясалган қўшма орнитонимлар, какку, булбул, бедана, зағча, зағизғон, чумчуқ, ғулғул товуқ, гўнгқарға сингари бир қатор орнитонимларнинг этимологияси ҳақида муҳим фикрларни билдира олган эди [97, 113-119].

У.Турсунов ва Б.Ўринбоев ўзбек адабий тили тарихи масалаларини тадқиқ этиш жараёнида Алишер Навоий, Бобур, Муқимий асарларининг лексик қатлами, унда қуш номларининг қўлланиш хусусиятлари ҳақида ҳам фикр юритганлар [83, 166-167].

Н.Абдураҳмонов ўзбек тилидаги парранда номларини билдирадиган *бойўғли, бойқуш, болтатумшуқ, бирқозон, бўзтўрғай* каби қўшма сўзларнинг маъноси ва услубий хусусиятларини маълум даражада ўрганган эди [8, 25-29].

Мустақиллик йилларида чорвачилик лексикасини, шу жумладан орнитонимларни систем йўналишда ўрганишга доир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, П.Сафаров ҳозирги ўзбек тили зоонимик лексикасининг шаклланиш жараёнини тарихий грамматика материаллари асосида тадқиқ этар экан, *ғоз, товуқ, хўроз, ўрдак* каби бир қатор орнитонимлар таҳлилига ҳам эътибор қаратади [148, 4-17].

Ҳ.Саидова изоҳли луғатда умумистеъмолда бўлган ҳайвон номларини беришга доир қуйидаги тартибини тавсия этади: а) сўзнинг ўзи (шакли); б) тўғри маънодаги семантик структура (лисоний маъно) тавсифи; в) кўчма маъно; г) ономастик қўлланиш; д) зоология фани нуқтаи назаридан терминологик тавсиф. Олиманинг фикрича, зоонимларни изоҳлашда ана шу тартибга риоя қилинганда, биринчидан, сўз термин (атама)га зидланади; иккинчидан, кейинги маъноларнинг ўзаро яқинлиги, биридан иккинчисининг ҳосил бўлганлиги эслатиб турилади [147, 4-20]. Ҳ.Саидова ўзи ишлаб чиққан ана шу тамойил асосида *бургут, товус, тўти, мусича, чумчуқ, қарға, лочин* каби орнитонимларнинг шахс тавсифи вазифасида қўлланиш хусусиятларини таҳлил қилади [72, 81-83]. Б.Абдушукуров ўз тадқиқотида қушлар номини ифодаловчи терминларни етти кичик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилган [119, 4-18].

Тадқиқотчи Б.Зарипов эса ўз номзодлик ишида айрим орнитонимларнинг шеърий санъатлар ҳосил қилишдаги иштирокини ўрганади [121, 24]. Шу иш асосида олим кейинчалик «Бадиий тасвир воситалари» номли ўқув қўлланмасини ва «Алишер Навоий асарлари тилида зоонимлар» номли илмий рисоласини тайёрлаб нашр эттирди [24, 92; 25, 84]. Л.Абдуллаева «Ўзбек бадиий адабиётининг лексик услубияти» номли монографиясида *қарчиғай, бургут, мусича, товуқ, бойқуш, қарға* сингари орнитонимларнинг бадиий нутқда кўчма, окказионал маънода қўлланиб, метафораларни вужудга келтириш имкониятларини маълум даражада тадқиқ этган эди [7, 43-62].

Ҳ.Ҳасанов «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» (ҳаёти ва географик мероси) номли асарида «Бобурнома»даги ҳайвонот номлари, жумладан қуш номлари қайд этилганлигини кўрсатиб ўтган. [102, 69]. «Бобурнома»даги худди шундай қуш номлари рўйхати ва изоҳи Б.Ўринбоевнинг «Бобур – тилшунос олим» ва Ҳ.Қудратуллаевнинг «Бобурнинг адабий-эстетик олами» номли рисолаларида ҳамда З. Холмановнинг «Бобурнома» лексикаси тадқиқи номли тадқиқотида ҳам келтирилган [93, 19; 96, 103-105; 210-211; 157, 23].

«Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да *анқо, бургут, зоғ, қарға, кабутар* сингари бир қатор қуш номлари келтирилиб, уларнинг маънолари қисқача изоҳланган ҳамда шоир асарларидан мисоллар берилган [165, 104; 335-336; 647].

Ш.Раҳматуллаевнинг этимологик луғатларида *итолғи, жарқалдирғоч, лайлак, анқо, товус, андалиб, қирғий, қарға, ўрдак, шунқор, чуғурчиқ, чумчуқ, укки, тўрғай, бургут* сингари йигирмага яқин орнитонимларнинг келиб чиқиши, маъно тараққиёти ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган [179;180;181].

Ўзбек тилидаги қуш номлари бўйича Д.Х.Бозорованинг китоби [12, 224], шунингдек, айрим диалектологик ва этимологик луғатларда [194; 179; 180; 181], баъзи мақолаларда [11, 96-100; 32, 43-50; 56, 56-60; 52, 67-71; 54, 97-100; 79, 102-105; 55, 109-118] шу соҳа бўйича йўл-йўлакай келтирилган далилларгина мавжуд.

Д.Х.Бозорованинг китобида қуш номлари бўйича эълон қилинган махсус орнитологик адабиётларда, адабий тил луғатларида, лингвистик адабиётларда мавжуд бўлган қуш номларининг ўзбек адабий тилида қўлланиши ҳамда бу номлардаги ҳар хиллик, дублетлар, полисемантиклик каби масалалар ўрганилган ва уларнинг лексик-грамматик, семантик ва қисман этимологик таҳлили амалга оширилган. Ушбу асар ўзбек тилидаги қуш номларини ўрганиш, таҳлил этиш бўйича бажарилган биринчи ва ҳозирча ягона монографик иш бўлиши жиҳатидан диққатга сазовордир [12, 28-133].

Ш.Искандарова «Мазмуний майдоннинг мантиқий тузилиши» номли мақоласида тўплам элементлари ҳақида фикр юритар экан, бундай элементлар санаш орқали (булбул, қумри, тўти – сайроқи қушлар) ёки тўпламни номлаш билан (сайроқи қушлар) берилишини таъкидлайди [28, 66-69]. Дарҳақиқат, тўплам элементлари орасида шундайлари борки, уларни тўпламнинг номи билан аташ мумкин: булбул – сайроқи қуш. Изоҳли луғатларда сўзни тавсифлаш мақсадида тўплам номларидан маълум даражада фойдаланилади. Масалан: булбул – чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш [189, 369]. Қумри – каптарлар туркумига мансуб қафасда ҳам урчийдиган сайроқи қуш [193, 377]. Бироқ шуни ҳам унутмаслик зарурки, лексикографик амалиётда тез-тез қўлланадиган тўплам номини ҳар бир элементга нисбатан ана шундай тавсиф учун ишлатиш доимо ҳам ўзини оқламайди.

«Ҳозирги замон ўзбек тили» номли асарда таниқли тилшунос олим Ф.Камол ўзбек тилининг асосий луғат фондини ташкил этган от категориясидаги сўзларни *санар экан, қуш, товуқ, ғоз, ўрдак, булдуруқ, лочин, қарға, турна* сингари қуш номларини ҳам келтириб ўтади. Худди шунингдек, бу асарда ўзбек тили лексикасида мавжуд туркий тиллар учун умумий бўлган сўзлар ўндан ортиқ кичик гуруҳ (ЛСГ)га ажратиб таҳлил қилинган. Худди шундай ЛСГларнинг бири «Ҳайвон ва паррандаларни билдирувчи сўзлар» деб номланиб, улар қаторига қуш, товуқ, қарға, ғоз, ўрдак, бедана сингари орнитонимлар ҳам киритилган [103, 57-92].

«Ўзбек тили лексикологияси» номли тадқиқотда ҳозирги ўзбек адабий тилидаги туркий лексик қатлам кўпгина лексик-мавзуий гуруҳ (ЛМГ) ларга ажратилган, шундай ЛМГлар орасида «Қуш ва паррандалар, улар аъзоларининг номи» алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳамда бир қанча қуш номлари ва улар аъзоларининг номлари таъкидлаб кўрсатилган: булдуруқ, бургут, бўктарги, товуқ, тувалоқ, турна, тўрғай, укки, чумчуқ, шунқор, ўрдак, қал-

дирғоч, қанот, тумшуқ, қарқара, қарға, қирғий, қирғовул, қузғун, қуйруқ, қарчиғай, қумри, қуш ва бошқалар [92, 68-69].

Э.Бегматов «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари» номли асарида ўз қатлам сўзларини 28 мавзуий гуруҳларга ажратиб таҳлил қилган. Шулардан бири «қуш ва паррандаларнинг номи» деб кўрсатилган ва унда қуйидаги орнитонимлар келтирилган: *булдуруқ, бургут, бўктарги, товуқ, тувалоқ, турна, тўрғай, чумчуқ, шунқор, ўрдак, қалдирғоч, қарқара, қарға, қирғий, қирғовул, қузғун, қарчиғай, қумри* ва бошқалар. Шунингдек, бу ишда «қуш ва паррандалар организмига оид баъзи тушунчалар номи» ҳам алоҳида гуруҳ сифатида тасниф қилинган: *тумшуқ, қанот, чангал, қуйруқ* ва бошқалар [17, 121-125].

«Ўзбек халқ шевалари луғати»да *авирдак, бомқуш, бозлақ, валақуш, дасқар, дуруллак, жолақ* сингари 60 га яқин диалектал орнитонимларга изоҳ берилган [194].

Ўзбек диалектал орнитологиясига оид дастлабки кузатишлар Ш.Носиров томонидан олиб борилган эди. Олим дастлаб «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинган мақоласида ўзбек шеваларидан тўпланган фактик материаллар асосида *зағизғон, ҳакка, чумчуқ, читтак, гўнгқарға, олашақшақ* сингари айрим қуш номларининг қўлланиши, уларнинг баъзи бир лексик-семантик ҳамда фонетик хусусиятлари ҳақида фикр юритади [56, 56-60].

Ш.Носиров кейинчалик ана шу мақола материалларини янада кенгайтириб, тўлдириб, «Ўзбек шевалари лексикаси» номли жамоавий тадқиқот таркибига ҳам киритган эди [57, 120-180]. З.Холмедова Қозоғистон Республикасида яшовчи ўзбекларнинг шеваларидан бири – қарноқ шеваси лексикасини тадқиқ этар экан, бу шевада *қуш, кукукпъш (қизилиштон), кўбакчай, қарға, алд қарға, кўк қарға, қара қарға, тўрғай, мулла тўрғай* сингари орнитонимлар қўлланилишини алоҳида таъкидлайди [158, 24].

Проф.Т.Нафасов «Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари» китобида

зақча, калдурчи, калжуржи, куркуравик, мажик, муллатўрғай, потмачумчуқ // фотмачумчуқ, торчи, қийғировуқ сингари ўттиздан ортиқ диалектал орнитонимларни келтириб, уларнинг қўлланиши ҳақида маълумот берган [178, 468].

Зоологияга доир кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бир қанча қуш номлари, уларнинг қўлланиши, русча ва лотинча муқобиллари ҳақида фикр юритилган. Масалан, академик Т.Зоҳидовнинг «Зоология энциклопедияси» нинг махсус томи «Қушлар» деб аталади. Бу асарда ҳар қайси қушнинг ўзбекча ва лотинча номидан ташқари, яна унинг ҳолати, географик тарқалиши, яшаш ҳудудлари, урчиши, овқатланиши, баъзи бир биологик хусусиятлари, халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган [174, 7-127].

О.Богдановнинг «Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси» асарида ҳам юзга яқин қушларнинг тарқалиши, ҳаёт кечириши ва амалий аҳамияти ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд [19, 89-205].

6-7-синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Зоология» дарслигида ўлкамизда учрайдиган қушлар *ўтроқ қушлар, кўчманчи қушлар, учиб ўтувчи қушлар, учиб келувчи қушлар* деб гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган ҳамда элликдан ортиқ қушлар ҳақида маълумотлар келтирилган [36, 233-289].

Ўзбек орнитологик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёти А.Абдураззоқовнинг «Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари» (1958), Н.А.Рашкевичнинг «Саҳрода ҳам ҳаёт қайнайди» (1961), В.А.Моисеев ва Д.Ю.Кашкаровларнинг «Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси» (1990) сингари рус олимларининг, қозоқ олими Э.Равшановнинг «Қушлар бизнинг дўстимиз» (2010) каби ишларини ўзбек тилига таржима қилиш билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Ўзбек тилида нашр этилган зоологияга доир айрим дарслик ва қўлланмаларда русча орнитонимларни ўзбек тилида таржимасиз ноўрин қўллаш ҳоллари учраб туради. Масалан, Т.В.Брейтигам ва А.М.Қосимовларнинг «Зоология» китобида рус тилидаги

«*пустельга*» ва «*сарич-курганник*» орнитонимлари айнан таржимасиз қўлланган [21, 226]. Ваҳоланки, худди шу қушларнинг номлари ўзбек тили луғавий тизимида мавжуд. Бу қушлар Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг ўзбек тилида *куйка (миққий)* ва *сор (сариқ сор*) деган маҳаллий номлари луғатларда ўз аксини топган [183, 279; 382].

Д.Сетарованинг маълумотларига қараганда, *«пустельга»* ва *«сарич»* орнитонимлари аслида рус тилига туркий тиллардан ўзлашган [152, 18-20]. Худди шу дарсликда *«сплюшка»* орнитоними таржимасиз қўлланган, бу орнитонимнинг ўзбек тилидаги эквиваленти *«сақсақ»* деб номланади [183, 392]. Худди шу дарсликда русча *«рижская цапля»* орнитоними *«Рига қарқараси»* деб нотўғри таржима қилинган, чунки орнитологик адабиётларда бундай қушнинг мавжудлиги қайд қилинмаган. Рус тилидаги «рижская цапля» орнитоними ўзбек тилида *«жийрон қарқара»* ва *«қизил қўтон»* деган терминлар билан юритилади [174, 102]. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Туркий лексикологияда қуш номларини алоҳида мавзуий гуруҳ сифатида ўрганган дастлабки иш сифатида Э.Ф.Ишбердиннинг номзодлик ишини, айрим мақолалари ва монографиясини кўрсатиш мумкин [133, 29; 31, 152]. Лекин бу ишларда тадқиқотчи орнитологик лексиканинг айрим диалектал шаклларини тадқиқ этиш билан чекланган эди. Баъзи умумтуркий орнитонимларнинг этимологиясига доир маълумотлар Д.С.Сетарова, М.М.Гинатулин ва Э.И.Сафинанинг номзодлик диссертацияларида ҳам келтирилган [152, 25; 127, 26; 150, 24]. Шундай қилиб, туркийшуносликда, жумладан ўзбек тилшунослигида орнитонимларни тўплаш ва тадқиқ этиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилган. Лекин шу кунга қадар мамлакатимизда орнитонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари систем лексикология нуқтаи назаридан ўрганилмай келинарди. Ш.Носиров тўғри таъкидлаганидек, «қуш номлари ўзбек тили

лексикасининг энг кам ўрганилган соҳаларидан бўлиб, аксарият турли тоифадаги қушларнинг бир хил номланиши ёки, аксинча, бир турдаги қушнинг турлича номланиши ҳам ана шу билан изоҳланади. Кўпгина қуш номларининг тўла аниқланмаганлиги ва кам ўрганилганлиги туфайли ҳозиргача уларнинг кўпчилиги адабий тилга кирмаган ёки адабий нормаси аниқ белгиланмаган» [57, 177]. Мазкур диссертация худди ана шу муаммо тадқиқига бағишланган. Бу иш келгусида орнитонимларнинг маъно таркиби, ясалиши, уларнинг шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш муаммоларини янада кенгроқ тадқиқ этишга даъват этади, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, «систем лексикология» тилни тизим сифатида ўрганувчи систем тилшуносликнинг таркибий қисми саналади. Шунга биноан систем лексикология ҳам умуман систем тилшунослик сингари тилнинг луғавий бирликларини нутқий фаолият маҳсулида умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқеликни бир-биридан фарқлаган ҳолда тадқиқ этади. Систем лексикологиянинг шаклланишига тил ва нутқни, уларнинг бирликларини изчиллик билан фарқлаш, тилнинг лексик таркибини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш асос бўлиб хизмат қилди. Систем лексикологияда энг кичик бирлик сифатида содда, соддалашган ва қўшма луғавий морфема (ЛМ) лар ўрганилади. Масалан, тўти, ғоз каби орнитонимлар содда ЛМ бўлса, читтак, қарға, зағизғон сингарилар соддалашган ЛМлар, сассиқпопишак, тўқай чумчуқ, қизил шунқор, марказий осиё турумтойи сингари орнитонимлар эса қўшма ЛМлар саналади. Проф. А.Нурмоновнинг таъкидлашича, «ўзбек лексикологиясининг юқори босқичга кўтарилишида жаҳон системавий-структур тилшунослигининг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ва ўзбек тилшунослари эришган ютуқларни синтезлаштирган «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» китобининг юзага келиши катта воқеа бўлди. Асар

системавий тилшуносликнинг асосий тушунчаларини изчил баён қилиб бериши, лингвистик оппозициялар ва уларнинг лексик сатҳда намоён бўлиши, лексеманинг бошқа тил бирликлари системасида тутган ўрни, унинг шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган бутунлик эканлиги баён қилинади» [59, 147-148].

Ўзбек тилидаги барча орнитонимлар шу тилнинг луғавий таркибига мансуб бўлиб, алоҳида ЛСГни ташкил этади. Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, «лексикологик тадқиқотларда, асосан, ЛМларнинг мазмун, семасиологик томонига таяниб иш кўрилади. Бунда семантика тилнинг алоҳида аспекти бўлиб, унинг асосий бирлиги номинатив бирликдир. Номинатив бирликларга эса ЛМлар билан бир қаторда нутқий ҳосилалар – ясама сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологизмлар ҳам киради» [16, 35-40]. Шунга биноан орнитонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари тадқиқ этилаётганда, улар ёрдамида ҳосил қилинган *жўжабирдай жон, майна қилмоқ, қарғадай қағилламоқ, чумчуқдан қўрққан тариқ экмас, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, анқонинг уруғи, зоғ учмайди, мусичаи беозор бўлмоқ* сингари фразеологизмлар, *шунқор+лик, суқсур+дай, бургут+дай, балиқ+чи, чил каклик, ғурр+ак, попиш+ак, асал+чи+лар, йилқи+чи, қар+ға, как+ку, чуғур+чиқ, кал+жўр+чи, сақо+қуш, ит+ол+ғу//ғи, қора+яла(о)+қ, читт+ак, дум+параст, ўлим+тик, кўкан+той* сингари ясама сўзлар семантикасини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

1.2. Орнитоним лексемалар системасида муносабатлар

Тил бирликлари дейилганда, фонема, морфема, лексема сингари ўзгармас бирликлар тушунилади. Улар муайян моддий кўринишда нутқда воқеланади, намоён бўлади [51,13]. Шунга кўра қуш номлари – орнитонимлар ҳам лексемалардир. Улар нутқ жараёнида, зарур ўринларда, тегишли матнлар таркибида қўлланилади. Масалан, *ҳайдаркокил, тўтиқуш, қоратомоқ, олақанот,*

болтаютар, қорақуш каби орнитонимлар шулар жумласидандир.

Тил бирликлари бир-бири билан ўзаро муносабатда бўладилар. «Муносабатлар» деганда, бир бутунликнинг таркибий қисмлари – бирликлари орасидаги ўзаро алоқалар, боғланишлар тушунилади [51,13]. Систем таҳлилда муносабат тушунчаси жуда катта аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай тизимда муайян бирликнинг моҳияти шу бирликнинг ўзида эмас, балки айни тизимнинг бирликлари орасидаги муносабатлар орқали аниқланади. Тил бирликлари, жумладан, орнитонимлар орасида ҳам асосан уч хил муносабат ўзаро фарқланади: а) ўхшашлик (парадигматик) муносабатлар; б) поғонали (иерархик) муносабатлар; в) қўшничилик (синтагматик) муносабатлари [51,14].

Ўхшашлик (парадигматик) муносабатлари тилшуносликда бир-бирини эслатиб туриш муносабатлари деб ҳам юритилади. Бундай муносабатларнинг моҳияти шундан иборатки, ўхшашлик қаторлари (парадигмалар)га ва айрим фарқларга эга бўлган тил бирликлари ўзаро бирлашади [51,15]. Масалан, *«каптар»* дейилганда, унинг ташқи тузилиши *(бўйни, қаноти, думи, устки тумшуғи, остки тумшуғи, бурун тешиги, қулоқ тешиги)*, қанотининг тузилиши *(елка суяги, билак суяги, панжа суяклари, мускуллар, қоқиш патлари*), скелети, ички тузилиши (ҳазм қилиш, айириш ва нафас олиш системаси, қон айланиш системаси) кабилар тушунилади. Демак, *«каптар»* луғавий бирлиги у *қуш, учадиган қуш, қаноти бор қуш, хонаки ёки ёввойи қуш, ташқи ва ички тузилишга эга бўлган организм* каби қаторлар билан боғланади. «Каптар» луғавий бирлигининг моҳияти шу қатордаги бирликларнинг ўзаро муносабатлари орқали аниқланади. Буни *«каптар»* орнитонимига ЎТИЛда берилган қуйидаги изоҳдан ҳам билиш мумкин: *«ранг-баранг тусли ва турли шаклли хонаки ёки ёввойи қушларнинг умумий номи»* [190, 318]. Форсча-тожикча *«кабутар»* сўзи ҳам *«каптар»* орнитонимига хос маъноларни ифодалайди [190, 289].

Ўхшашлик муносабатлари билан боғланган бирликлар (парадигма аъзолари) нутқда бир хил ўринни эгаллайди ва бир хил хусусиятга эга бўлади. *Масалан:* 1. Мен қушлардан *булбулни* яхши кўраман. 2. Сен қушлардан *тўтини* яхши кўрасан. 3. У қушлардан *беданани* яхши кўради. 4. Биз қушлардан *тустовуқни* яхши кўрамиз. 5. Сиз қушлардан *какликни* яхши кўрасиз. 6. Улар қушлардан *қалдирғочни* яхши кўрадилар. Келтирилган гапларнинг биринчи лексемалари (*мен, сен, у, биз, сиз, улар*), учинчи лексемалари (*булбулни, тўтини, беданани, тустовуқни, какликни, қалдирғочни*) ва охирги лексемалари (*кўраман, кўрасан, кўради, кўрамиз, кўрасиз, кўрадилар*) лексик-грамматик жиҳатдан ўзгарувчи компонентлардир, иккинчи ва тўртинчи лексемалар (*қушлардан, яхши*) грамматик жиҳатдан ўзгармасдан қўлланган, лекин уларнинг барчаси нутқ жараёнида бир хил хусусиятга эга. Бу ўринда келтирилган гапларни ташкил этувчи компонентларнинг ҳар бири алоҳида олинган, мустақил парадигматик (ўхшашлик) қаторлари (парадигмалар)ни ҳосил қилади.

Ўзаро ўхшашлик (парадигматик) муносабатларда бўлган бирликларнинг (ёки бирлик гуруҳларининг) ўхшашлиги асосида айрим фарқлар билан бир-бирига қарама-қарши қўйилиши зиддият (оппозиция)га киришуви мумкин [51, 16]. Бу зиддиятда иштирок этаётган бирликлар (бирликлар гуруҳи) эса зиддият (оппозиция) аъзолари саналади. Масалан, биз юқорида келтирган *булбул, тўти, бедана, тустовуқ, каклик, қалдирғоч* орнитоним лексемалари яхлит, ўхшаш белгиларига кўра бир ЛСГ таркибига киради, лекин улар бир-бирига зид, ноўхшаш белгиларга ҳам эга. Жумладан, келтирилган орнитонимлардан тўрттаси (*булбул, тўти, каклик, бедана*) уй қушлари, хонаки қушлар бўлса, қолган иккитаси *(тустовуқ, қалдирғоч)* ёввойи қушлардир. Бу қушларнинг ўхшаш ва фарқли белгилари уларга ЎТИЛда берилган изоҳларда ҳам ўз аксини топган:

1. БУЛБУЛ – чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш [189, 369].

2. ТЎТИ – тропик ўрмонларда яшайдиган, кўпчилик тури чиройли, ранг-баранг патли қуш [192, 248].

3. КАКЛИК – товуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи тоғ қуши [190, 295].

4. БЕДАНА – товуқсимонлар туркумининг қирғовулсимонлар оиласига мансуб парранда, кичик сайроқи қуш [189, 205].

5. ТУСТОВУҚ – товуқлар зотига мансуб, патлари чиройли, асосан тўқайзорларда яшайдиган овланадиган қуш; қирғовул [192, 205].

6. ҚАЛДИРҒОЧ – чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласини ташкил этадиган қаноти ингичка ва узун, жуда тез учадиган, қора-ола кичкина қушча [193, 227].

Келтирилган қуш номлари семантикасида умумий ва фарқли томонлар борлиги юқоридаги лексикографик талқинларда ҳам яққол сезилади. Жумладан, *булбул, каклик* ва *бедана* орнитонимлари семантикасида *«сайроқи»* семаси борлиги билан умумийликка эга, *қалдирғоч* ва *бедана* орнитонимларида эса *«кичик, кичкина»* семалари уларни бир-бирига яқинлаштиради, каклик ва тустовуқ орнитонимлари эса «товуқсимонлар зотига (оиласига)» мансублиги билан бир ЛСГни ташкил этади; булбул ва қалдирғоч орнитонимлари яхлит «чумчуқсимонлар туркуми» таркибига киради. Бу орнитонимлардан фақат биттаси – *тўти* тропик ўрмонларда яшайдиган қуш номи; фақат иккитаси – *бедана* ва *тустовуқ* овланадиган, ов қушларидан саналади; иккитаси – *тўти* ва *тустовуқ* «чиройли, ранг-баранг патлари бор» семалари билан фарқланади; бу орнитонимлардан биттаси – тустовуқ ўз маънодоши (синоними) *«қирғовул»* билан изоҳланган.

1.3. Орнитоним лексемаларнинг орасида зиддиятлар

Тилнинг барча бирликлари, жумладан, лексемалар орасида бир неча турдаги зиддиятлар фарқланади. Бу зиддиятларнинг энг асосийлари тўрт хил бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради: а) тенг қийматли (эквиполент) зиддиятлар; б) мутаносиб (пропорционал зиддиятлар); в) даражали (градуал) зиддиятлар; г) нотўлиқ (приватив) зиддиятлар [51, 16]. Бундай зиддиятларни орнитоним лексемаларда ҳам учратиш мумкин:

1. Тенг қийматли зиддиятлар дейилганда икки орнитоним-лексеманинг ўзига хос белги-хусусиятлари асосида ўзаро қарама-қарши қўйилиши, зиддиятли белги (сема)лари тушунилади [51, 16]. Масалан, *хўроз* ва *товуқ* орнитонимлари зиддиятида бир орнитоним *(хўроз)* эркаклик (товуқнинг эркаги) семасини, иккинчиси *(товуқ)* эса «урғочилик» маъносига эга. *Жўжа-товуқ* зиддиятида эса бир орнитоним *(жўжа)* «вояга етмаган, нисбатан кичик ёшдаги қуш» маъносини, иккинчиси «вояга етган, катта ёшдаги қуш, парранда» маъносини ифода этади. Шунга кўра бу орнитонимлар ўзаро зид муносабатдадир. Буни жадвалда қуйидагича ифодалаш мумкин:

1-жадвал

Орнитонимлар орасидаги тенг қийматли зиддиятлар



2. Мутаносиб зиддиятлар дейилганда, муайян белги (сема) асосида тузилган зиддиятлар қатори тушунилади [51,16]. Жумладан, «ёввойилик» ва «хонакилик», «чиройлилик» ва «хунуклик» семалари асосида жуда кўп орнитонимлар ўзаро луғавий зиддиятларни ҳосил қилади. Қиёсланг: *калхат – бургут – лочин; хўроз – товуқ – жўжа; товус – хумо – тўти; тасқара –қарға – бойўғли; тасқара // қузғун – мусича; укки – қалдирғоч; бойўғли – турна* сингари орнитонимлар орасидаги зиддиятлар ўзаро мутаносибдир. Чунки бундай зиддиятлар айни бир белги (сема), яъни ёввойилик-хонакилик ва чиройлилик ва хунуклик белгиси асосида ташкил топган [51, 16-17].

3. Даражали зиддият энг камида учта тил бирлиги (лексема) орасида мавжуд бўлади ва бу бирликлар (орнитонимлар) муайян бир белги-хусусият (сема)нинг даражасига – оз-кўплигига кўра ўзаро қарама-қарши қўйилади [51, 17]. Масалан: *читтак – қизилиштон – туяқуш – миққий; чумчуқ – сассиқпопишак – йўрға тувалоқ – бургут; қалдирғоч – қирғовул – ёввойи ўрдак – калхат; ҳакка – зарғалдоқ – кулранг ғоз – тасқара* каби орнитонимларнинг барчаси шаклий жиҳатдан «жуда кичик қуш – ўртача қуш – жуда катта, йирик қуш» семаларига томон ўсиб боради ва шу асосда даражали зиддиятлар қаторини ҳосил қилади. Буни жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин:

2-жадвал

Орнитонимлар орасидаги даражали зиддиятлар



4. Тил бирликлари, жумладан лексемалар орасида кенг тарқалган «Нотўлиқ (приватив) зиддиятлар бошқа зиддиятлардан кескин фарқ қилади. Бундай зиддият камида иккита тил бирлиги (лексема) ёки бирликларнинг икки гуруҳи орасида намоён бўлади. Бу бирликларнинг биттаси албатта доимий, барқарор, ўзгармас...» [51, 17] характерга эга бўлади. Масалан, *бедана, канарейка, каклик* орнитонимлари орасида «сайроқилик» белгиси, *мешкобқуш, лойхўрак, лайлак* орнитонимлари орасида эса «сайрамаслик» белгиси ҳамиша барқарор бўлиши кузатилади. Шунга кўра бедана орнитоними ҳамиша фақат сайроқи қушни, мешкобқуш эса фақат сайрамайдиган қушни аташга хизмат қилади. Лекин *«тустовуқ»* ёки *«қирғовул»* дейилганда бу орнитонимларда «сайроқилик» ёки «сайрамаслик» семалари бўлмайди.

Қиёсланг: Кеча овчилар бир гала тустовуқ овлашди гапида *«тустовуқ»* орнитоними қушнинг сайраш ёки сайрамаслик ҳолатига ишора қилмайди. Орнитоним-лексемалар орасидаги бундай кўринишдаги зиддиятлар қисман (приватив), нотўлиқ зиддиятлар деб юритилади. Тил бирликлари (лексемалар) орасидаги боғланишни, давомийликни таъминлашда юқоридаги сингари нотўлиқ зиддиятлар ва оралиқ учинчиларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Буни жадвалда қуйидагича ифодалаш мумкин:

3-жадвал

Орнитонимлар орасидаги нотўлиқ (приватив) зиддиятлар

Доим барқарор, ўзгармас характерга эга



Тил бирликлари орасидаги муносабатларнинг иккинчи тури поғонали (иерархик) муносабатлар, деб юритилади. Поғонали муносабатлар билан боғланган тил бирликлари (лексемалар)да кенгроқ тушунча ва маънони ифодалайдиган бирлик (лексема) торроқ тушунча ва маънони ифодалайдиган бирлик (лексема)ни ўз ичига олади, у билан кўпинча тур-жинс (гипо-гиперонимик), бутун-бўлак (партонимик) алоқаларга киришади [51, 22]. Масалан, *қуш, парранда, зоғча, каклик, ўрдак, миққий* луғавий бирликлари (орнитонимлари)ни олайлик. *«Парранда», «зоғча», «каклик», «ўрдак», «миққий»* орнитонимлари англатган маъно ва тушунчасига кўра «қуш» орнитоними маъносининг таркибига киради. Шундай муносабатдаги луғавий бирликлар (орнитонимлар) ўзаро бутун-бўлак ва тур-жинс алоқалари билан боғланган бўлади.

Поғонали (иерархик) муносабатлар тилнинг лексик, грамматик қурилишида ўта фаол хусусиятга эга бўлиб, турли гуруҳдаги тил бирликлари (жумладан, лексемалар) таркибида учрайди. Улар ўзаро бирикиб, ўзидан бошқа каттароқ гуруҳлар таркибига киришлари ва поғонали муносабатда бўлишлари мумкин [51, 23]. Масалан, *читтак, чуғурчиқ, уй чумчуғи, тўрғай, майна, булбул* каби қушлар чумчуқсимонлар туркумига киради, мусича, кўк каптар эса каптарсимонлар туркумига мансуб, *қирғовул, курка, товус, каклик, қур* каби орнитонимлар эса товуқсимонлар туркумига бирлашади, *йилқичи, хўжасавдогар, булдуруқ, тўрғай* сингари орнитонимлар эса тувалоқлар туркумига мансубдир. Юқорида саналган тўрт туркумга мансуб ўн еттита орнитоним бирлашиб, алоҳида гуруҳларни ташкил этади.

Тил бирликлари (лексемалар) орасидаги муносабатларнинг учинчи тури қўшничилик (синтагматик) муносабатларидир [51, 23]. Бундай муносабатлар тил бирликлари (лексемалар)нинг «...ўзаро мантиқий бирика олиши билан, ёнма-ён қўллана олиши билан, ...» [51, 23] характерланади. Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, бунда ҳар қандай тил бирлиги (лексема) бошқа ҳар қандай тил

бирлиги (лексема) билан бирикиб, қўшничилик муносабатига киришавермайди [51, 23]. Масалан, ўзбек тилида *тош учди, тош қайнади* бирикмалари ҳосил қилиниши мумкин эмас, чунки тош оғир, у учмайди, балки отилади. Лекин *«қуш учди», «товуқ қозонда қайнади»* деган бирикмаларни нутқ жараёнида тузиш мумкин, чунки «қуш» орнитоними «учмоқ» феъли билан бирикиб, қўшничилик (синтагматик) муносабат ҳосил қила олади, овланган ёки сотиб олинган товуқ патлари юлиниб, қозонга солингач, албатта қайнайди ва пишади, яъни бу ўринда «товуқ» орнитоними «қозон» ва «қайнамоқ» лексемалари билан ўзаро синтагматик муносабат ҳосил қилиш имкониятига эга [51, 23-25].

Қўшничилик (синтагматик) муносабатлари оддий, барқарор (нормал) ва ғайриоддий, нутқий бўлиши ҳам мумкин [51, 24]. Орнитонимлар оддий, қўшничилик муносабатига ўз тўғри, номинатив маънолари орқали киришади. Масалан, *Турна, лайлак, оқ қуш оёқлари узун қушлардир. Бедана яхши парвариш қилинса, ёқимли сайрайдиган қушдир* гаплари таркибидаги *турна, лайлак, оқ қуш, бедана, қуш* орнитонимлари ўз номинатив (узуал) маъносида қўлланган. Шу билан бирга орнитонимлар бадиий ва публицистик матнларда кўчма (окказионал) маъноларда ҳам қўлланади. Масалан, ўзбек тилида «мусича» орнитоними «каптарсимонлар оиласи ғурраклар уруғига мансуб, одамга яқин яшайдиган, беозор, ювош қуш» номидир [191, 648]. Ёзувчи Саид Аҳмад *«Мусича»* сарлавҳали ҳажвий ҳикоясида безорилиги учун қамалган, ота-онасини ташвишга қўйган, такасалтанг йигит Жўравойга нисбатан бу орнитонимни қўллаган. Натижада «мусича» орнитоними тамоман тескари маъно касб этган. Бу ҳолат маҳалла комиссиясининг раиси Жўравойга ёзган тавсифномада ҳам ўз аксини топган: *«Маҳаллада мусича шўхлик қилса қиладики, Жўравой шўхлик қилмайди, ҳеч кимнинг деразасини синдирмаган, ҳеч қайси тўйда тўполон қилмаган, маҳаллада ҳамма, бола бўлса Жўравойдек бўлсин, деб ният қилади...»* [С. Аҳмад. Сайланма. 3-жилд. 266].

Ёзувчининг «Товуқ тилини биладиган одам», «Хотинбоз чумчуқ» сингари ҳажвий ҳикояларида ҳам *товуқ, чумчуқ* орнитонимлари худди шундай кўчма, окказионал маъноларни ифодалайди. Шундай қилиб, орнитонимлар ҳам бошқа луғавий бирликлар сингари лексемалардир. Улар ҳам ўзаро парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатларга киришади. Шу асосда лексема-орнитонимга Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловнинг тадқиқотига асосланган ҳолда қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема турига лексема» [51, 37] дейилади. Бу таърифда лексема-орнитонимларнинг нутқий жараёнда грамматик морфемаларни (қўшимчаларни) ўзига эргаштириб кела олиши таъкидланган. Дарҳақиқат, орнитонимлар бошқа лексемалар сингари нутқ жараёнида турланиш, эгалик ва келишик қўшимчаларни қабул қилиш хусусиятига эга. Масалан: *булбул+им+га сув бердим; тўти+ча+м+дан айрилдим; каклик+лар+ни* пишириб истеъмол қилиш мумкин сингари гаплар таркибида булбул, тўтича, каклик орнитонимлари кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларини қабул қилган.

1.4. Орнитоним-лексемаларнинг тузилиш турлари

Систем ономастикада орнитоним-лексемалар муайян қолип, муайян қонуниятнинг маҳсули, ҳосиласи сифатида юзага келган. Ўзбек тилидаги орнитоним-лексемаларнинг маълум қисми туб, содда сўзлар *(жўр, зоғ, анқо, чил, ғоз, қув* каби) бўлса, асосий қисми соддалашиш ва яхлитланиш (идеоматизация) асосида вужудга келган. Соддалашиш деб, «муайян сўз ясаш қолипининг ҳосиласида ёки сўзнинг маълум бир шаклида ўзак билан қўшим-

чанинг ўзаро бирикиб, шаклан ажралмас бутунликка ўтишига ва шунга мувофиқ янги маъно ифоланиши» [51, 44] га айтилади.

Ҳозирги ўзбек тилида туб деб саналган кўпгина орнитонимлар тарихан ўзак морфемаларнинг турлича қўшимчалар билан бирикишидан ташкил топган. Масалан, ўзбек тилида *укки, тўрғай, каккy, бургут, чумчуқ, шунқор, ўрдак, қирғий* каби юзлаб икки ва ундан ортиқ бўғинли орнитонимлар мавжуд. «Тилимизнинг ҳозирги ҳолати нуқтаи назаридан муайян сўз ясаш қолипининг ҳосиласи бўла олмайдиган бу сўзлар (орнитоним-лексемалар)нинг барчаси туб сўзлар бўлиб, нутқда тайёр лексемалар сифатида қўлланади. Тарихан эса улар лексема эмас, балки нутқий ҳосилалар – ясама сўзлар ва сўз шакллари (формалари)дир» [51, 44]. Бунга мазкур орнитоним-лексемаларнинг этимологиясини маълум даражада кўздан кечириш орқали ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин:

УККИ – бу сўз орнитоним сифатида «бойўғлилар туркумига мансуб йиртқич тун қуши» маъносини билдиради [179, 386]. Қадимги туркий тилда ҳам бу сўз худди шундай маънони англатган, лекин у *ўги, ўку* тарзида талаффуз қилинган [175, I, 175]. Ўзбек тилида ўки сўзи таркибидаги ***ў*** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, ***к*** ундоши эса геминация (қўш ундошлик) ҳодисасига учраган: *ўки* > *уки* > *укки* каби.

ТЎРҒАЙ – бу сўз орнитоним сифатида «чумчуқсимон кичкина сайроқи қуш» маъносини билдиради [179, 373]. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз дастлаб ториға тарзида талаффуз қилинган [175, III, 189]. Кейинчалик бу сўз охирига – й қўшимчаси қўшилган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қисқарувга учраган, ўзбек тилида эса **а** унлиси юмшоқ **д** унлисига алмашган: *торға+й* > *торғай* > *торғай* > *тўрғай* каби.

КАККУ – бу сўз орнитоним сифатида «ўзи ин қурмай, тухумини бошқа қушларнинг уясига қўядиган ўрмон қуши» маъносини билдиради [179, 198]. Бу от қадимги туркий тилда товуш-

га тақлид как-кук сўзи асосида юзага келган, қушга ном унинг сайрашига қараб берилган кўринади. Қадимги туркий тилда бу сўзнинг қисмлари бирлашиб, сўз ичида кк ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган: *как + как = какук* [175, II, 331]. Ўзбек тилида эса биринчи бўғиндаги а унлиси, сўз ичидаги кк ундошлари сақланган, **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: *как+кук = каккук > какку > каккў* каби.

БУРГУТ – бу сўз орнитоним сифатида «энг катта йиртқич овчи қуш» маъносини билдиради [179, 69]. Бу орнитоним қадимги туркий тилдаги «қайир-», «бурма ҳосил қил-» маъносини англатувчи бэр феълининг «чангали билан ушла» маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи –**гэ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига –**т** қўшимчасини қўшиб ясалган. Бу ҳолат Э.В.Севортяннинг луғатида ҳам қайд этилган [184, II, 300]. Ўзбек тилида бу сўз таркибидаги ҳар икки **у** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: *бэр+гэ = бэргэ+т = бэргэт > бургут* каби.

ЧУМЧУҚ – бу сўз орнитоним сифатида «хонадонларга яқин жойларда яшаб, ҳашарот ва дон билан озиқланадиган кичкина қуш» маъносини ифодалайди [179, 439]. Бу сўз ДЛТда қайд қилинмаган. Проф. Ш.Раҳматуллаев бу орнитонимнинг шаклларини ўзаро қиёслаб, унинг этимологияси ҳақида қуйидаги мулоҳазани билдиради: «бу сўз таркибида асли ы (и) унлиси қатнашган, кейинчалик бу унли у унлисига алмашган. Биринчи бўғин охирида **б, м, п** ундошларининг келиши бу ерда ундошлар алмашинуви содир бўлганлигини кўрсатади» [179, 439]. Бу орнитоним таркибидаги фонетик ўзгаришларни қуйидагича кўрсатиш мумкин: *чыбы+чық = чыбычық чыбчық > чымчық > чумчуқ* каби.

ШУНҚОР – бу сўз орнитоним сифатида «лочинсимонлар оиласига мансуб кучли йиртқич қуш» маъносини ифодалайди [179, 458]. Проф.Ш.Раҳматуллаев *«шунқор»* сўзининг этимологияси ҳақида қуйидаги мулоҳазани билдиради: *«шунқар»* сўзи

асли қадимги туркий тилда *«қув-», «изига туш-»* маъносини англатган *сон-* феълидан –қур қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилиш мумкин» [179, 439]. Ўзбек тилида бу орнитоним таркибида юз берган фонетик ўзгаришларни қуйидагича кўрсатиш мумкин: *сон + қур = сонқур > шунқар > шунқор* каби.

ЎРДАК – бу сўз орнитоним сифатида *«сувда сузиб, боши билан шўнғиб овқатланадиган ялпоқ тумшуқли қуш»* деган маънони билдиради [179, 486]. Бу от қадимги туркий тилдаги *«шўнғи-»* маъносини англатган **ур** феълидан *–дак* қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида кейинчалик у: унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: *у:р + дак = урдак > урдак* каби.

ҚИРҒИЙ – бу сўз орнитоним сифатида «тумшуғи калта ва қайрилган, чангали тараққий этган, бедана овига солинадиган йиртқич қуш деган маънони билдиради» [179, 552]. Бу орнитоним қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган [172, 446]. Аслида бу от «тирна-» маъносини англатувчи қыр феълининг «чангалга ол» маъносидан кучайтириш маъно оттенкасини ифодаловчи **–ғу** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–й** қўшимчасини қўшиш орқали ясалган; кейинчалик у унлиси ы унлисига алмашган, сўнгра ҳар иккала **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: *(қыр- + ғу = қырғу) + й = қырғуй [172, 446] > қырғый > қирғий* каби.

Орнитоним-лексемалар пайдо бўлишининг яна бир кенг тарқалган усули яхлитланиш (идиоматизация)дир. Яхлитланиш деб тарихан ясама бўлган лексема маъносининг сўз ясаш (ёки форма ясаш) модели маъносидан узилишига, узоқлашишига айтилади [51, 44]. Масалан, туяқуш, лайлак, оқбағир, қорабағир, қизилиштон, сассиқпопишак, зарғалдоқ, пўнгқарға сингари орнитонимлар тарихан икки ўзакли ҳосиладан иборат бўлган, улар ҳозирги пайтга келиб яхлитланган ва шу асосда орнитоним-лексемаларга айланган.

Орнитоним-лексемалар ҳосил бўлишининг энг унумли йўлларидан бири атамалашиш (терминлашиш, терминологизация)

дир. Нутқий ҳосилаларга маълум бир соҳа, жумладан орнитология соҳаси нуқтаи назаридан таъриф берилиб, уларнинг маъноси ихтисослашса, бундай ҳосилалар ҳам тилнинг мустақил орнитоним-лексемаларига айланади [51, 45]. Масалан, тилимизда асал+чи+лар ясама от лексемаси мавжуд. Бу сўз уч грамматик шакл (морфема)дан иборат. Рус тилидаги «медовед» орнитонимини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида бу орнитоним асалчилар шаклида ўзбекчага ўгирилган, натижада бу сўзнинг маъноси ихтисослашиб, у термин – орнитонимга айланган [12, 158]. Худди шунингдек, айрим орнитологик адабиётларда қайд этилган *қизғиш, сувбургут, мешкобқуш, мешкобчи қуш, қизил бош, калжўрчи, қизқуш, кўкантой, қорабузов, қумой, қизилоёқ, тартерак* сингари орнитонимларнинг шаклланиши ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин [12, 152-163].

Орнитоним-лексемалар ҳосил бўлишининг яна бир кенг тарқалган усули лексемалашишдир. «Тарихан сўз бирикмалари (ҳатто гап) қолипларининг ҳосиласи бўлган сўз бирикмалари (гап қисмлари) орасидаги синтактик алоқанинг йўқолиши ва бу ҳосилаларнинг шакл ва мазмун бутунлиги, тайёр, турғун бирликларга айланиши» [51, 45] лексемалашишдир. Масалан, орнитологик таржима адабиётлари орқали тилимизга кириб келган қора томоқ мошак, қора томоқ чумчуқ, қизил бўйин ўрдак, бедана мошак, малла ранг қалдирғоч, туя қалдирғоч, қорни қора булдуруқ, каспий қора ёқаси, узун думли думпараст, сариқ ёқа, ҳашаротхўр чумчуқсимон қуш, қарчиғайга ўхшаган йиртқич қуш каби орнитоним-лексемалар худди шу усулда ҳосил бўлганлигини Д.Бозорова ўз ишида таъкидлаган эди [12, 152-165].

Орнитоним-лексемаларнинг систем таҳлили амалга оширилар экан, унинг тузилиш жиҳатдан турларини ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Тузилишига кўра тилнинг бошқа лексемалари сингари орнитоним-лексемалар ҳам содда, соддалашган, қўшма, жуфт ва мураккаб турларга бўлинади.

Содда орнитоним-лексемалар тарихан бўлинмас бўлиб, улар бир ўзакдан иборат туб луғавий бирликлардир. Анқо, анғирт, зоғ, чил, саъва, лочин, товус, хўроз сингари орнитоним-лексемалар ана шундай содда орнитонимлар қаторига киради.

Ҳозирги тил нуқтаи назаридан тайёр ва бўлинмас, шаклий ва мазмуний бутунликка эга бўлиб, таркиби тарихан мураккаб бўлган лексемалар соддалашган орнитоним-лексемалар деб юритилади. Масалан, *чуғурчиқ, чумчуқ, бургут, қарға, какку, мусича, майна, қалдирғоч* сингари орнитоним-лексемаларни соддалашган, яхлитлашган лексемалар сифатида қараш мумкин бўлади.

Тарихан икки ва ундан ортиқ ўзак (луғавий морфема)ларнинг шаклий ва мазмуний бутунликка айланиши натижасида юзага келган лексемалар қўшма орнитоним-лексемалар дейилади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, ҳозирги ўзбек тилидаги орнитоним-лексемаларнинг 67 фоизга яқини икки ва ундан ортиқ ўзакдан иборат қўшма лексемалардир: *кўккарға, ваҳмақуш, деҳқончумчуқ, сувбургут, қора тўрғай, олатўғаноқ, гўнгқарға, болтатумшуқ, беданамашак, йўрғатувалоқ, хўжасавдогар, тентакқуш, қоралайлак* сингари орнитоним-лексемалар шулар жумласидандир.

Жуфт орнитоним-лексемалар бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам жуда кам учрайди. Улар қўшма орнитоним-лексемаларнинг бир тури бўлиб, улар таркибидаги ўзак морфемалардан бири тилда мустақил лексема сифатида кенг қўлланади, иккинчиси эса қўлланилмайди ёки жуда кам қўлланилади. Масалан, чуғурчиқ орнитоними икки тақлидий сўз *(чуғур+чиқ)* дан тузилган, уларнинг яхлитланиши эса жуфт орнитоним-лексеманинг шаклланишига асос бўлган, лекин бу жуфт лексема ва бошқа жуфт сўзлар сингари чизиқча билан ёзилмайди, балки қўшма лексемадек шаклланиш асосига эгадир. Бизнинг *чуғур+чиқ* орнитоними жуфт орнитоним-лексема дейишимизга *чувур // чуғур* сўзининг *чуғур-чуғур* шаклида [188,

384] ва чиқ тақлидий сўзининг ҳам чиқ-чиқ шаклида [188, 375] қўлланилиши ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Янги ЎТИЛда бу орнитоним *«чуғурчуқ»* шаклида қайд қилинган: [192, 519]. Худди шунингдек, тилимиздаги шақшақ, суқсуқ, тартар, тартарак, суқсур каби орнитоним-лексемаларнинг шаклланиши ҳам худди шу усулда амалга ошган.

Мураккаб орнитоним-лексемаларга атамалашган ва сўз бирикмаларидан ясалган лексемалар киради. Масалан, *қизил бўйин ўрдак, малла йўлли қалдирғоч, Қозоғистон мойқути, соҳил қалдирғочи, асал кўрсатувчи қуш, қорни қора булдуруқ, оқ тусли рябка булдуруғи, жаннат ҳашаротхўри, қарчиғайга ўхшаган йиртқич қуш* кабиларни ана шундай мураккаб орнитоним-лексемалар таркибига киритиш мумкин.

1.5. Орнитоним-лексемаларнинг семантик таркиби

Маълумки, лексема икки томон (шакл ва мазмун томон)га эга бўлган тил бирлигидир [51, 54]. Систем лексикологияда лексеманинг шакл томони номема, мазмун томони (маъноси, ички томони, сигнификати кабилар) эса семема деб юритилади. Шунга биноан *лексема = номема + семемадир,* дейиш мумкин [51, 55].

Нутқда, айниқса, шеърий нутқда номема катта аҳамият касб этади. Жумладан, шеърий нутқда қофия, радиф, тажниснинг ўнлаб турлари, бир қанча лафзий ва ҳарфий санъатлар номеманинг хусусиятларига таянади [51, 55]. Биз ҳам ишимизнинг кейинги бобида орнитонимларнинг шеърий санъатларни шакллантиришдаги имкониятларини маълум даражада ўрганишга ҳаракат қиламиз. Бу эса поэтик нутқда номема ва унинг услубий жиҳатдан воқеланиши катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, лексемаларнинг, жумладан, орнитоним-лексемаларнинг систем таҳлилидаги асосий таянч нуқта уларнинг ички томони, яъни семемаларнинг таркибини аниқлашдир.

Ҳар қандай лексеманинг ички томони, унинг мазмуни, маъноси нимани ифодалаб келишига семема дейилади. Семема кўпинча инсон онгидаги маълум бир тушунча ёки тушунчалар тизими билан боғлиқ бўлади. Агар тушунча онг, мантиқ бирлиги бўлса, семема тилга, аниқроғи, лексемага хос бирликдир [51, 56].

Тилшуносликда семемани ҳосил қилувчи маъно бўлаклари (семеманинг таркибий қисмлари) сема деб юритилади [51, 57]. Масалан, *«майна»* орнитоним-лексемасининг семемаси тахминан қуйидаги маъно бўлаклари (сема)лардан иборатдир: 1) «қуш»; 2) «чуғурчиқлар оиласига мансуб»; 3) *«майда қуш»*; 4) «сайроқи»; 5) «қишлоқ хўжалиги учун фойдали»; 6) учади [190, 529] кабилар. Бу ўринда *«майна»* орнитоним-лексемаси семемасининг олтита маъно бўлакчалари (семалари) аниқланди, холос. Бундай семалар саноғини яна давом эттириш мумкин. Лекин айни вақтда юқорида келтирилган олти семанинг ўзиёқ *«майна»* лексемасининг ички томони ҳақида бизга муайян тасаввур бера олади. Шуни ҳам айтиш керакки, семема таркибидаги семалар табиати бир хил эмас. Семантик таҳлил билан шуғулланувчи олимлар маъно хусусиятига кўра семема таркибидаги семаларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиб [51, 58] ўрганмоқдалар:

1. Аташ семалари ёки денотатив семалар. Бундай семалар объектив борликдаги нарса-буюм, белги-хусусият, миқдор кабиларни атовчи, номловчи семалар саналади [51, 58]. Масалан, *«бургут»* орнитоними 1) ташқи кўринишига кўра *«патли»*; 2) ҳаракат тарзига кўра *«чаққон»;* 3) биологик хусусиятига кўра «ёввойи»; 4) феъл-атвори, табиатига кўра *«йиртқич»* семаларига эга. Бу семалар аташ семалари саналади. Тилшуносликда лексемаларнинг маънодошлик (синонимия) муносабатини аниқлашда, асосан, аташ семаларига таяниб иш кўрилади.

2. Ифода семалари дейилганда, семема таркибидаги турли қўшимча маънолар (услубий бўёқ, шахсий муносабат, қўлланиш доираси кабилар) тушунилади [51, 60]. Масалан, *«бургут»* дейил-

ганда, юқорида биз таъкидлаган семалардан ташқари «қўрқмас», «мард» семалари ҳам англашилади, бу семалар «бургут» семемаси таркибидаги ифода семалари бўлиб, улар муайян матнларда юзага чиқади. Масалан, ёзувчи Саид Аҳмад бургутни *«саҳро султони»* тасвирий ифодаси (перифраза) билан номлаганда, *«бургут»* орнитонимидаги худди ана шу семалар назарда тутилган эди: «Бўриларнинг этни жимирлаштирадиган улиши, тўнғизларнинг кўксов йўталидек ёқимсиз товуши, эчкемарларнинг мурда нигоҳидек совуқ боқиши, ҳар ер-ҳар ерда қолган илон пўстларининг ожиз йилтираши ва ниҳоят, дўнгликларда ҳайкалдек қотган саҳро султони – чўл бургутларининг: бу менинг масканим, одамга йўл йўқ, дегандек виқорли боқиши бу икки йўловчининг юрагига ваҳм сололмасди» [С.Аҳмад. Сайланма. 3-жилд, 295].

3. Вазифа семалари семема таркибига кирувчи ва орнитоним-лексеманинг нутқда қандай вазифаларда кела олишини билдирувчи семалар саналади. Бу семалар орнитоним-лексеманинг бирикувчанлигини (синтактик валентлигини) ҳам белгилаб беради [51,62]. Масалан, қуйидаги матнда *«бургут»* орнитоним-лексемаси синтактик жиҳатдан эга вазифасини бажармоқда: *«Дўнгда чакмонини елкасига ташлаб ўтирган одамдек турган ваҳимали бургут беозор қанот силкиб, худди сувда сузаётгандек тик осмонга кўтарилди»* [С.Аҳмад. Сайланма. 3-жилд, 296].

Демак, орнитоним-лексемаларнинг ички томони семема бўлиб, унинг таркибида аташ, ифода ва вазифа семалари мавжуд бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, орнитоним-лексемалар бир семемали ва кўп семемали бўлиши мумкин. Масалан, *укки, қумой, куйка, қузғун, қарчиғай, мусича, саъва, миққий* сингари орнитоним-лексемалар бир семемали, нутқда фақат қуш номи сифатида қўлланиш хусусиятига эга бўлса, *йилқичи, қизилғоз, қизилтомоқ, ҳайдар кокил, бойўғли, бойқуш, бирқозон, асалчилар, майна, бургут, лочин, қалдирғоч, лойхўрак, узунқуйруқ, балиқчи, қорабовур, ўлимтик, воҳмақуш, деҳқончумчуқ* сингари жуда кўплаб орнито-

ним-лексемалар кўп семемалидир, чунки улар нутқда кўп маъноли сўзлар, бирикмалар сифатида юзага чиқади.

Тилимиздаги орнитоним-лексемалар ҳам бошқа лексемалар сингари луғавий мазмуний гуруҳ (ЛМГ) ларга бўлинади. ЛМГ дейилганда, маълум бир умумий белги (умумлаштирувчи семалар) асосида орнитоним-лексемаларни муайян бир гуруҳларга бирлаштириш тушунилади. Лексемаларни ЛМГларга ажратиш муаммоси ўзбек тилшунослигида қисман ўрганилган» [100, 22-67; 67, 21-47; 68, 4-9; 149, 23; 74, 48; 143, 16-27].

Б.Абдушукуровнинг «XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар» номли тадқиқот ишида эса қушлар номини ифодалаган терминларни 7 та ЛМГга ажратган [119, 8-9]. Жумладан, *лочин, бургут* сингари орнитоним-лексемалар шахсга нисбатан ҳам қўлланади. Бу масала Ҳ.Саидова ва Н.Нишоноваларнинг номзодлик ишларида маълум даражада тадқиқ этилган» [147; 145]. Ишимизнинг охирги бобида биз ҳам бундай орнитоним-лексемаларнинг бадиий нутқда кўчма маънода қўлланиши, уларнинг кўп семемали хусусиятга эга эканлигини маълум даражада ёритишга ҳаракат қиламиз.

БИРИНЧИ БОБ
ЮЗАСИДАН ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

1. Қуш номлари (орнитонимлар) лексема бўлиб, нутқ жараёнида қўлланади ҳамда хилма-хил окказионал маъноларни ифодалайди.

2. Орнитонимлар орасида парадигматик, синтагматик ва поғонали муносабатлар мавжуд. Шу билан бирга орнитоним-лексемалар ўзаро тенг қийматли, мутаносиб, даражали ва нотўлиқ зиддиятларнинг ифодаланиши билан характерланади.

3. Ўзбек тилида орнитоним лексемаларнинг маълум қисми туб, содда сўзлардан ташкил топган, қолган қисми эса соддалашиш, яхлитланиш, атамалашиш ва лексемалашиш жараёнининг маҳсулидир.

4. Орнитоним-лексемалар семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда, бу семемалар таркибида аташ, ифода ва вазифа семаларини бир-биридан фарқ қилади.

II БОБ
ЎЗБЕК ТИЛИДА ОРНИТОНИМЛАРНИНГ ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ

2.1. Морфологик усул билан ясалган орнитонимлар

Маълумки, табиат ва жамиятдаги ҳар бир нарса ёки ҳодиса сингари қуш номлари (орнитонимлар) ҳам ўз ривожланиш тарихига эга. Шунга кўра орнитонимларнинг шаклланиши ҳақида сўз юритилар экан, бошқа ҳайвонлар сингари қушлар ҳам доимо кишилик жамиятида одамлар билан ёнма-ён яшагани ва уларга ҳар жиҳатдан кўмакдош бўлганини инобатга олиш лозим бўлади. Шунга кўра, орнитонимлар ҳар қандай тилнинг энг қадимги луғавий қатламларидан бири эканлигини тилшунос олимлар қайта-қайта таъкидлаганлар. Масалан, К.М. Мусаевнинг таъкидлашича, туркий тилларда энг қадимги луғавий қатлам ҳайвон номлари, жумладан, унинг таркибига кирувчи қуш номларидир; биргина *«қарға»* орнитониминг илдизларини санскрит ва дравидий тилларидан қидириш мумкин [46, 18-24; 47, 129-130].

Қуш номлари (орнитонимларнинг) шаклланиш тарихи жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Шунинг учун энг дастлабки умумтуркий орнитонимлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия», «Санглоҳ», «Маъбоне ул луғот», «Бобурнома» каби асарларда қайд қилинган. Ўзбек тилшунослигида соҳавий терминология, жумладан тилнинг турли луғавий қатламларига оид лексемаларни тадқиқ этиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бундай луғавий қатламлар орасида қуш номлари (орнитонимлар) ҳам ўзбек тилида катта катта луғавий қатламни ташкил этади. Масалан, ўзбек тилидаги орнитологик лексикани тадқиқ этишда Д.Бозорованинг монографияси алоҳида аҳамият касб этади [12, 223]. Бу ишда ўзбек тилидаги

айрим қуш номларининг этимологияси, мотивацияси ва ясалиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Иш давомида тадқиқотчи кеклик *(куропатка // каклик), лочин, қарға, қарлиғач, ғоз, қуш, қузғун, турна, жабақулақ* каби қуш номлари энг қадимги умумтуркий қатламга мансублигини илмий жиҳатдан асослашга интилади [12, 16]. Олиманинг фикрича, туркий тилларда товушга тақлид асосида қуш номлари ҳосил бўлишининг ўзига хос қатъий модели (қолипи) мавжуд. Уларни орнитоним ҳосил қилиш даражасига кўра қуйидагича уч гуруҳга ажратиш мумкин:

а) қушларнинг характерли қичқириғи, овозини акс эттирувчи орнитонимлар. Масалан: тартар, шақшақ кабилар. Баъзан бу усулда шаклланган қуш номларининг иккинчи компоненти фонетик ўзгаришга учрайди: *суқсун, қузғун, какку, каклик, чил, жўр* кабилар [12, 19-24];

б) товушга тақлидни ифодаловчи сўз ўзакларига ясовчи аффиксларни қўшиб ҳосил қилинган орнитонимлар: *курк+а* кабилар [12, 35];

в) оддий қуш номларига товушга тақлидни ифодаловчи сўзни қўшиш орқали ҳосил қилинган қўшма орнитонимлар: *бабақ-хўроз, бабақтовуқ, каккуқуш* кабилар [12, 50].

Ўзбек тилидаги қуш номларининг ясалиш хусусиятини ўрганар экан, Д.Бозорова калькалаш асосида шаклланган орнитонимлар таҳлилига ҳам эътибор қаратади. Бунда қушларнинг ранги, оғирлиги, тана тузилиш ҳолати сингари белгилари, халқона этимологик асослари [11], ҳозирги замон туркий тилларида калькалаш асосида ўзлашган орнитологик терминларни тартибга солиш масалалари ёритилади [13]. Шунга кўра, ўзбек тилидаги кўпгина қуш номлари бадиий ва публицистик матнларда зооморфизм сифатида кенг қўлланади ҳамда зоонимик типдаги антропонимик тавсиф учун восита бўлади. Масалан: *Товуқ тилини биладиган одам* (Саид Аҳмад) каби. Р.Г.Мухамеджановнинг «Ўзбекча-русча ўқув луғатида от туркумига оид сўзлар семан-

тизацияси (ўзбек тилидаги ҳайвон номларини билдирувчи сўзлар мисолида)» мавзуидаги номзодлик ишида *бургут, хўроз, шунқор, булбул, қузғун, тўти* сингари қуш номларининг шахс тавсифи учун метафора сифатида қўлланиш хусусиятларини ўрганади [142].

Ўзбек тилидаги ва бошқа туркий тилларидаги кўпгина қуш номлари энг қадимги туркий орнитологик туркий қатламга тегишли эканлигини инобатга оладиган бўлсак, қадимги туркий қуш номларини қиёсий-тарихий йўналишда тадқиқ этиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда, Д.Бозорованинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Масалан, олима «Айрим қадимги туркий қуш номлари ва уларнинг ҳозирги туркий тиллардаги параллеллари» номли мақоласида *киуи kuyu* (лебедь // оққуш), *sunkar, lacyn, toyan* (сокол // лочин), *sanduvac* (соловей // булбул), *seta* (воробей // чумчуқ), *kaz* (гусь // ғоз), *ordak* (утка // ўрдак) каби қуш номларини таҳлил этган. Бу таҳлилда туркий орнитонимларнинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш мақсадида муаллиф турли хил ёзма ёдгорликларнинг материалларидан унумли фойдаланади [27, 37-47]. Ўзининг комплекс қиёсий-тарихий илмий-тадқиқот натижаларини К.Ибрагимов «Ҳозирги туркий тиллар лексикасида қадимги туркий ҳайвон номлари» мавзуидаги номзодлик ишида акс эттирган эди [131].

Шунга асосланиб биз ушбу тадқиқот ишида орнитонимларнинг шаклланиши учун асос бўлган ясалиш усуллари, уларнинг компонент таркиби, орнитонимларда ўзлашма қатламнинг ўрни каби масалалар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бошқа терминологик системаларда бўлганидек, ўзбек тили орнитонимларининг бойишида ички ва ташқи манбанинг, морфологик ва синтактик усулда сўз ясаш имкониятларининг ўрни беқиёсдир.

Маълумки, тилнинг луғавий қатлами система сифатида ўрганилар экан, бу луғавий қатламнинг қайси манбалар асосида шаклланганлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Э.Бег-

матовнинг таъкидлашича, луғавий қатламлар дейилганда турли генетик манбага мансуб, муайян миқдорга эга бўлган сўзларнинг турли тарихий даврларда тил лексик системасида қатламланиши (қаватланиши) тушунилади [17, 45]. Шунга биноан ўзбек тили луғавий тизимида алоҳида қатламни, ЛСГни ташкил этувчи орнитонимларнинг шаклланишида ички манбанинг ўрни беқиёсдир. Ўзбек тилида бошқа луғавий қатламлар шаклланишида бўлганидек, орнитонимларнинг ички манба асосида бойиб боришида морфологик усул билан сўз ясаш усулининг алоҳида ўрни бор.

Маълумки, «муайян тилнинг ўзаро алоқа (муносабат)даги сўз ясалиши типлари мажмуи сўз ясалиши тизими ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодисалар ва уларнинг моҳияти ҳар бир ясама сўзнинг ёки ҳар бир сўз ясалишининг ўзи мисолида эмас, сўз ясалиш типи (типлари) мисолида (шу орқали) ёритилиши керак» [110, 40]. Ана шундай қилинганда, муайян бир тилга хос сўз ясалиш тизимининг замонавий таҳлили юзага келади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилидаги қуш номлари (орнитонимлар)нинг аффикслар ёрдамида (морфологик усул билан) ясалиш тизимини кўздан кечириш қизиқарли хулосаларга олиб келади.

Ўзбек тилида орнитонимларнинг асосий қисми бирикмали ва қўшма сўз характеридадир. Шу билан бирга орнитонимлар орасида морфологик усул билан ҳосил бўлган ясама сўзлар ҳам маълум қисмни ташкил этади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, тилимизда ясама орнитоним ҳосил қилувчи фаол сўз ясовчи қўшимчалар қаторига қуйидагилар киради:

-ли аффикси. Бу аффикс бир сўз (компонент)дан иборат бўлган орнитонимларга қўшилмайди. Улар бирикмали орнитонимларнинг асосан иккинчи ёки учинчи компонентига қўшилади ҳамда яхлит ҳолда аниқловчили бирикма ҳосил қилади. Бу аффикс ёрдамида ясалган қўшма орнитонимлар энг кўпчиликни ташкил

этади: *жингалак+ли бир қозон, оқ бош+ли қумой, оқ дум+ли сувбургут, ингичка тумшуқ+ли балиқчи, узун дум+ли қарқуноқ, қора бош+ли сирчумчуқ, узун дум+ли пашшахўр, соқол+ли чил, соқол+ли япалоққуш, тож+ли каптар* кабилар.

-чи аффикси. Бу аффикс от ясовчилар ичида энг маҳсулдоридир [6, 43-51]. У асосан от туркумига оид сўзлардан орнитонимлар ясашга хизмат қилади. Бу аффикснинг 40 дан ортиқ ясама орнитонимлар таркибида қўлланилиши маълум бўлди: чийилдоқ балчиқ+чи, катта балчиқ+чи, қизил оёқ балчиқ+чи, йилқи+чи, балиқ+чи, балиқ+чи тумшуқли чигирт+чи, кўк балиқ+чи, оддий балиқ+чи, тош балиқ+чи, қора чигирт+чи, жўр+чи, калжўр+чи, нутуқ+чи, қўнғироқ+чи қуш, капа+чи қуш, асал+чилар кабилар.

- (у)вчи//-(о)вчи аффикси. Асосан англашилган ҳаракатни бажарувчи шахсни ёки нарсани билдирувчи от ясайди [91, 185]. Улар ясама орнитоним сўзлар таркибида 20 дан ортиқ миқдорни ташкил этади: *асал кўрсат+увчи қушлар, суз+увчи қушлар, шўнғ+увчи ўрдаклар, қичқир+увчи чумчуқ, қичқир+увчи катта бургут, қичқир+увчи кичкина бургут, тўқ+увчи зарғалдоқ қуш, кезиб юр+увчи альбатрос* кабилар.

-симон аффикси. Бу аффикс ёрдамида ясалган орнитоним сўзлар асосдан англашилган предметга ўхшашлик белгисини билдиради [91, 192]. Улар миқдор жиҳатдан 50 дан ортиқни ташкил этади: қораялоқ+симон тўқай чумчуғи, ҳашаротхўр чумчуқ+симон қуш, лори+симон тўтиқуш, тожи гул+симон оқ товуқ, тожи япроқ+симон сарғиш товуқ кабилар.

-хўр аффикси. Асли тожик тилидан ўзлашган сўзлар таркибида бўлган –хўр сўз ясалиш асосидан англашилган нарсани еювчи, ичувчи, шу нарсани истеъмол этишни яхши кўрувчи шахс маъноли қўшма отлар ясаган [91, 179]. Маълумки, инсондан бошқа жонзотлар ҳам ейди, ичади, яъни ейиш, ичиш ҳаракати инсондан бошқа жонлиларга ҳам хос. Шу туфайли –хўр қўшимчаси баъзи жонлилар номини билдирувчи отлар ҳам ясайди: *ҳашаротхўр, ўлаксахўр.* Де-

мак, бундай сўзларда ҳам –хўр қўшимчаси «еювчи нарса» маъносини билдиради. Нимани ясаш эса сўз ясалиш асосидан англашилади [110, 75]. Улар орнитонимлар таркибида 40 дан ортиқ эканлиги аниқланди: *лой+хўр+ак, ари+хўр, пашша+хўр, кулранг пашша+хўр, узун думли пашша+хўр, тариқ+хўр деҳқончумчуқ, хашарот+хўр, жаннат ҳашарот+хўри, банан+хўр, чивин+хўр* кабилар.

-дор аффикси. Бу аффикс ҳам асли форс-тожик тилига мансуб. –дор аффикси ўзбек тилига шу тиллардан ўзлашган сўзлар таркибида ўтган. –дор аффикси айрим отларга қўшилиб, шахс ёки предметнинг сўз ясалиш асосидан англашилган нарсага меъёрдан ортиқ(юқори) даражада эгалигини билдирувчи сифат ясайди [110, 120]. Орнитонимлар таркибида ҳам шу қўшимча билан ясалганлари 30 дан ортиқни ташкил этади: *мўйлов+дор читтак, қулоқ+дор япалоққуш, кокил+дор канарейка, кокил+дор аргус, кокил+дор сериема, тож+дор турна, гўшт+дор каптар, ранг+-дор лойхўрак, кокил+дор турако, пайпоқ+дор каптар* кабилар.

-ча аффикси. Бу аффикс ёрдамида ясалувчи сўзлар асосан кичрайтириш маъносини билдиради [91, 242]. Бу аффикс орнитонимлар таркибида ҳам мавжуд: *зоғ+ча, зағ+ча, тоғ зағ+часи, бижилдоқ қуш+ча, танга+чали черага, жинқар+ча, чингқар+-ча, хўроз+ча;* Бу аффикс чекланган миқдордаги сўзлардан сифат ҳам ясайди. Бу турдаги сифатлар шахс ёки предметнинг миллат, жой, миқдор, хусусият белгисини билдиради. Бундай сўзларни орнитонимлар таркибида ҳам учратиш мумкин: *сурнай+ча пуфлаш канарейкаси, француз+ча жингалакли канарейка* кабилар.

-вой аффикси: *қора+вой, харом қора+вой, катта қора+вой, кичик қора+вой, стеллер қора+войи, кўзойнакли қора+вой, кокилдор қора+вой, денгиз қора+войи, галапагосс қора+войи, материк ҳаром қора+вой, узун тумшуқли қора+вой* кабилар.

-(а)к аффикси. Тақлид сўзлардан ясалган отлар камчиликни ташкил этади. Бундай отлар орнитонимлар таркибида ҳам мавжуд: *ғурра+к, чурра+к, мармар чурра+к, читта+к, катта читта+к* кабилар.

-(о)қ аффикси. Бу аффикс ҳам ясама орнитонимлар ҳосил қилишда фаол иштирок этади: *зарғалдо+қ, қораяло+қ, олатўғано+қ, тарғо+қ, сув тарғо+қ, йўрға тувало+қ, қашқалдо+қ* кабилар.

-илдоқ аффикси. Бу аффикс аслида тақлид сўзлардан ясама сифат ясайди. Бу турдаги сифатлар шахс ёки предметнинг тақлид сўздан англашилган белгига ортиқ даражада эгалигини билдиради [91, 191]. Бу аффикс билан ясалган сўзлар орнитонимлар таркибида ҳам мавжуд: *қурқилдоқ оққуш, вақилдоқ, чийилдоқ, оддий чийилдоқ, чийилдоқ балчиқчи, чийилдоқ ўрдак, чийилдоқ ғоз, чирилдоқ ўрмон чумчуғи* кабилар.

-(оқ)и аффикси. Бу аффикс феълдан сифат ясайди. Қўшимча қўшилиши натижасида а ҳарфи о га айланган ҳолатни кўришимиз мумкин [86,190]: *америка сайр+оқи канарейкалари, англия сайр+оқи канарейкалари, белгия сайр+оқи канарейкаси, германия сайр+оқи канарейкалари, испания сайр+оқи канарейкалари, оқ қошли сайр+оқи қораялоқ* кабилар.

-й аффикси: *тўрға+й, сўфитўрға+й, бўзтўрға+й, қирғи+й, тошқирғи+й, миққи+й, қирғи+й бургут, қирғи+й япалоққуш, шоҳдор тўрға+й, амур қирғи+йи, африка қарчиға+йи* кабилар.

-сиз аффикси. Бу аффикс ҳам –ли аффикси сингари терминлар ясашда маҳсулдор аффикслардан бири ҳисобланади. –сиз аффикси асосдан англашилган нарса, ҳолатга, предметга эга эмаслик маъносини билдирувчи сифатлар ясайди [91, 189]. Бундай ҳолатни айрим ясама орнитонимлар таркибида ҳам кўришимиз мумкин: *қанот+сиз қушлар, тож суяк+сиз қушлар, нур+сиз кургалак, қанот+сиз гагарка, кўкрак тож+сизлар, оёқ+сиз жаннатқуш* кабилар.

-қоқ аффикси. Бу аффикс отдан сифат маъноли орнитонимлар ясашда хизмат қилади: *уруш+қоқ товуқ, уруш+қоқ хўроз* кабилар.

-параст аффикси. Асосдан англашилган ҳодисага эътиқод қилувчи, шунга берилган шахс оти семасига эга бўлган [91, 179]

орнитонимлар ясайди: *балчиқ+параст қуш, дум+параст, узун думли дум+параст* кабилар.

-мтир, - имтир аффикси. Бу аффикс сифатнинг озайтирма даражаси ҳисобланиб, белгининг нормал даражадан кучсизлигини билдиради [91, 194]. Буни орнитонимлар таркибида ҳам кўришимиз мумкин: *кўк+имтир калхат, кўк+имтир-сариқ ара, сарғ+имтир канарейка, сарғ+имтир-кўкиш канарейка, чақмоқ қора+мтир қушча, қора+мтир патли сайроқи қушча, қора+мтир чийилдоқ қушча, қизғиш-кўк+имтир лори* кабилар.

-иш, - ғиш аффикси. Бу аффикс ҳам сифатнинг озайтирма даражаси ҳисобланиб, белгининг нормал даражадан кучсизлигини билдиради [91, 194]. Улар айрим орнитонимлар таркибида учрайди: *қиз+ғиш кўкимтир лори, қиз+ғиш канарейка, тожи япроқсимон сар+ғиш товуқ, сарғимтир-кўк+иш канарейка, оқ+иш қизилиштон* кабилар.

-лоқ аффикси. Бу аффикс ўрин-жой номларини ясашда хизмат қилади [91, 182]. Улар орнитонимлар таркибида ҳам мавжуд бўлиб, ўша орнитонимнинг айнан шу ўрин-жойга мансублигини билдиришга восита бўлади: *ўт+лоқ жиктоқи, ўт+лоқ бўктаргиси, ўт+лоқ сирчумчуғи, ўт+лоқ тўрғайи, ўт+лоқ қалдирғочи, қиш+лоқ қалдирғочи* кабилар.

-зор аффикси. Бу аффикс ҳам ўрин-жой номларини ясашда хизмат қилади [91, 182]. Улар ҳам айрим орнитонимлар таркибида мавжуд бўлиб, орнитонимларнинг айнан шу ўрин-жойга мансублигини билдиради, уларга локаллик семасини киритади: *бута+зор каккуси, бута+зор мойқути, бута+зор тўрғайи, чангал+зор каттаоёғи* кабилар.

-той аффикси: *қурқил+той, турум+той, ранг-баранг соқол+той, оқ бўйинли соқол+той, ола-була соқол+той, оддий турум+той, кўкан+той, жиғол+той, жиғал+той, дала турум+тойи, болтаютар соқол+той, америка турум+тойи, марказий осиё турум+тойи* кабилар.

-ма аффикси. Бу қўшимча феълдан от ва сифат ясаш учун хизмат қилади. От ясовчи сифатида ҳам, сифат ясовчи вазифасида ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида маҳсулли аффикс ҳисобланади [110, 81]. Бу аффикс айрим орнитонимлар таркибида ҳам учрайди: *зангори бошли осил+ма тўтиқуш, бура+ма думли оқчорлоқ, сайрат+ма, товлан+ма тўти* кабилар.

-ликдаги аффикси. *–лик, -да, -ги* аффикслари бирлашган ҳолда, мураккаб аффиксни ташкил этган. –лик аффикси феълдан бошқа деярли барча туркумга оид сўзлардан от ясай олса-да, асосий ясалиш от ва сифат туркуми доирасида бўлади. –даги аффикси ўрин келишиги кўрсаткичи – да аффикси билан –ги аффиксининг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма аффиксдир. ўртача *катта+ликдаги балчиқчи, ўртача катта+ликдаги узунбурун балчиқчи, ўртача катта+ликдаги қизилиштон* кабилар.

-кич аффикси. Бу аффикс феълларга қўшилиб, шу феълдан англашилган ҳаракатни бажаришга мўлжалланган нарсани билдирувчи от ясайди [91,185]: катта асалкўрсат+кич, қора бўйинли асалкўрсат+кич кабилар.

-лаш аффикси - *ла* ва - *ш* аффиксларининг бирикуви маҳсули бўлиб, от, сифат ва равишлардан феъл ясашда иштирок этади [91, 199]: *сурнайча пуф+лаш канарейкаси*.

-ар аффикси сифатдош ясовчи қўшимча бўлиб, -*мас* аффиксининг бўлишсиз шакли кўринишидир [91, 376]. Айрим ясама орнитонимлар таркибида ҳам - *ар* билан ясалган сифатдошлар иштирок этади: *болтают+ар, болтают+ар соқолтой, олачипор пашшатут+ар, осиё болтают+ари, олд осиё болтают+ари, пашшақоқ+ар, пашшатут+ар жаннатқуш, соқолли болтают+ар, сувкез+ар оқчорлоқ, сувкес+ар, қора сувкес+ар* кабилар.

-қи аффикси. Феъл ва тақлидий сўзлардан сифат маъноли орнитонимлар ясашда хизмат қилади [91, 190]: *вайса+қи чайка, қичит+қи ўт чумчуғи* кабилар.

-ий аффикси оидлик, алоқадорлик, хослик, тааллуқлилик

каби маъноли нисбий сифатлар ясайди. Дастлаб фақат араб тилидан ўзлашган сўзлар таркибида мавжуд бўлган. Бундай ўзлашма сифатларнинг айримларининг *–ий* аффиксидан қолган қисми ҳам ўзбек тилида мустақил ҳолда қўлланади, яъни шу қисми ҳам ўзбек тилига мустақил сўз сифатида қабул қилинган [110, 138]. Ўзбек тилидаги айрим ясама орнитонимлар таркибида шундай сўзларни учратиш мумкин: *шимол+ий кавказ жезранг куркаси, шимол+ий жингалак сочли канарейка, шарқ+ий қорақуш, шарқ+ий кенгоғиз, шарқ+ий жиктоқ, ғарб+ий булбул, жануб+ий америка канарейкалари, жануб+ий европа бургути, шарқ+ий осиё сори, илоҳ+ий ибис* кабилар.

-ги аффикси. Бу аффикс - *ки, - қи* вариантларига эга. Нисбий сифат ясайди. Унинг ёрдамида ясалган сифатлар предметнинг сўз ясалиш асоси англатган нарсага (вақт ёки жой-маконга) оидлик (шундай нисбатли) белгисини билдиради [110, 134]: *ҳозир+ги чумчуқ, қадим+ги балиқчи қуш, тун+ги қушлар, тун+ги қўтон, кундуз+ги қушлар, баҳор+ги кичкина қушча, баҳор+ги пеночка* кабилар.

-боз аффикси. Асосдан англашилган иш-ҳаракат билан кўп шуғулланувчи, шунга берилган шахсни англатувчи от ясайди [91, 179]. Бу аффикс ёрдамида ясалган орнитоним биз тўплаган материаллар орасида ҳозирча ягонадир: *масхара+боз бургут*;

-ки аффикси. Бу аффикс билан ясалган хонаки сўзи айрим қўшма орнитонимларнинг биринчи компоненти сифатида иштирок этади. Бу аффикс аслида *–ги* аффиксининг фонетик варианти ҳисобланади [91, 191]: *хона+ки ғоз, хона+ки ўрдак, хона+ки цесарка, хона+ки курка, хона+ки каптар, хона+ки канарейка* кабилар.

-қир аффикси. Бу аффикс воситасида феъллардан улар англатган ҳаракатни бажариш қобилияти кучли эканликни билдирувчи сифатлар ясайди [91, 190]. Мазкур аффикс ёрдамида ясалган орнитоним ҳозирча биз тўплаган материалларда фақат биттадир: *ҳиндистон чоп+қир ўрдаги*.

-сер аффикси. Бу аффикс ёрдамида ясалган сифат асосдан англашилган нарса-предмет миқдор жиҳатдан нормал ҳолатдан ортиқ даражада эканини билдиради [91, 188]. Бундай ясама орнитоним ҳам ҳозирча ягонадир: сер+тухум оқ товуқ.

-боп аффикси. Бу аффиксоид асосдан англашилган нарса учун жуда мувофиқ (муносиб) деган маънодаги сифат ясайди [91, 192]. Бундай ясама орнитоним ҳам ҳозирча биттадир: *томоша+боп канарейка.*

Шундай қилиб, бизнинг дастлабки кузатишларимиз шундан далолат берадики, ўзбек тилида *–ли, -чи, -симон, -вой,-хўр, -дор, -ча, -(а)к, -(о)қ, -й, -сиз* каби сўз ясовчи аффикслар морфологик, қисман морфологик-синтактик усул билан орнитонимлар ҳосил қилишда фаол иштирок этади, бундай ясама орнитонимларнинг асосий қисми бирикмали характерга эга бўлгани учун уларни морфологик-композицион усул билан ҳосил қилинган ясама орнитонимлар дейиш мақсадга мувофиқдир.

2.2. Композицион усул билан ясалган орнитонимлар

Ўзбек тилида «композиция йўли билан сўз ясаш композиталар – қўшма сўзлар яратиш бўлиб, бунда икки (ё ундан ортиқ) сўзнинг қўшилиши янги лексик бирлик – лексемани ҳосил қилади. Сўз ясашнинг бу типи ҳам ўзбек тилидаги актив йўллардандир» [195, 32-33]. Бу ҳолат ономастик бирликларнинг ясалишида ҳам фаол қўлланиб, қўшма, жуфт орнитонимларнинг ясалишида асос бўлади. Ўзбек тилида барча терминосистемалар сингари орнитонимлар ҳам ўзига хос луғавий тузилишга эга бўлиб, улар ўз ва ўзлашган қатламга хос бўлган сўзлардан ташкил топган.

Жуфт орнитонимлар: *қизғиш-кўкимтир лори, хаки-кемпбелл, хай-лайн, укки- тўти, сарғимтир-кўкиш канарейка, род-айленд, ранг-баранг соқолтой, ранг-баранг чивинқуш, ранг-баранг қораялоқ, пул-пайкор, ола-була соқолтой, ола-була ер чумчуғи, олатарғил канарейка, нью-хемпшир, ай-барчин* кабилар.

Такрор орнитонимлар: *жик-жик, жиқ-жиқ, тартар, ғул-ғул товуқ, ҳуд-ҳуд* кабилар.

Қўшма орнитонимлар таркибида *«балиқ», «бургут», «каптар», «товуқ», «чумчуқ»* сингари компонентлар қўлланилиши мумкин ва уларни қуйидагича тасниф қилишни лозим топдик:

1. Компонентларидан бири «балиқ» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *балиқчи, кўк балиқчи, балиққийғир, кумушранг балиқчи, балиқчи тумшуқли чигиртчи, чийилдоқ балиқчи, оддий балиқчи, кўл балиқчиси, ингичка тумшуқли балиқчи, балиқчи ўрдак, балиқчи укки, денгиз балиқчиси, кичик балиқчи, балиқчи қорасимон каптар, тош балиқчи, кулувчи балиқчи балиқчи қуш* кабилар.

2. Компонентларидан бири *«балчиқ»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *асл балчиқчилар, балчиқчи, балчиқпараст қуш, балчиқчи зағизғон, балчиққуш, ботқоқ балчиқчи, ингичка тумшуқли узунбурун балчиқчи, катта балчиқчи, катта узунбурун балчиқчи* кабилар.

3. Компонентларидан бири *«булбул»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *жануб булбули, зангори булбул, калта бармоқли булбул, кўк булбул, оддий булбул, оқ ёноқли булбул, хитой булбули* кабилар.

4. Компонентларидан бири *«бургут»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *сув бургут, чўл бургути, оқ думли сув бургут, узун думли сув бургут, дашт бургути, дашт катта бургути, илон бургут, қирғий бургут, бақироқ бургут, балиқхўр бургут, европа бургути, кичик бургут* кабилар.

5. Компонентларидан бири *«бўктарги»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *ботқоқ бўктаргиси, дала бўктаргиси, чўл бўктаргиси, ўтлоқ бўктаргиси, қамиш бўктаргиси, қўриқ бўктаргиси, сой бўктаргиси, соз бўктарги* кабилар.

6. Компонентларидан бири *«бўронқуш»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *бўз бўронқуш, жуда катта бўронқуш, ингичка тумшуқли бўронқуш, кичик бўронқуш* кабилар.

7. Компонентларидан бири «жиблажибон» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *дарахт жиблажибони, жиблажибонсимон қуш* кабилар.

8. Компонентларидан бири «какку» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *какку думли ҳудҳуд, какку қуйруқли попишак, какку қуш, калифорния каккуси, кенг тумшуқли какку, кичик какку, кулранг какку, оддий какку, олтинсимон какку, редко каккуқуш, саёқ какку, сариқ тумшуқли какку, узун думли какку* кабилар.

9. Компонентларидан бири *«каклик»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кулранг каклик, кичик кулранг каклик, соқолли каклик, подачи каклик, тоғ каклиги, тош каклиги, тундра каклиги, чўл каклиги, шотландия каклиги, қутб каклиги, оқ каклик, чилкаклик, саҳро каклиги* кабилар.

10. Компонентларидан бири *«калхат»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *арикалхат, кўкимтир калхат, қора калхат, қизил калхат* кабилар.

11. Компонентларидан бири *«каптар»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *тоғ каптари, тоғ кўк каптари, кўк каптар, гов каптар, қора каптар, хонаки каптар, почтачи каптар, декоратив каптар, гўштдор каптар, бўқоқ каптар, якобин каптари, товус каптар, балиқчи қорасимон каптар, рим каптарлари, тожли каптар, ёввойи каптар* кабилар.

12. Компонентларидан бири *«курка»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *бронзаранг курка, гриф она куркаси, исроил оқ куркаси, кавказ жайдари куркаси, оддий ёввойи курка, кенг кўкракли бронзаранг курка* кабилар.

13. Компонентларидан бири *«лайлак»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *бўқоқли лайлак, анқов лайлак, катта тумшуқли лайлак, лайлакоёқ, лайлак тумшуқли қирғоқ чумчуғи, оқ лайлак, сенегал лайлаги, қора лайлак* кабилар.

14. Компонентларидан бири *«лойхўрак»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *оддий лойхўрак, осиё лойхўраги, рангдор*

лойхўрак, япон лойхўраги, ўрмон лойхўраги кабилар.

15. Компонентларидан бири *«мошак»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *бедана мошак, ботқоқ мошаги, оддий сувмошак, оқдум мошак, тоғ мошак, қизил томоқ мошак, сувмошак, қора томоқ мошак* кабилар.

16. Компонентларидан бири *«лочин»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *малла бошли лочин, ўрта денгиз лочини, дала лочини, оқ лочин, саҳро лочини, тоғ лочини, тундра лочини, карлик лочин, янги зеландия лочин*и кабилар.

17. Компонентларидан бири *«мойқут»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *асл мойқут, бўз мойқут, кулранг мойқут, сайроқи мойқут, сариқ мойқут, тикувчи мойқут, чўл мойқути, қарчиғай мойқут, қора бошли мойқут, бутазор мойқути, боғ мойқути* кабилар.

18. Компонентларидан бири *«оқчорлоқ»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *сувкезар оқчорлоқ, узун думли оқчорлоқ, денгиз оқчорлоғи, ингичка тумшуқли оқчорлоқ, калта думли оқчорлоқ* кабилар.

19. Компонентларидан бири *«товус»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *зангори думли товус, зангори қанотли товус, оддий товус, оқ товус, товус каптар, товус турна, яшил қанотли товус, ҳинд товусқуши* кабилар.

20. Компонентларидан бири *«товуқ»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *урушқоқ товуқ, банкив товуқ, ёввойи товуқ, ёввойи банкив товуқлари, бройлер товуғи, жигарранг товуқ* кабилар.

21. Компонентларидан бири *«турна»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *австралия турнаси, гўзал турна, даур турнаси, канада турнаси, кичик турна, кулранг турна, кўк турна, оқ бош турна, оқ турна, товус турна, тожли турна, тош турна* кабилар.

22. Компонентларидан бири *«турумтой»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *америка турумтойи, дала турумтойи, марказий осиё турумтойи, оддий турумтой, чўл турумтойи* кабилар.

23. Компонентларидан бири *«тўрғай»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *балиқчи тўрғай, ботқоқ тўрғай чумчуғи, бўзтўрғай, дала тўрғайи, дашт тўрғайи, йўрғатўрғай* кабилар.

24. Компонентларидан бири *«тўти»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *австралия тўтиси, амазон тўтиқуши, африка тўтиси, бўз тўти, калта думли тўтиқуш, кичикрак тўти* кабилар.

25. Компонентларидан бири «укки» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *балиқчи укки, оддий укки, укки тўти, қирғий укки, ҳимолай уккиси* кабилар.

26. Компонентларидан бири *«читтак»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *катта читтак, кокилдор читтак, мўйловдор читтак, мўйловли читтак, оқ читтак, семиз тумшуқли читтак* кабилар.

27. Компонентларидан бири *«чумгалак»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *катта чумгалак ўрдак, оддий олачумгалак, ола чумгалак, оқ кўз чумгалак, қизил бошли чумгалак, қизил тумшуқли чумгалак, қора бошли чумгалак, узун бурунли чумгалак ўрдак* кабилар.

28. Компонентларидан бири *«чумчуқ»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *дала чумчуғи, сариқ чумчуқ, сариқ томоқ чумчуқ, деҳқон чумчуқ, сувчумчуқ, сир чумчуқ, тошсир чумчуқ, ўйноқи тошсир чумчуқ, қизил бош чумчуқ, қора томоқ чумчуқ, қора ялоқсимон чумчуқ* кабилар.

29. Компонентларидан бири *«чўғурчуқ»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *гўзал чўғурчуқ, оддий чўғурчуқ, пушти чўғурчуқ, тоғ чўғурчуқ, хитой чўғурчуғи, ҳинд чўғурчуғи* кабилар.

30. Компонентларидан бири «ўрдак» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *ёввойи ўрдак, ёввойи эркак ўрдак, қизилбўйин ўрдак, оққўз ўрдак, пахмоқ қора ўрдак, хитой ўрдаги* кабилар.

31. Компонентларидан бири «қалдирғоч» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *денгиз қалдирғочи, жар қалдирғоч, қора жарқалдирғоч, кичик қалдирғоч, сув қалдирғочи, тоғ қалдирғочи, туя қалдирғоч, шаҳар қалдирғочи, қишлоқ қалдирғочи, қирғоқ қалдирғочи* кабилар.

32. Компонентларидан бири «*қарчиғай*» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *африка қарчиғайи, балиқчи қарчиғай, ботқоқ қарчиғайи, дала қарчиғайи, илон қарчиғай, пайпоқдор қарчиғай, соқолли қарчиғай, чўл қарчиғайи, қамиш қарчиғайи, қарчиғай бургут* кабилар.

33. Компонентларидан бири «қарға» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *гўнг қарға, дўнг қарға, пўнг қарға, кўк қарға, ола қарға, қора қарға, чўл қарғаси, тоғ қарғаси, қарағай қарға, қарғасимонлар, қарғашойи, олтин қарға, ракета думли кўк қарға, яшил қарға* кабилар.

34. Компонентларидан бири *«қирғовул»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *бухоро қирғовули, водий қирғовули, зотли қирғовул, кумушсимон қирғовул, оддий қирғовул, олмоссимон қирғовул, олтин қирғовул, оққулоқ қирғовул, сирдарё қирғовули* кабилар.

35. Компонентларидан бири «қуш» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: бойқуш, ваҳмақуш, жийронқуш, каккуқуш, тентаккуш, қизқуш, оққуш, сақоқуш, ялалоққуш, туяқуш, қорақуш, ҳаққуш, тўтиқуш, мешкобқуш, сояқуш, мирзоқуш кабилар.

36. Компонентларидан бири *«қўтон»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кичик оқ қўтон, кулранг қўтон, кўк қўтон, малла қўтон, миср қўтони, оққўтон, сариқ тумшуқли қўтон* кабилар.

37. Компонентларидан бири *«ғоз»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кўк ғоз, кулранг ғоз, хитой ғози, ҳинд ғози, тоғ ғози, қуралайғоз, сариқ ғоз, қизил ғоз, ғозқанжир, бўз ғоз, дала ғози, оқ пешонали кичик ғоз, қизил томоқ ғоз, хонаки ғоз* кабилар. Ушбулардан кўринадики, орнитонимлар ҳосил бўлишида қирққа яқин қуш номлари билан аталадиган компонентлар иштирок этар экан. Улар асосан қушларнинг зотлари, яшаш шароити (балчиқчи зағизғон, балчиқчи қуш), ҳудуди (америка турумтойи, марказиё осиё турумтойи) сингари хусусиятларни ифодалаш учун хизмат қилган.

Тўпланган материалларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек ти-

лидаги орнитонимлар таркибида немисча, инглизча, французча, русча қисман арабча ва форсча сўз-компонентлар ҳам иштирок этади. Улар айнан ёки калькалаштирилган ҳолда ҳамда таржима шаклида қўлланади. Бундай ўзлашма компонентли орнитонимларни луғавий таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Компонентларидан бири «альбатрос» ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кезиб юрувчи альбатрос, оқ белли альбатрос, оқ елкали альбатрос, қора белли альбатрос* кабилар.

2. Компонентларидан бири *«амазон»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кўк пешона амазон, император амазони, гўзал амазон,пуэрторико амазони, сентвинсент амазони, сентлюс амазони, қизил думли бразилия амазони* кабилар.

3. Компонентларидан бири *«вьюрок»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *ёғоч вьюроги, оддий вьюрок, саҳро вьюроги, қор вьюроги, ҳимолай вьюроги, брандт вьюроги, малла вьюрок* кабилар.

4. Компонентларидан бири «гага» ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кичик гага, оддий гага, кўзойнакли гага, сибирь гагаси, стиллер гагаси, тоғ гагаси, тароқсимон гага* кабилар.

5. Компонентларидан бири *«гагара»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *денгиз гагараси, оқ бўйинли гагара, оқ тумшуқли гагара, қанотсиз гагара, қизил томоқ гагара, қора бўқоқли гагара, қора томоқ гагара, қутб гагараси, қора бўйинли гагара, ингичка тумшуқли гагара* кабилар.

6. Компонентларидан бири *«гриф»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *америка грифи, зотли гриф, бенгалия грифи, қора гриф, гриф она куркаси, грифсимон денгиз бургути, грифсимон миср товуғи, оқ бошли гриф* кабилар.

7. Компонентларидан бири *«какаду»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *ёқали какаду, оқ қулоқли какаду, пушти какаду, қарғасимон какаду* кабилар.

8. Компонентларидан бири *«канарейка»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *белгия сайроқи канарейкаси, букри канарейка, голланд канарейкалари, думи узун канарейка, дўппили канарейка, европа канарейкаси, ёввойи канарейка, жингалакли канарейка, кокилдор канарейка, овсянка канарейкаси, оддий канарейка* кабилар.

9. Компонентларидан бири *«колибри»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *ёқут қанот колибри, турмамин колибри, забаржад колибри, қизил ёқут тусли колибри, қирғий тумшуқ колибри, қуёшсимон колибри, қилич қанотли колибри, тождор колибри* кабилар.

10. Компонентларидан бири *«пингвин»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *галапагосс пингвини, зотли пингвин, император пингвини, кўзойнакли пингвин* кабилар.

11. Компонентларидан бири *«плавунчик»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *думалоқ бурунли плавунчик, юмалоқ тумшуқли плавунчик, ясси бурунли плавунчик, ясси тумшуқли плавунчик, юмалоқ бурунли плавунчик* кабилар.

12. Компонентларидан бири *«погониш»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кичик погониш, митти погониш, оддий погониш, оқ қанотли погониш, қизил оёқли погониш* кабилар.

13. Компонентларидан бири *«фламинго»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *пушти фламинго, оддий фламинго, чили фламингоси, қизил фламинго, албон фламинго* кабилар.

14. Компонентларидан бири *«цесарка»* ўзлашма сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *кўк цесарка, хонаки цесарка, кулранг цесарка, ёввойи кулранг цесарка* кабилар.

Булардан ташқари ўзбек ономастикасида шундан орнитонимлар мавжудки, уларнинг компоненти ранг, сон, ўсимлик, дарахт, жонивор ва ҳайвон номлари, топоним, гидронимлар ва бошқалар билан боғлиқ сўзлардан юзага келган. Бундай орнитонимларни қуйидагича гуруҳлар мумкин:

Компоненти ранг билдирувчи сўзлардан ҳосил бўлган орнитонимлар. Қўшма ва составли орнитонимларнинг маълум қисми таркибида ахроматик (асосий) ранг билдирувчи сўзлар компонентлардан бири бўлиб келади: – **«оқ»** компонентли орнитонимлар: *оқ жиблажибон, оқ лайлак, оқчор, оқчорлоқ, оқ қанотли қизилиштон, оққув, оққуш, оққўтон, кичик оққўтон, оққўз ўрдак, оқсор, оқдумли сув бургут, оқбошли қумой* кабилар;

– **«ола»** компонентли орнитонимлар: *олатўғаноқ, олақанот, олақарға, олаҳакка, олашақшақ, қора олақанот, олачипор товуқ, олатўнғиз, олатош қора ялоқ, олақизилиштон, олапопишак* кабилар;

– **«кўк»** компонентли орнитонимлар: *кўк каптар, тоғ кўккаптари, кўккунак, кўктарғоқ, кўккарға, кўкқўтон, кўкбел, кўкбел ўрдак, кўкғоз, кўкбалиқчи, кўкпешона тўти* кабилар. *«Кабуд(т)ар»*: *кабуд – кўк; – -тар* сифатнинг орттирма даражасини билдирувчи қўшимча (15, 113).

– **«қизил»** компонентли орнитонимлар: *қизилқуйруқ, қора қизилқуйруқ, қизилбош, қизилбош чумчуқ, қизил чумчуқ, қизилтўш чумчуқ, қизилиштон, оққанотли қизилиштон* кабилар

– **«қора»** компонентли орнитонимлар: *қорабовур, қорабузов, қора бағир, қора олақанот, қоравой, кичик қоравой, катта қоравой, харом қоравой, қора жарқалдирғоч, қора калхат* кабилар;

– **«сариқ»** компонентли орнитонимлар: *сариқ чумчуқ, сариқтомоқ чумчуқ, сариқсор, сариқ жиблажибон, сариқбош жиблажибон, сариқёқа, сариқғоз, сариқ читтак, сариқтомоқ читтак,кўкимтир-сариқ ара, сариқ белли жиблажибон* кабилар;

– **«кулранг»** компонентли орнитонимлар: *кулранг пашшахўр, кулранг турна, кулранг каклик, кулранг ғоз, кулранг думпараст, кулранг қарқара, кулранг тўти, кулранг товуқ* кабилар;

– **«малла»** компонентли орнитонимлар: *малла қўтон, малла рангли қалдирғоч, малла йўлли қалдирғоч, малласоч каптар, малла булбул, малла бошли лочин, малла каптар, малла чумчуқ, малла қарқара, малла вьюрок* кабилар;

– **«яшил»** компонентли орнитонимлар: яшил қанотли товус, яшил қирғовул, яшил кўргалак, яшил қизилиштон, яшил бошли жиблажибон, яшил бўздоқ, яшил каптар, яшил кичкина қушча, яшил пеночка, яшил оққўз, яшил ялтироқ чумчуқ, яшил қарға, яшил мазахчи қуш кабилар;

– **«пушти»** компонентли орнитонимлар: *пушти какаду, пушти каптар, пушти оқчорлоқ, пушти фламинго, пушти чуғурчуқ, пушти сақоқуш* кабилар;

– **«жигарранг»** компонентли орнитоним: жигарранг товуқ;

– **«жезранг»** компонентли орнитоним: *шимолий кавказ жезранг куркаси;*

– **«мовий»** компонентли орнитоним: *мовий кўктарғоқ*;

– **«гунафша рангли»** компонентли орнитоним: гунафша рангли капачи;

– **«бронза ранг»** компонентли орнитоним: *бронза ранг курка* кабилар;

– **«ҳаворанг»** компонентли орнитонимлар: ҳаворанг зағизғон;

– **«қуёш»** компонентли орнитонимлар: қуёшранг қўтон, қуёшсимон колибри;

– **«зангори»** компонентли орнитонимлар: з*ангори бошли ер каптари, зангори бошли осилма тўтиқуш, зангори булбул, зангори думли товус, зангори томоқли тўтиқуш, зангори тош чумчуқ, зангори қанотли товус, зангори қуш, зангори тусли лори;*

– **«бинафша»** компонентли орнитонимлар: *бинафша ранг амазон, бинафша ранг бананхўр, бинафша ранг қораялоқ.*

– **«қўнғир»** компонентли орнитонимлар: *қўнғир бошли оқчорлоқ, қўнғир каптар.*

Баъзан бир қўшма орнитоним таркибида иккита ранг билдирувчи сўз иштирок этади: *кўкималла, кўкимтир сариқ ара, оқ белли қизилиштон, оқ бошли қизилдум чумчуқ, оқиш қизилиштон, оқ қанотли қизилиштон, сарғимтир кўкиш канарейка, кўк қораялоқ, кўк тош қораялоқ, олачипор қизилиштон, олақизилиштон,*

олачипор қораялоқ, олачипор тошқораялоқ, сариқ ёноқли қўнғир, оқ қошли сайроқи қораялоқ, оқ қулоқли қора какаду, қалдирғочсимон оқ кўкракли қорақуш, қизил бошли қизилиштон, қизилдум чумчуқли қора ўрдак, қизил оёқли қораялоқ, қизил бўйинли қўнғир, қизғиш кўкимтир лори, қора қизилдум чумчуқ кабилар.

Бу ерда бир турдаги қушларни бир-биридан фарқлаш учун рангларни ифодаловчи компонентлардан фойдаланганлигини тадқиқот объекти материаллари тасдиқлаганлигини кўриш мумкин.

Компоненти сон туркумига оид сўзлардан ҳосил бўлган орнитонимлар. Ўзбек тилида бир, икки, уч, тўрт каби сон билдирувчи сўзлар орнитонимлар таркибида қўлланади:

– компонентларидан бири *«бир»* сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *бирқозон, қизил бирқозон, жингалакли бирқозон, кўзойнакли бирқозон кабилар*;

– компонентларидан бири «икки» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *икки тожли каптар, икки шохли калао, икки шохли каркидон қуш;*

– компонентларидан бири «уч» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *уч бармоқли қуш, уч бармоқли қизилиштон, уч бармоқли оқчорлоқ;*

– компонентларидан бири «тўрт» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *тўрт қанотли қуш кабилар;*

– форс-тожик тилидан ўзлашган «си» (ўттиз) ёки «се» (уч) сўзли орнитонимлар: *симурғ, семурғ;*

– форс-тожик тилидан ўзлашган «ҳазор» (минг) сўзли орнитонимлар: *ҳазор, ҳазордастон.*

Таҳлиллардан орнитонимлар ҳосил бўлишида нафақат туркий, балки форсий тилга оид сонлар ҳам иштирок этиши маълум бўлди.

Компоненти топонимлар ва гидронимлардан ҳосил бўлган орнитонимлар. Қўшма ва составли орнитонимларнинг маълум қисми таркибида топонимлар [95; 61; 177] ва гидронимлар [123;

85] каби ономастик бирликлар уларнинг компонентлардан бири бўлиб келади. Бундай хусусият бошқа тилларга хос орнитонимлар каби ўзбек тили орнитонимларига ҳам қисман тааллуқлидир. Кузатишлар шундан далолат берадики, ўзбек тилидаги қуйидаги ономастик бирликлар қўшма орнитонимларнинг компоненти бўлиб келади ҳамда уларнинг ҳудудий жиҳатдан тарқалиш чегарасини кўрсатишга хизмат қилади:

1. Гидро-орнитонимлар – сув билан боғлиқ қуш номлари: – *сув қушлари: сув бургут, сув қалдирғоч, сувтарғоқ, сувмошак, сувкесарлар, сувчумчуқ, сувбулдуруқ* кабилар.

– кўл қушлари: *кўлбуқа, кичик кўлбуқа, катта кўлбуқа, кўл чайкаси, кўл балиқчиси, кўл оқчорлоғи, кўл чигиртчиси, хитой кўлбуқаси* кабилар.

– денгиз қушлари: *денгиз бургути, денгиз балиқчиси, денгиз қалдирғоч, денгиз қораёқаси, қора бўқоқли денгиз ғози, катта денгиз оқчорлоғи* кабилар.

– дарё қушлари: *дарё оқчорлоғи,дарё чигиртчиси, дарё ўрдаги* кабилар.

– ботқоқ қушлари: *ботқоқ балчиқчилар, ботқоқ мошаги, ботқоқ тўқай чумчуғи, ботқоқ япалоққуши, ботқоқ бўктаргиси, катта ботқоқ балчиқчи, кичик ботқоқ балчиқчи, ботқоқ бойқуши* кабилар.

– қирғоқ қушлари: *қирғоқ қалдирғоч, қирғоқ чумчуғи, ёқут тусли қирғоқ чумчуғи, зотли қирғоқ чумчуғи, лайлак тумшуқли қирғоқ чумчуғи, оддий қирғоқ чумчуғи* кабилар.

2. **Ороним-орнитонимлар** – тоғ ва тепалик билан боғлиқ қуш номлари:

– тоғ қушлари: *тоғ майнаси, тоғ фотмачумчуғи, тоғ чумчуғи, тоғ зағчаси, тоғ ғози, тоғ гагаси, тоғ қалдирғоч, тоғ дупели, тоғ каптари, тоғ ғурраги, тоғ кўк каптари, тоғ жиблажибони, тоғ қирғовули, тоғ қарғаси, тоғ завирушкаси, тоғ йўрғатўрғайи, тоғ бургути* кабилар;

– дашт қушлари: *дашт бургути, дашт катта бургути, дашт тўрғайи, дашт чили* кабилар;

– дала қушлари: *дала чумчуғи, дала ғози, дала тўрғайи, дала йўрғатўрғайи, дала бўктаргиси, дала каптари, дала лочини, дала сирчумчуғи, дала турнаси, дала турумтойи, дала ўрдаги, дала қарчиғайи, дала говкаптари, дала қорақуши, катта дала тўрғайи* кабилар;

– чўл қушлари: *чўл бўктаргиси, чўл тўрғайи, чўл қузғуни, чўл қарғаси, чўл мойқути, чўл бургути, чўл жиктоқи, чўл каклиги, чўл турнаси, чўл турумтойи, чўл торғоқ, чўл чумчуғи, чўл япалоққуши, чўл қарчиғайи* кабилар;

– қоя қушлари: *қоя каптари, қоя тўтиқуши, қоя фотмачумчуғи, қоя қалдирғочи* кабилар;

– ўрмон қушлари: *ўрмон лойхўраги, ўрмон балиқчиси, ўрмон дупели, ўрмон тошқораялоғи, кавказ ўрмон товуғи, ўрмон каптари, катта ўрмон каптари, чирилдоқ ўрмон чумчуғи, ўрмон зағизғони, ўрмон карқури, ўрмон сойкаси, ўрмон попишаги, ўрмон товуғи* кабилар;

– саҳро қушлари: *саҳро вьюроги, саҳро қузғуни, саҳро лочини, саҳро тошсирчумчуғи, саҳройи товуқ, саҳро каклиги, саҳро тўрғайи, саҳро япалоққуши, саҳро бойўғлиси* кабилар;

– тўқай қушлари: *тўқай чумчуғи, жануб тўқай чумчуғи, ҳинд тўқай чумчуғи, кенг думли тўқай чумчуғи, арча тўқай чумчуғи, ингичка тумшуқли тўқай чумчуғи, оқ қанотли тўқай чумчуғи* кабилар;

– сарой қушлари: *сарой ғози, сарой ўрдаги* кабилар;

– боғ қушлари: *боғ чумчуғи, боғ деҳқончумчуғи, боғ қамиш чумчуғи, боғ мойқути* кабилар;

– бутазор қушлари: *бутазор каккуси, бутазор тўрғайи, бутазор мойқути* кабилар;

– ер қушлари: *ер тўтиқуши, ер каккуси, ер чумчуғи, ер қизилиштони, зангори бошли ер каптари, ола була ер чумчуғи, қизил бурунли ер чумчуғи, қизил тумшуқли ер чумчуғи* кабилар;

– тош қушлари: т*ошчумчуқ, оддий тошчумчуқ, зангори тошчумчуқ, тошқораялоқ, олачипор тошқораялоқ, оқ бошли тошчумчуқ, тош балиқчи, тош балчиқчи, тош жарқалдирғоч, тош каклиги, тош каркури, тош сирчумчуғи, тош ташувчи қушлар* кабилар;

– қум қушлари: *оқ думли қум қуши, ўткир қанотли қум қуши, қизил бўйинли қум қуши, қумчумчуқ* кабилар;

– ўтлоқ қушлари: *ўтлоқ жиктоғи, ўтлоқ қалдирғочи, ўтлоқ тўрғайи, ўтлоқ сирчумчуғи, ўтлоқ бўктаргиси* кабилар.

3. Полиним-орнитонимлар. Бунга таркибида шаҳар, қишлоқ, вилоят, ўлка ва мамлакат номлари иштирок этган орнитонимлар киради:

– қитъа номлари билан алоқадор орнитонимлар: *австралия мойқути, ракета думли австралия қирғоқ чумчуғи, австралия турнаси, австралия туякуши, австралия тўтиси, австралия япалоқсимон бақаоғизи, зотли америка кондори, америка асалхўрлари, америка бойқуши, америка грифи, америка казаркаси, америка оққуши, америка сайроқи канарейкалари, америка тасқараси кабилар;*

– мамлакат номлари билан алоқадор орнитонимлар: *белгия ватершлягери, белгия сайроқи канарейкаси, бенгалия грифи, голланд канарейкалари, германия сайроқи канарейкалари, англия сайроқи канарейкалари, исландия чумгалаги, испанча тимбрадос, испания сайроқи канарейкалари, исроил оқ куркаси, калифорния каккуси, канада тундра ғози, канада турнаси, канада ғози, катта ҳинд каркидон қуши, монголия тўрғайи, монголия қирғовули, туркия сайроқи канарейкалари, франция сайроқи канарейкалари* кабилар;

– ўлка номлари билан алоқадор орнитонимлар: *сибир ясмиқ чумчуғи, сибир қизилдум чумчуқ, сибир қораялоғи, сибир ҳашаротхўр қуши, туркистон итолғуси, туркистон улари, туркистон тошқирғийси, узоқ шарқ узунбурун балиқчиси, шимолий*

кавказ жезранг куркаси, марказий осиё бургути, марказий осиё турумтойи, осиё лойхўраги, осиё болтаютари кабилар;

– шаҳар номлари билан алоқадор орнитонимлар: *москва куркаси, лондон канарейкалари, пекин ўрдаги, бухоро қирғовули, сирдарё қирғовули, париж канарейкалари, париж карнайчилари, водий қирғовули, рим каптари, бухоро читтаги, сентвинсент амазони, сентлюс амазони кабилар;*

– денгиз номлари билан алоқадор орнитонимлар: *каспий уларқуши, каспий қораёқаси, ўрта ер денгизи лочини, ўрта ер денгизи оқчорлоғи* кабилар.

– дарё номлари билан алоқадор орнитонимлар: *амур қирғийи, уссурия турнаси, уссурия япалоққуши* кабилар;

– тоғ номлари билан алоқадор орнитонимлар: *ҳимолай тоғ чумчуғи, ҳимолай вьюроги, ҳимолай уккиси, ҳимолай уларқуши, тибет каптари, тибет куркаси, кавказ жайдари куркаси, кавказ карқури, кавказ қури, кавказ уларқуши, кавказ ўрмон товуғи, алп завирушкаси, алп зоғчаси, алп чумчуқсимон қуши, олтой куркаси, олтой шумкари, олтой шунқори* кабилар;

– орол номлари билан алоқадор орнитонимлар: *филиппин бургути, сейшел япалоққуши, гавай казаркаси, гавай нектархўрлари, гавай тундра ғози, кермадек тўтиқуши, канар ороллари канарейкаси, пуэрторика амазони, ява марабуси, галапагосс пингвини, галапагосс қоравойи* кабилар;

– тундра номлари билан алоқадор орнитонимлар: *тундра каклиги, тундра лочини, тундра ғози* кабилар;

– дунё томонлари билан алоқадор орнитонимлар: - **ғарб:** ғарб булбули, ғарбий булбул. - **шимол:** шимол качуркаси, шимол бўронқуши, шимолий жингалак сочли канарейка, шимолий кавказ жезранг куркаси. - **шарқ:** шарқий қорақуш, шарқий осиё сори, шарқ олушаси, шарқ миққийси, шарқий кенгоғиз, шарқий жиктоқ, шарқ булбули, узоқ шарқ узунбурун балиқчиси. - **жануб:** жануб булбули, жануб тўқай чумчуғи, жанубий европа бур-

гути, жанубий америка канарейкалари.

Бошқа ономастик бирликлар қатори гидроним ва оронимлар ҳам қуш номларини ҳосил қилувчи компонент сифатида фаол иштирок этади. Бу эса қушлар ҳаёти табиатнинг барча жабҳалари билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Компоненти ўсимлик, дарахт, жонивор ва ҳайвон номлари билан боғлиқ орнитонимлар. Қушларнинг яшаш жойи қайси ўсимликда жойлашганлигини ёки унинг меваси доимий озиғини ифодалаш мақсадида ўсимликнинг номи компонент сифатида қуш номига қўшилиши натижасида янги ном ҳосил қилинган. Бунда бир турга мансуб қушларнинг яшаш шароити билан бошқаларидан фарқлашга хизмат қилганлигини кўриш мумкин. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– дарахт: *ҳиндистон дарахт зағизғони, қайин дарахти чумчуғи, дарахт жарқалдирғочи, кокилдор дарахт жарқалдирғочи, дарахт жиблажибони, дарахт ҳудҳуди* кабилар;

– қамиш: *қамиш қуш, қамиш қарчиғайи, қамиш чумчуғи, қамиш деҳқончумчуғи, қамиш бўктарғиси, ўйноқи қамиш чумчуғи, шохдор қамиш қуши, япон қамиш чумчуғи, бўрсиқ қамиш чумчуғи* кабилар;

– ёғоч: ёғоч вьюроги, ёғоч қарғаси, ёғоч жарқалдирғочи, ёғоч ўрдаги, ёғоч чумчуғи, ёғоч ҳудҳуди кабилар;

– қарағай: қарағай қарға, қарағай тўқай чумчуғи, қизил бошли қарағай ўрдак кабилар;

– арча: *арча тўқай чумчуғи, арча болтатумшуғи, арча ясмиқ чумчуғи* кабилар;

– ўт: *ўт чумчуғи, қичитқи ўт чумчуғи, ўтқуйруқ тўрғай* кабилар;

– фиалка: *фиалка тусли астрильд;*

– саксовул: *саксовул чумчуғи.*

Ўзбек тилида орнитонимларнинг компонентларидан бири жонивор, ҳашарот номлари билан ифодаланганлари ҳам миқдор

жиҳатдан анча кўпчиликни ташкил этади. Уларни ўз навбатида қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

– қушнинг асосий таоми бўлган ҳашарот номини билдирган сўзларнинг орнитоним компоненти сифатида қўлланилиши: *ҳашарот+хўр, жаннат+ҳашаротхўри, пашша+хўр, узундумли пашша+хўр, чивин+хўрлар, ҳашарот+хўр чумчуқсимон қуш, ари+хўр, ари+калхат, пашша+қоқар, япон ҳашарот+хўр қуши, сибирь ҳашарот+хўр қуши, кенг тумшуқли ҳашарот+хўр қуш, кичик ҳашарот+хўр қуш, қилич тумшуқли чивин+қуш, чигиртка чумчуқ, чумоли+хўр қуш, кокилдор ари+хўр, кулранг пашша+хўр* кабилар;

– қушнинг тана тузилиши бирор ҳайвонга монандлиги туфайли унинг номини билдирган сўзлар (зоонимлар)нинг орнитоним компоненти сифатида қўлланилиши: *туя+қуш, Австралия туя+қуши, Африка туя+қуши, Америка туя+қуши, Бразилия туя+қуши, Африка илон+бўйини, илон+бургут, туя+қалдирғоч, балиқ+чи, балиқ+қийғир, балиқ+чи тумшуқли чигиртчи* кабилар.

Компоненти соматизмлар билан боғлиқ орнитонимлар. Қўшма ва составли орнитонимларнинг маълум қисми таркибида организм номлари (соматизмлар) уларнинг компонентларидан бири бўлиб келади:

– «бош» компонентли орнитонимлар: *қизил+бош, қизил+бош чумчуқ, олма+бош, сариқ+бош жиблажибон, чинқироқ қора+бош, қора+бошли сирчумчуқ, бўз+бош саъва, болға+бош, оқ+бошли қумой, оқ+бош ўрдак, қизил+бош ўрдак, оқ+бош амазон, оқ+бошли деҳқончумчуқ, қора+бош чумчуқ* кабилар;

– «пешона» компонентли орнитонимлар: *қора пешона қарқуноқ, оқ пешона+ли кичик ғоз, кўк пешона тўти, кўк пешона амазон, оқ пешона денгиз ғози, оқ пешона+ли казарка, попук пешона+ли канарейка, қизил пешона+ли канарейка* кабилар;

– «қулоқ» компонентли орнитонимлар: *қулоқ+дор япалоққуш, қизил+қулоқ ара, шалпанг+қулоқ қирғовул, шалпанг+қулоқ бойқуш, катта қулоқ+ли япалоққуш, катта қулоқ+ли қирғовул,*

оддий қулоқ+ли япалоққуш, оқ+қулоқ қирғовул, оқ қулоқ+ли қора какаду, сариқ қулоқ+ли аратинга, узун қулоқ+ли қирғовул, қалқон+қулоқ қирғовул, қулоқ+дор бойқуш кабилар;

– «қош» компонентли орнитонимлар: *оқ+қош сайроқ, оқ+қошли митти чумчуқ, оқ қошли сайроқи қораялоқ, сариқ+қош чумчуқ, тартарак сариқ+қош, қора+қош тўрғай* кабилар;

– «кўз» компонентли орнитонимлар: *оқ+кўз ўрдак, кўз+ойнакли гага, кўз+ойнакли бирқозон, кўз+ойнакли пингвин, япон оқ+кўзи, кўз+ойнакли қоравой, оқ+кўз чумгалак, қора бошли оқ+кўз, қизил+кўз, ёқут кўз+ли ара, яшил оқ+кўз* кабилар;

– «бурун» компонентли орнитонимлар: *юмалоқ+бурун, узун+бурун, қошиқ+бурун, курак+бурун, узун бурун черага, курак бурун балчиқчи, най бурун, най бурунли қуш, катта узун бурун, катта узун+бурун балчиқчи, кенг+бурун, кичик узун+бурун балчиқчи, узун+бурунли чумгалак ўрдак, узун+бурун балчиқчи, узоқ шарқ узун+бурун балиқчиси, эскимос узун+бурун балиқчиси, ясси бурун+ли плавунчик* кабилар;

– компонентларидан бири «тумшуқ» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *бигиз+тумшуқ, болта+тумшуқ, арча болта тумшуғи, балиқчи тумшуқ+ли чигиртчи, қора тумшуқ чигиртчи, ингичка тумшуқ+ли чигиртчи, қирғий тумшуқ колибри* кабилар;

– «ёноқ» компонентли орнитонимлар: *оқ ёноқ+ли булбул, оқ ёноқ+ли оқчорлоқ, оқ ёноқ+ли тундра ғози, сариқ ёноқ+ли қўнғир* кабилар;

– «томоқ» компонентли орнитонимлар: *қора+томоқ, қора+томоқ чумчуқ, сариқ+томоқ чумчуқ* кабилар;

– «оғиз» компонентли орнитонимлар: *бақа+оғизлилар, бақа+оғизли тентакқуш, кенг оғиз+лилар, австралия япалоқсимон бақа+оғизи, шарқий кенг+оғиз* кабилар;

– «бўйин» компонентли орнитонимлар: *бурма+бўйин, қизил+бўйин ўрдак, оқ бўйин+ли гагара, илон+бўйин, Африка илон+бўйини, қизил бўйин тўти, бўйин+боғли деҳқончумчуқ, бўй-*

ин+боғли ер чумчуғи, бўйин+боғли япалоққуш, оддий илон+бўйин, оқ бўйин+ли денгиз ғози, оқ бўйин+ли митти чумчуқ, оқ бўйин+ли соқолтой, оқ бўйин+ли ғоз, оқ бўйин+ли чивинқуш, қизил бўйин қум қуши, қора бўйин+ли асалкўрсаткич кабилар;

– «кўкрак» компонентли орнитонимлар: *кенг кўкрак+ли оқ курка, кўкрак тожлилар, кенг кўкрак+ли бронза ранг курка, кўкрак тожсизлар, қалдирғочсимон оқ кўкрак+ли қорақуш, олачипор кўкрак+ли деҳқончумчуқ, олачипор кўкрак+ли ҳашаротхўр қуш* кабилар;

– «елка» компонентли орнитонимлар: *кулранг елка+ли ўрдак, кулранг елка+ли тўти, оқ елка+ли альбатрос, оқ елка+ли денгиз бургути, сариқ елка+ли ҳашаротхўр қуш* кабилар;

– «бел» компонентли орнитонимлар: *кўк+бел, кўк+бел ўрдак, оқ бел+ли альбатрос, оқ бел+ли жарқалдирғоч, сариқ бел+-ли жиблажибон, қора бел+ли альбатрос, қора бел+ли сайроқи олақарға, оқ бел+ли қизилиштон* кабилар;

– «қорин» компонентли орнитонимлар: *оқ+қорин узунқанот, қорни қора булдуруқ, оқ+қорин, оқ қорин жарқалдирғоч* кабилар;

– «оёқ» компонентли орнитонимлар: *қизил+оёқ, катта қизил+оёқ, қизил+оёқ балчиқчи, узун+оёқли товуқлар, лайлак+оёқ, қизил+оёқ туякуш, қизил+оёқ олуша, қизил+оёқ ибис, игна оёқ+ли япалоққуш, оёқ+сиз жаннатқуш, оқ оёқли қуш, панжа оёқ+ли қуш, улкан оёқ товуқ, қизил оёқ+ли митти чумчуқ, қизил оёқ+ли погониш* кабилар;

– компонентларидан бири «дум» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *узун дум+ли сув бургут, дум+параст, кулранг дум+параст, узун дум+ли дум+параст, узун дум+ли қарқуноқ, оқ дум+ли сув бургут, узун дум+ли пашшахўр, лира+дум, елпиғич дум+ли қушлар, ракета дум+ли колибри, ип+дум қалдирғоч, кенг дум+ли тўқай чумчуғи, узун дум+ли сичқон қуш, оқ дум мошак* кабилар;

– «бармоқ» компонентли орнитонимлар: *уч бармоқ+ли қуш, уч бармоқ+ли қизилиштон, калта бармоқ чумчуқ* кабилар;

– компонентларидан бири «қанот» сўзи билан ифодаланган орнитонимлар: *жар+қанот, ола+қанот, узун+қанот, қизил+қанот, қора ола қанот, оқ қанот+ли қизилиштон, темир+қанот, яшил қанот+ли товус, ёқут+қанот+ли колибри, попукли узун+қанот* кабилар;

– «тож» компонентли орнитонимлар: *икки тож+ли каптар, кўкрак тож+сизлар, кўкрак тож+лилар, тож+и гулсимон оқ товуқ, тож+и япроқсимон сарғиш товуқ, тож+дор колибри* кабилар;

– «шох» компонентли орнитонимлар: икки шох+ли калао, икки шох+ли каркидон қуш, шох+дор тўрғай, шох тумшуқли чумчуқ кабилар;

– «қуйруқ» компонентли орнитонимлар: какку қуйруқ+ли попишак, сув қизил+қуйруқ, узун+қуйруқ, узун+қуйруқ чумчуқ, ўт+қуйруқ тўрғай, қизил+қуйруқ, қора қизил+қуйруқ, қора қуйруқ кулранг турна, кичик узун+қуйруқ чумчуқ, олачипор узун+қуйруқ чумчуқ, оқ бўйинли узун+қуйруқ чумчуқ, узун+қуйруқ сув бургути кабилар;

Булардан ташқари, бир марта қўлланилган соматизмлар мавжуд: *оқ биқин зағизғон, оқ манглай+ли ғоз, тиш+ли қуш, кулранг юз+ли ўрдаксимон қуш, янги танглай+ли* қуш.

Мазкур бандда инсон каби ҳайвон анатомик тузилишини ифодаловчи терминлар қушларнинг бирор тана аъзозига ўхшашлиги асос қилиб олинган ҳолда бирор компонент сифатида иштирок этиб, уларнинг бошқаларидан ажралиб туришини кўрсатиш учун хизмат қилганлигини кўриш мумкин.

Орнитонимлар таркибидаги соматизмларнинг характерли кўринишлари: - ингичка: *ингичка тумшуқли чигиртчи, ингичка тумшуқли балиқчи, ингичка тумшуқли буревестник, ингичка тумшуқли бўронқуш, ингичка тумшуқли кайра* кабилар;

– кенг: *кенгбурун, кенг думли тўқай чумчуғи, кенг кўкракли бронза ранг курка, кенг кўкракли оқ курка, кенг оғизли қуш, кенг*

тумшуқли какку, кенг тумшуқли ҳашаротхўр қуш кабилар;

– семиз: *семиз тумшуқли тўтиқуш, семиз тумшуқли читтак, семиз тумшуқли чумчуқ, семиз тумшуқли қамиш чумчуғи, семиз қуш* кабилар;

– ясси: *ясси бурунли плавунчик, ясси думли тўтиқуш, ясси тумшуқли плавунчик, ясси тумшуқли қуш* кабилар;

– катта: *дашт катта бургути, катта аргус, катта асалкўрсаткич, катта балчиқчи, катта ботқоқ балчиқчи, катта дала тўрғайи, катта денгиз оқчорлоғи, катта жаннатқуш, катта кулранг майна, катта кургалак, катта кўлбуқа, катта оққўтон, катта сирчумчуқ, катта сув қизилқуйруқ, катта тумшуқли лайлак* кабилар;

– кичик: *кичик балиқчи, кичик ботқоқ балчиқчи, кичик бургут, кичик буревестник, кичик бўронқуш, кичик гага, кичик какку, кичик качурка, кичик кулранг каклик, кичик кўлбуқа* кабилар;

– кокилдор: *кокилдор аргус, кокилдор арихўр, кокилдор дарахт жарқалдирғочи, кокилдор жарқалдирғоч, кокилдор какку, кокилдор канарейка, кокилдор сериема, кокилдор турако* кабилар;

– калта: *калта думли йиртқич қуш, калта бармоқли булбул, калта бармоқ чумчуқ, калта бармоқли қораялоқ, калта бармоқ қуш, калта думли оқчорлоқ, калта думли тўтиқуш, калта думли ғуррак, калта тумшуқли тўрғай, калта тумшуқли тўтиқуш* кабилар;

– узун: *узунбурун балиқчи, узунбурун балчиқчи, узунбурун черага, узун бурунли чумгалак ўрдак, узун думли денгиз бургути, узун думли думпараст, узун думли какку, узун думли оқчорлоқ* кабилар;

– митти: *митти оқчорлоқ, митти погониш, митти чончўлдоқ* кабилар;

– пакана: *пакана бургут, пакана товуқ, пакана қизилиштон* кабилар;

– оддий: *оддий снегирь, оддий хитой ўрдаги, оддий қизилбош чумчуқ, оддий деҳқончумчуқ, оддий миққий, оддий тошчумчуқ, оддий арихўр, оддий балиқчи, оддий бойқуш, оддий булбул кабилар*;

– зотли: *зотли гриф, зотли пингвин, зотли қирғовул, зотли қирғоқ чумчуғи, зотли америка кондори* кабилар;

– ёввойи: *ёввойи банкив товуғи, ёввойи канарейка, ёввойи каптар, ёввойи кулранг цесарка, ёввойи курка, ёввойи товуқ, ёввойи ўрдак, ёввойи эркак ўрдак, европа канарейкаси* кабилар.

– асл: *асл балчиқчилар, асл казуарлар, асл мойқутлар, асл узунқанот, асл ўрдак* кабилар.

Компоненти қимматбаҳо тош номи билан боғлиқ орнитонимлар. Кузатишлар шуни кўрсатадики, айрим қўшма ва бирикмали орнитонимлар таркибида ёқут, мармар, марварид, маржон, олмос каби қимматбаҳо тош номларини билдирувчи сўзлар ҳам иштирок этади:

– «ёқут» компонентли орнитонимлар: *ёқут кўзли ара, ёқут тусли қирғоқ чумчуғи, ёқут қанот колибри;*

– «мармар» компонентли орнитонимлар: *мармар чуррак, мармар ўрдак;*

– «марварид» компонентли орнитонимлар: *марварид чумчуқ;*

– «маржон» компонентли орнитонимлар: *маржон крамер тўтиқуши, маржон товуқ;*

– «олмос» компонентли орнитонимлар: *олмоссимон қирғовул;*

– «олтин» компонентли орнитонимлар: *олтинсимон какку, олтинсимон митти чумчуқ, олтин қарға, олтин қирғовул, олтинранг ржанка;*

– «кумуш» компонентли орнитонимлар: *кумушранг оқчорлоқ, кумушсимон қирғовул, кумушранг чайка, кумушранг балиқчи;*

– «тилла» компонентли орнитонимлар: *тилларанг бўздоқ, тилласимон қирғовул;*

– «топаз» компонентли орнитонимлар: *топазли колибри;*

– «забаржад» компонентли орнитонимлар: *забаржад колибри кабилар.*

Компоненти мева номи билан боғлиқ орнитонимлар: *бананхўр, бинафша ранг бананхўр, кивисимон қуш, кокос чумчуғи,*

малиновка, мандаринка, олмабош, олмабош ўрдак кабилар.

Компоненти қурол-яроғ, предмет номи билан боғлиқ орнитонимлар: *болтатумшуқ, арча болтатумшуғи, болтаютар, болтаютар соқолтой, осиё болтаютари, олд осиё болтаютари, оддий болтатумшуқ, бигиздум, бигизтумшуқ, болта тумшуқ, болтаютар соқолтой, бирқозон, болғабош, болғабош хас товуқ, дўппили канарейка, елпиғич думли қуш, игна думли жарқалдирғоч, игна оёқли япалоққуш, куракбурун, куракбурун балчиқчи, кўзойнакли гага, кўзойнакли бирқозон, кўзойнакли пингвин, кўзойнакли қоравой, мешкобқуш, найбурун, найбурунли қуш, ракета думли австралия қирғоқ чумчуғи, ракета думли колибри, ракета думли кўк қарға, соябонли қуш, сурнайча пуфлаш канарейкаси, карнайчи қушлар, пайпоқдор каптар, пайпоқдор япалоққуш, пайпоқдор қарчиғай, тангачали черага, тангачали қизилиштон, тангачали қуш, тароқсимон гага, халқали ғуррак, ўроқтумшуқ, қизилиштон, қошиқбурун, қошиқтумшуқ, ипдум қалдирғоч, қилич тумшуқли чивинқуш, қилич қанотли колибри* кабилар.

Товуш чиқариши билан боғлиқ сўзлар компонент сифатида қўлланилиши: *бақироқ бургут, бақироқ оққушлар, англия сайроқи канарейкалари, белгия сайроқи канарейкаси, бижилдоқ қушча, вишилдоқ оққуш, германия сайроқи канарейкалари* кабилар.

Салбий маъно билдирувчи сўз билан боғланган орнитонимлар: *анқов лайлак, кар какку, ёмон черага, кўрқуш, карлик лочин, тентакқуш, ялқов қушлар, овсарқуш, дарвешқуш.*

Касб-ҳунар, соҳа номлари билан боғланган орнитонимлар: *деҳқончумчуқ, йилқичи, карнайчи қушлар, масхарабоз бургут, овчи қушлар, нектарчилар, подачи каклик, подачи қуш* кабилар.

Мансаб-лавозим номлари билан боғланган орнитонимлар: *Император амазони, император пингвини, подшо қирғовул* кабилар.

Ҳаракати билан боғлиқ сўзлар компонент сифатида қўлланилиши: *шўнғувчи ўрдак, миср югурувчи қуши, югурувчи қушлар, сузувчи қушлар* кабилар.

Вақт билан боғлиқ сўзлар компонент сифатида қўлланилиши: *баҳорги кичкина қушча, баҳорги пеночка, тунги қўтон, қадимги балиқчи қуш, ҳозирги чумчуқ, кундузги қушлар, тунги қушлар* кабилар.

Хурофий тасаввурлар билан боғлиқ сўзлар компонент сифатида қўлланилиши: *авлиё турна, бокира жаннатқуш, жаннат тўтиқуши, жаннатқуш, жаннат ҳашаротхўри, катта жаннатқуш, оёқсиз жаннатқуш, илоҳий ибис, шайтон товуқ* кабилар.

Табиатҳодисаларини билдирувчи сўзлар компонент сифатида қўлланилиши: *қуёшсимон колибри, қуёшранг қўтон, қор вьюроги, чақмоқ қора ўрдак, довул қуши, бўронқуш, шимол бўронқуши* кабилар.

ИККИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

1. Орнитонимлар ўзбек тили луғавий тизимининг энг қадимий қатламларидан бири саналади, уларнинг шаклланиши икки минг йиллик узоқ тарихга эга.

2. Орнитонимларнинг шаклланишида ички ва ташқи манбаларнинг ўрни каттадир. Ўзбек тилида мавжуд орнитонимларнинг асосий қисми қўшма ва бирикмали шаклга эга. Бундай орнитонимларнинг ясалишида 30 дан ортиқ сўз ясовчи аффикслар фаол иштирок этади.

3. Орнитонимларнинг компонент таркиби ранг билдирувчи сўзлар, топонимлар, гидронимлар, соматизмлар каби луғавий бирликларнинг мавжудлиги билан характерланади.

4. Орнитонимларнинг ҳосил бўлишида ўзлашма қатлам ҳам ўзига хос хусусиятга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг ўзбек тилига муқобили бўлмаганда тўғридан-тўғри ёки калькалаштириш ҳамда таржима қилиш орқали ўзлаштирилиши тилимиз луғат бойлигининг янада ошишига ҳисса қўшган.

III БОБ.
ЎЗБЕК ТИЛИДА ОРНИТОНИМЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Ўзбек шеъриятида орнитонимларнинг функционал-услубий хусусиятлари

Икки минг йиллик узоқ тарихга эга бўлган ўзбек мумтоз адабиётида турли ҳайвон номлари, жумладан, қуш номлари доимо образли тасвир учун хизмат қилиб келган. Бу ўринда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги *«Қарға қазға ўткунса бути синур» (қарға кучда, учишда ўзини ғозга ўхшатса, бути синади), «Кўп сукутга қуш қўнар, кўрклук кишига сўз келур» (шохи кўп, шохлари ўралиб кетган дарахтга қуш қўнади, яхши кишига сўз, мақтов келади)* сингари мақоллар [175, 1, 255] ни, Носириддин Рабғузийнинг «Қиссасул Рабғузий» асаридаги қалдирғоч ҳақидаги ҳикоятларни эслашнинг ўзи кифоядир. Биз ишимизнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ўзбек мумтоз адабиётидаги орнитонимларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни Алишер Навоий асарларида, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» ҳамда Муҳаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал»ида қўлланган қуш номларининг луғавий ва функционал-услубий хусусиятлари ҳамда сарлавҳа вазифасида қўлланиш функцияларини ўрганиш билан чегараламоқчимиз.

Алишер Навоий асарларида, *алапака, алдалдаға, кабутар, бойқуш// бум// чуғз// куф, дуррож, жарраб оз, суқтур, мурғ// тайр, сунғур// боз// лочин, тўти// тўтак, қумри, лайлак, ҳудҳуд// сассиқпопишак, калоғ, зоғ, уку// бойўғли* каби юздан ортиқ орнитонимлар ҳамда Қақнус, Самандар, Хумо, Анқо, Мурғи шабовез сингари афсонавий қуш номлари келтирилган. Биргина ўрдакнинг ўнга яқин зотлари *(ўрдак // илбосун // мурғоби // олмабош // чоқирқанот // темирқанот // эрка // боғчол),* булбулнинг эса

абобил // андалиб // балобил // булбул // ҳазор// ҳазордастон каби турлари қайд этилиб, турли хил услубий вазифаларни бажаришга йўналтирилган. Ушбулар ҳақида Б.Бафоевнинг тадқиқотларида ҳам маълумот берилган [122, 38]. Улар шоир асарларининг услубий бўёқдорлигини таъминлаш мақсадида турли хил мажозий образлар сифатида келтирилиб, асарнинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилдирилган. Масалан, шоир асарларида жуда кўплаб қуш номлари шеърий санъатлар ҳосил қилиш мақсадида қўлланган. Жумладан, қуйидаги мисраларда ўхшатиш санъатини ҳосил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Чашмаи хуршид ул юз қуллоб зулф,
Солдилар гўё гажак ул чашманинг ўрдаклари [167, 611].

Карак хайлиға қарчиғай дармиён
Алар жўжа янглиғ, бу бир мокиён [168, 37].

Навоий асарларида шеърий санъатларнинг қўлланиши бўйича махсус монографик тадқиқот яратилганлиги боис унга батафсил тўхталиб ўтишни жоиз деб билмадик [24].

Демак, бизнинг айрим кузатишларимиз Алишер Навоий асарларида қўлланган шеърий санъатлар маъно жиҳатдан серқирралиги шоирга бир матн, байт доирасида бир нечта поэтик санъатларни вужудга келтиришга имкон берганлигини кўрсатади. Алишер Навоий бадиий образ учун асос қилиб олинган сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларидан унумли фойдаланиб, бадиий матнда сўз қўллашнинг ажойиб намуналарини яратган. Шоирнинг бу соҳадаги бадиий маҳоратини ўрганиш ҳозирги давр ўзбек шеърияти равнақи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида *бағриқора [173, 83], бедана [173, 88], бузоқ [173, 191], булбул [173, 191], бургут [173,191], бўдана [173,196], виншорак [173, 203], дуррож [173,230], жангалий [173,242], зағча [173,254], зоғ [173, 259], зумаж [173,261], илбосун [173,266], кабки дарий*

[173,277], кабутар [173,277], канжал [173,282], карча [173,285], кўял [173,301], лайлак [173,303], лўча [173,319], майнак [173, 323], мата [173,329], мино [173,339], мурғаки қарши [173,356], мурғи жангал [173,356], мўр [173,374], олақарға [173,408], оқ бўзак [173,412], пулпакор [173,422] каби саксонга яқин қуш номлари келтирилган.

Бундай маълумотлар Ҳ.Ҳасанов «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» (ҳаёти ва географик мероси) номли асарида ҳам қайд этилган бўлиб, унда сувда ва сув бўйларида яшайдиган қушларнинг номи изоҳланиб, алоҳида таъкидлаб кўрсатилган [102, 69]. «Бобурнома»даги худди шундай қуш номлари рўйхати ва изоҳи Б.Ўринбоевнинг «Бобур – тилшунос олим» ва Ҳ.Қудратуллаевнинг «Бобурнинг адабий-эстетик олами» номли рисолаларида З.Холмановнинг «Бобурнома» лексик тадқиқи каби тадқиқотларда ҳам келтирилган [93, 19; 96, 103-105; 210-211; 157, 23].

Муҳаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида адибнинг бадиий маҳорати В.Зоҳидов, Р.Муқимов, Ф.Исҳоқов сингари бир қанча олимлар томонидан тадқиқ этилган [48, 292-325; 26, 196-227; 32, 43-50; 31, 4-12]. Бу ҳолат «Зарбулмасал»га қуш номлари – орнитонимларни танлаш ва улардан ўринли фойдаланиш соҳасида ҳам кўзга ташланади. Ф.Исҳоқовнинг таъкидлашича, «Зарбулмасал» сўз санъатининг ажойиб намунаси, ўзбек тилининг бой, ранг-баранг бисотини намойиш қилувчи тарихий-бадиий ҳужжатдир» [Гулханий. Зарбулмасал, 7].

«Зарбулмасал» асарида тасвирланган қушларнинг қўлланиш ўрни ҳам, қушларнинг асардаги даражаси ҳам ҳар хил бўлиб, унда тасвирланган қушларнинг бир қисми *(Япалоққуш, Бойўғли, Кўрқуш, Кунушбону, Кулангир султон, Куйканак* каби) ижтимоий тип даражасига кўтарилган мажозий образлар бўлиб, асарда жуда кўп ўринда қўлланади. *Анқо, Хумо, Уқоб, Лочин, Бедана, Каклик, Мусича, Чумчуқ, Ўрдак, Лайлак* сингари қушлар эса айрим эпизодлардагина кўринувчи персонажлар саналиб, асарда

ҳакка, олатўғаноқ, анғирт каби қуш номлари мақоллар таркибида қўлланган.

Шоир Гулханийнинг «Зарбулмасал»да қуш номларини қўллаши ва уларга берган таърифу тавсифларида турмушдаги айрим шахслар ва ёки ижтимоий гуруҳларга қаратилган қочиримлар, улар устидан ошкора кулиш мақсади борлиги шубҳасиз. Буларнинг барчасида халқ оғзаки ижоди анъаналари билан чуқур таниш бўлган ва унинг йўлларини ўзига сингдириб олган моҳир сўз санъаткорининг ўзига хос услуби яққол кўзга ташланади. Биз бу ўринда фақат «Зарбулмасал»даги орнитонимларнинг услубий хусусиятлари ҳақидаги масаланинг айрим томонларига эътиборни қаратдик. Бу масала келгусида ўзбек услубшунослигида махсус илмий кузатишни талаб қилувчи муаммо саналади.

XX аср ўзбек шеъриятида ҳам турли хил қуш номлари (орнитонимлар) образли фикр ифодалаш, ўхшатиш, метафора, сифатлаш сингари тасвирий воситалар ҳосил қилишда кенг қўлланилган. Масалан, академик шоир Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сатрларига диққат қилайлик:

Тухумдан калхат очган жўжа каби Исроил
Луқма қидириб кўрди жуфтанғир ваҳшатидан,
Гоҳида думин булғаб, гоҳи ликиллатиб тил,
Завқ олган кўппак каби овчига хизматидан [Ғ. Ғулом. 3-том, 103].

Келтирилган бу мисраларда «жўжа» лексемасидаги «беозор», «жажжи», «кичкина» семаларини яшириш учун, *«калхат очган жўжа» // «калхатнинг жўжаси»* сўз бирикмаси орқали «жўжа» лексемасига «ёмон ниятли, вайронакор кучлар давомчиси» деган маъно англатувчи янги сема бириктирилган, натижада бу лексема салбий баҳо бериш воситасига айланган.

Ғафур Ғуломнинг «Янги йил саломи», «Умид байроғи», «Бахт сўзи», «Салом» каби шеърларида тингловчининг диққатини жамлаш, унинг матн мазмунига қизиқишини орттириш мақса-

дида биринчи сатрларда ёки биринчи тўртликдаёқ каптар, товус каби орнитонимларга мурожаат қилинган [Ғ.Ғулом. 3-том, 103; 59; 287; 23]. Шоир «Гулдан чамбар ўрди бошингга ватан» номли шеърида инсоннинг тушкунлик ҳолати *булбул, тўти, қумри* сингари қушларнинг қисматига ўхшатилади ва шу асосда шеърда метафорик кўчим вужудга келади: *Булбуллар йиғлаган оҳу зоридан, // Қумрилар ҳувлаган мунг озоридан, // Тўтилар айрилган чаманзоридан, // Кулган бойўғлининг акси садоси* [Ғ. Ғулом. 1-том, 190].

Ғафур Ғулом «Янги ерда байрам» шеърида функционал баҳо воситаси сифатида булбул орнитонимидан фойдаланади:

Бу ерда булбуллар қурди ошиён,
Тонг ели қўшиқлар бастакоридан.
Хол қўйди жаҳоннинг ҳуснига инсон,
Меҳнат ақлимизнинг дастиёридир [Ғ.Ғулом. 3-том, 116].

Юқорида келтирилган сатрларда шоир Ғафур Ғуломнинг инсон меҳнатига берган юксак баҳоси «булбул» орнитонимини қўллаш асосида ифодаланган. Бундан кўринадики, Ғафур Ғулом поэзиясида орнитонимлардан услубий мақсадда фойдаланиш салмоқли ўрин эгаллайди, шоирнинг бадиий маҳоратини кўрсатишда улар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг дастлабки шеърларидан бири «Қушча» (1958) деб аталади. Саккиз сатрлик бу мўъжаз шеърда шоир қушчани доим шу ўлкада қолишга, уни ҳамиша бирга яшашга ундайди, ўзини эса шу «чаман ўлканинг эрка ўғилчаси» деб ҳисоблайди: *Гоҳ бутоққа, гоҳ ерга қўнар, // Тиним билмас сайроқи қушча. // Нечун баҳор сени ром этган, // Қайда эдинг баҳор келгунча? // Кел яшайлик ҳамиша бирга, // Бизда баҳор, гуллар барчаси. // Билсанг мен ҳам чаман ўлкамнинг,// Шўх ва қувноқ, шод ўғилчаси* [А.Орипов. Йиллар армони, 28].

Шоир Абдулла Ориповнинг «Ватан» номли шеъри мухаммас йўлида ёзилган бўлиб, 6 банддан иборат, ҳар банд охирида қуй-

идаги икки мисра нақорат сингари такрорланади, бунда «банди булбул» образи шоирга «ватандин айри кўнгил»га ўхшатиш, қиёслаш воситаси бўлиб хизмат қилган:

Ватандин айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.
[А.Орипов. Сайланма, 9].

Шоир А.Ориповнинг янги шеърларидан бири «Майна» деб номланади. Асарнинг дастлабки бандида шоир жаҳондаги турли қушларни майна билан қиёслайди:

Боғнинг қий-чувига қулоқ тутаман, // Бу ерда турфа хил қушлар айланар. // Саъваю қалдирғоч – ўзи бир жаҳон // Ва лекин кўпайиб кетмиш майналар [А.Орипов. Сайланма, 38].

Шундан кейин шоир бу қушнинг олғирлигини, бир чўқиб ўн қарашини, жонга тегишини, дастурхонга шерик бўлишини, олифта, сатанглигини марварид донасидай бирма-бир тиза бошлайди. Шундан кейин шеърнинг сўнгги банди «инсофли қушлар» билан «майна»ни қуйидагича қиёслаш билан якунланади:

Улгурса ер юзин айларди тақир, // Сўнгра бир-бирин еб, топарди барҳам. // Дунёда инсофли қушлар кўп ахир, // Улар соясида яшар майна ҳам [А.Орипов. Сайланма, 38].

Абдулла Ориповнинг «Бургут қисмати» шеърида ҳам «бургут» орнитоними муҳим услубий восита вазифасини бажарган. Беш банддан иборат бу шеърнинг дастлабки бандида мағрур бургутнинг ночор қолганда ўзини тошга уриш одати таъкидланади. Шундан кейин лирик қаҳрамон душманга хор бўлиб, бош эгиб юришни ночор бургутнинг кунига қиёслайди ҳамда ҳеч бир инсонга шундай кун насиб этмаслигини оллоҳдан илтижо қилади: *Қарайман сарғайган тунд қуёшимга, // Секин оғиб борар умрнинг туни. // Магар раҳм этмасанг, тушсин бошимга, // Майли, ўша ночор бургутнинг куни* [А.Орипов. Сайланма, 48].

Шоир А.Ориповнинг шу орнитоним (бургут)га бағишланган яна бир шеъри бўлиб, у «Бургут» деб номланади. Бунда шоир ёш бур-

гутнинг мағрур, шиддаткор учишига ҳавас билан тикилади, лекин ана шу шиддат, мағрурлик бирор мақсадга йўналмаганидан афсус чекади: *Ўйноқи шамоллар ила басма-бас, // Ана, қўнди бургут энг юксак жойга! // Чўққи узра мағрур турди-ю бирпас, // Яна бўрон мисол қўзғолди. Қайга?.. // Ахир не қиларди берсанг, табиат, // Шу буюк шиддатга яраша мақсад!* [А.Орипов.Сайланма, 374].

А.Орипов она тили – ўзбек тилининг жозибаси, таровати-ни ёрқин ифодалаш мақсадида уни булбул каломи билан тенглаштиради ҳамда тақлид асосида кун кўрувчи тўти хатти-ҳаракатидан булбул каломини устун қўяди: *Минг йилларким, булбул каломи // Ўзгармайди, яхлит ҳамиша. // Аммо шўрлик тўтининг ҳоли // Ўзгаларга тақлид ҳамиша // Она тилим, сен борсан, шаксиз // Булбул куйин шеърга соламан. // Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз, // Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...* [А.Орипов. Йиллар армони, 95].

Шоир А.Ориповнинг «Булбул» номли шеъри жуда оҳангдорлиги билан китобхон қалбига яқин туради. Бу оҳангдорлик *булбул, булбулсан, булбулим, булбулгинам, булбулжон* сингари сўз шаклларининг такрори асосида ҳосил қилинган бўлиб, шоир *«булбул тилини булбул тушунади, минг сайрагани билан унинг тилини ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмайди»,* деган образли фикрни китобхон қалбига етказишга интилади: *Сен – булбулсан, булбулларни маст қила қол, булбулим, // Мен учун сайрашингни бас қила қол, булбулим. // Шому саҳар тиним билмай шарҳ айладинг дилингни, // Қани, айт-чи, булбулгинам, ким тушунди тилингни? // Биров сени нола деди, биров деди оҳ-фиғон, // Булбул тилин булбул билар, мен билмасман, булбулжон. // Англарми деб беҳудага роз сўйлама, қушим, ҳай, // Сен – булбулсан, булбулгинам, сени булбул тушунгай* [А.Орипов. Йиллар армони, 107].

Шоир қуйидаги шеърий парчада эса *«булбул»* орнитоним-лексемасининг «хушовоз» ифода семасини *«зоғ»* орнитоними орқали ифодаланувчи «ёқимсиз овозли» семаси билан ўзаро қара-

ма-қарши қўйиб, ажойиб бадиий метафорани шакллантиришга муаффақ бўлган:

Булбул ўгай эрур зоғлар орасида,
Югурик сув ўгай тоғлар орасида.
Муҳаббат дардидан бемор қалбларимиз,
Ўгай бўлсак не тонг, соғлар орасида [А.Орипов. Йиллар армони, 501].

А.Орипов «Баҳор» номли шеърида устоз шоир Мақсуд Шайхзодани *«шеър лочини»* деган тасвирий ифода билан улуғлайди: *Бу қандай мулоқот? Не ҳол? Ёнингда // Жой олмиш ўзга бир суюкли даҳо. // Беқиёс эди у шеър лочини! // Хаёли бамисли Кўрагонийдек...* [А.Орипов, Йиллар армони, 129].

Шоир Муҳаммад Юсуф лирикасида «қушча» образи муҳим услубий хусусиятлар касб этганлиги билан характерлидир. Бу образ шоир шеърларининг маъно салмоғи, теранлигини белгилаш билан бирга, Муҳаммад Юсуф ижодининг бадиий-эстетик тароватини ҳам намоён этади. Шоирнинг «Мана шу – мен туғилган гўша», «Қизғалдоқ», «Капалаклар», «Қушлар ҳам йиғлар», «Турғунлик», «Руҳ тўтиси», «Кузда кетган турна қайтгандек баҳор», «Яхши», «Кўкламойим», «Эрка кийик», «Тунда шеър айтишдик капалак билан», «Болалик», «Ғирот минган Гўрўғли», «Мендай ғарибни ҳам кўролмаслар бор», «Қалдирғоч», «Иқрор», «Атиргулдан юмалади капалак», «Жонида жон қолмас...», «Ўксимагин о, юрак», «Булбул», «Манзара», «Чўлоқ турна» каби кўплаб шеърларида Оққуш, Чумчуқ, Қалдирғоч, Булбул, Тўти, Турна, Бургут образлари яхлит мужассамлашган ҳолда Қушча тимсолини намоён этади. Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, ҳозирги ўзбек шеъриятининг Сирожиддин Сайид, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Абдулла Шер, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Тоҳир Қаҳҳор, Азим Суюн, Қутлибека, Матназар Абдулҳаким, Абдували Қутбиддин

каби вакиллари ижодида ҳам Қушча образи билан боғлиқ мажозий маънодорлик алоҳида бир йўналишни ташкил этади. Лекин бундай ҳол шеъриятимизда бир хилликка, фикр қайтариқларига олиб келаётгани йўқ, балки Қушча образи ҳозирги ўзбек шеъриятининг мавзу доирасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бу шоирлар ижодининг маҳсули бўлган ҳар бир шеърда Қушча образининг индивидуал, ўзига хос маънодорлиги акс этмоқда. Буни биз биргина Муҳаммад Юсуф шеърияти мисолида қисман кўздан кечирмоқчимиз.

Муҳаммад Юсуф шеърларида Қушча образи воситасида бугунги куннинг муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалаларига мурожаат қилинади ва бу образдан жавоб, таскин изланади. Масалан, шоирнинг «Қушлар ҳам йиғлар» шеърида шундай сатрларни ўқиймиз: *Терлар оқди сув бўлиб биздан, // Ва гурсиллаб йиқилди терак... // Ака, бизнинг қилмишимиздан // Тунда қушлар йиғласа керак. // Она чумчуқ айланиб кетмас, // Кўнглига қил сиғмаса керак. // Эски индан ташиб бориб хас, // Янги инда йиғласа керак. // Баланд бўлар уйимиз тоғдек, // Айвонида устун ул терак. // Биз яшармиз кўнглимиз чоғдек, // Шунда қушлар йиғласа керак...* [М. Юсуф, Сайланма, 44-45].

Ёки М.Юсуф дўсти Хуршид Давронга бағишлаб ёзган «Яхши» шеърида *«булбули йўқ баҳор»ни «қумри тўла куз»га* қарама-қарши қўяди: *Эй дўстларим, дунёда // Ортда қолган из яхши, // Булбули йўқ баҳордан // Қумри тўла куз яхши...* [М.Юсуф, Сайланма, 50].

Шоир шеърларидаги Тўти, Бургут, Қумри, Чумчуқ, Булбул, Қалдирғоч каби қушларнинг барчаси Қушча тимсолининг серқирра маъно қатламларини ўзида ёрқин акс эттиради. Бу эса шоир М.Юсуф лирикасининг образлар системасини белгилайди.

Шуниси эътиборлики, Тўти, Чумчуқ, Булбул, Қалдирғоч, Бургут образлари шоир шеърларида маънавий-ахлоқий масалаларга муносабат билдираётган маънолар йиғиндисидек бўлиб қолган

эмас. Аксинча, бу образлар давр билан, ижтимоий воқелик билан боғлиқ равишда зўравонликнинг турли хил кўринишларига, бедодликларга исён тариқасида намоён бўлган эди. Натижада М.Юсуфнинг кўпгина шеърларида қушча образи ҳолатларнинг рамзи билан ифодасига айланган, ҳаётийлик, ҳаётий мазмун касб этган эди. М.Юсуфнинг кўпгина шеърларида («Чўлоқ турна», «Севгим менинг», «Руҳ тўтиси», «Мана шу... мен туғилган гўша» кабилар) қушларнинг қанотлари, уларнинг осмонга парвози асосий маъно ифодаловчи бадиий деталлар сифатида кўзга ташланади. Масалан, чўлоқ турна бир оёқлаб бўлса-да, лирик қаҳрамон – шоир уйини топиб келади; ёвуз кимсалар унинг бир оёғига, қанотига шикаст етказган эдилар. Лирик қаҳрамон чўлоқ турнага ҳамдардлик билдиради: *Бегонамас бу кўргилик, // Бошга тушган. // Менинг ҳам қоқ юрагимга // Тош отишган* [М.Юсуф, Сайланма, 185].

Шу маънода лирик қаҳрамон билан чўлоқ турнанинг дарди бир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам атроф-муҳитдаги, воқеликдаги, одамлар феъл-атворидаги ёвузлик кўринишларидан кўнгли зада, қалби яра. Худди шу ўринда қанотлар қуш (чўлоқ турна)нинг эркин парвоз қилишини таъминлайди. Лекин бу қанотлар ёвуз кучлар томонидан қайрилган, шикастланган. Лирик қаҳрамоннинг ҳар юрагига тош отиб яралашган. Ҳар иккисининг кўнгил эркига раҳна солинган, шунинг учун лирик қаҳрамон айтганидек: *Биз тилмочсиз бир-биримиз // Тушунгаймиз. // Шароб ичмай ака-ука // Тутингаймиз!* [М.Юсуф, Сайланма, 185].

Демак, ҳали ҳаётимизга, одамлар кўнглига гўзаллик, нафосат, бир-бирини авайлаб-асраш хислатлари етишмайди. Бунинг боиси шундаки, ҳозирги дунёда эркни бўғувчи ёвуз кучлар кўп. Жамиятда зулм-зўравонликлар пайи қирқилмас экан, ёвузликлар тўла бартараф этилмас экан, кўнгиллар обод бўлолмайди, эркин парвозлар пайти ана шундай қирқилаверади, эркин парвоз қилишни яхши кўрувчи қушларнинг пойига тушов солинаверади,

қанотларига банд ташланаверади.

Шоир М.Юсуфнинг «Руҳ тўтиси», «Севгим менинг...» каби шеърларида эса кўнгил эрки масаласи яна бир ўзгача кўринишда бадиий талқин қилинган. Жумладан, «Руҳ тўтиси» шеърининг лирик қаҳрамони:

...Бош бир кун тош ёстиққа етар,
Руҳ тўтиси танни тарк этар.
Дейдилар ёш танламас ажал,
Худо билар, ким олдин кетар.. , – дейди [М.Юсуф, Сайланма, 47].

Агар эътибор бериладиган бўлса, асарда тасвирланаётган қуш булбул ёки бургут эмас, балки руҳ тўтиси. Ҳаётдаги бедодликлардан, кўз қарашларию овозини ҳам банди этишаверганидан лирик қаҳрамон руҳидаги қушча ўз овозини йўқотиб, оддий тўтига айланиб қолган. Шоир М.Юсуфнинг «Севгим менинг» шеърида эса мазкур фикр янада чуқур, маънодор, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фожиавий оҳанг касб этган:

Сен қуш бўлиб учдинг кетдинг тутолмадим, // Оҳу бўлиб қочдинг, қувиб етолмадим...// Ана, ажал остонамда турар бўйлаб, // Фаришталар чорлар мени ўлан сўйлаб, // Жаннатларда зерикарман сени ўйлаб, // Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим [М.Юсуф, Сайланма, 197].

Бундан кўринадики, бу шеърда ишқ-севги туйғуси, ёрга, севгили қизга бўлган майл-меҳрдан кўра теранроқ, кўламдор маънога эга бўлмоқда. Хусусан, бу туйғу кўнгил хуррияти билан боғлиқ рамзли кўриниш касб этмоқда, яъни у тушовланмаган туйғу, эркин фикр ташналигидаги кечган кўнгил маърифати рамзи даражасига кўтарилган.

Шуниси муҳимки, шоир Муҳаммад Юсуф «Қалдирғоч» деб номланган иккита шеър ёзган, лекин улар бир-бирининг такрори эмас. Дастлабки шеър бандлари учлик шаклига эга бўлиб, лирик қаҳрамоннинг қалдирғочга мурожаати, дунё, ҳаёт ҳақидаги

ўй-кечинмаларидан иборат: Осмон бўлмас, кўшкимда // Сен яйрасанг Қалдирғоч, // Яйрармидим ўзим ҳам... [М.Юсуф, Сайланма, 74].

Кейинги «Қалдирғоч» номли шеър ҳар банди олти мисрали бўлиб, шундан кейин ҳар банд охирида лирик қаҳрамоннинг қушга нисбатан қуйидаги мурожаати такрорланади: Сўра, сўра, қалдирғоч, // Кўзи қора қалдирғоч [М.Юсуф, Сайланма, 145].

Шундай қилиб, шоир Муҳаммад Юсуф шеърларида Қушча образи Инсон руҳияти, кайфияти ва кечинмаларининг турфа маъно қирраларини ифодалашга хизмат қилган, уларда бадиий маъно юксак ижтимоий-эстетик аҳамият касб этган эди. Қушнинг қанотлари шоир шеърларидаги фикр ва туйғу эркинлиги рамзига айланган эди. Шу асосда биз орнитоним – Қушча образи шоир Муҳаммад Юсуф лирикасида, аввало, кўнгил хуррияти, фикр ва туйғу эркинлиги тимсолига айланган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз ёзувчи Саид Аҳмад тўғри таъкидлаганидек, «Муҳаммад Юсуф шеър мухлисларининг юрагини ўртаб кетди. Энди шоирнинг ўзи йўқ. Аммо Муҳаммад Юсуф деб аталмиш Шеърият бор. Бу шеърият завол билмайди» [М.Юсуф, Сайланма, 274].

Ўзбек шеъриятида «қанотлари кесилган қушдай» ўхшатиш-ибораси кенг қўлланади ҳамда муҳим услубий восита вазифасини бажаради. Масалан, ҳозирги ўзбек модерн шеъриятининг вакили Турсун Али болалик, болалиги ўтган қишлоқ, уй, болалигида бошини силаган эна (буви) ҳақида ёзар экан ана шу доимий ўхшатишдан ўринли фойдаланади: *Болалигим келган ҳовлида // булутдек-булутдек ўрик дарахтлари //ўсарди қуёшга очиб қулочларин кенг.// Болалигим учар эди // шал ўрик шохига арғимчоқ солиб.// Орзулари ҳам учарди арғимчоқда! // шанда шоир бўламан машҳур, // пойтахтда яшайман, // дер эди, қичқира-қичқира Болалигим// Ўша бола орзулари оғушида яшаётир шаҳарда. //Энди унинг юрагида // ўша қишлоқ, //*

қишлоқдан-да // Болалик // арғимчоқ учаётир //қанотлари кесилган қушдай // талпина-талпина... [Турсун Али, Сокин ҳайқириқ, 14].

Турсун Али юқорида таъкидланган «Сокин ҳайқириқ» тўпламида ҳайвонот боғига кириб қолиб ундан олган таассуротлари асосида бешта ҳайвон ва учта қушга бағишлаб ёзган шеърларини ҳам киритади. Шулардан бири «Булбул» деб номланади: *Нега жимсан, // Сайрамайсан жўшиб, // Сўлим боғлар эркаси булбул? // Маъюссан кўнглингда нелардир туюб, // Йўқми ёхуд бу жойларда гул?* [Турсун Али, Сокин ҳайқириқ, 19-20].

Бу шеърда акс этган кайфият ҳам, мазмун-маъносидан тортиб унда қўйилаётган саволлар ҳам худди унинг қофиясидек (жўшиб-туюб, булбул – гул каби) жуда кўп чайналгандек тасаввур уйғотади. Дарвоқе, ҳозирги ўзбек модерн шеърияти, жумладан шоир Турсун Али ижоди ҳам кишида ана шундай қарама-қарши кайфиятлар уйғотади. Лекин, нима бўлганда ҳам бу шеърлар, ундаги орнитонимлар билан боғлиқ қуш, булбул, қарға, қалдирғоч каби образлар дунёни янгича бадиий-эстетик идрок қилиш йўлида пайдо бўлаётганлиги билан шеъриятимиз учун алоҳида қиммат касб этади.

Ўзбек адабиётида *қалдирғоч* ҳақида шеър ёзган, унга мурожаат этиб, ўз ички ҳис-туйғуларини ифодалаган шоирлар жуда кўп. Шулардан бири, ёш шоир Равшан Исоқов ҳам «Қалдирғоч» номли шеърини эълон қилди. Бу шеър тўрт банддан ташкил топган бўлиб, ҳар бир банди беш мисрани ўз ичига олади. Шеър қуйидаги банд билан бошланади: *Узоқ йўлга бериб дош, // Учиб келган қариндош. //Ғариб кўнглимга сирдош, // Бодом қовоқ, қора қош, // Синглиммисан, қалдирғоч* [“Моҳият” газетаси. 23.09.2005].

Шеър худди шу а-а-а-а-б шаклида қофияланган ҳолда давом этади, ҳар банднинг икки сўнгги қатори *Бодом қовоқ, қора қош, // Синглиммисан, қалдирғоч,* – шаклида такрорланади. Сўнгги бандда эса шоир лирик образ қалдирғочга қарата: *Бодом қовоқ,*

қора қош, // Синглим бўлгин, қалдирғоч, – деб мурожаат қилади.

Машҳур рус шоири Сергей Есениннинг «Форс тароналари» туркумига кирувчи ўн бешта шеърнинг охиргиси 6 банддан иборат бўлиб, 24 мисрани ўз ичига олади. Шеър 2005 йилда Маҳмуд Йўлдошев таржимасида илк марта ўзбек тилида жаранглади. Бу шеър қуйидаги тўртлик билан бошланади: *Мовий юртим кенгбағир, шўхсан. // Бой берилган қадрим қўшиққа. // Ел денгиздан эсади ғир-ғир – // Гулни булбул чорлайди боққа* [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 30.09.2005.]. Шеър давомида *Ел денгиздан эсади ғир-ғир – // Гулни булбул чорлайди боққа,* – мисралари ҳар банд охирида нақорат сифатида такрорланади. Бундай такрор Шарқ поэзиясида, Ҳофизу Ҳайём ғазалиётида кенг қўлланувчи такрир санъатини вужудга келтирган [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 30.09.2005.

Шоир охирги бандда яна ҳам оригинал йўл топган, яъни энди биринчи банддаги дастлабки мисра айнан такрорланади, кейинги мисраларга эса булбул образи, унинг висолига етишмоқ иштиёқи билан боғлиқ ҳолда муҳим ўзгаришлар киритилган:

Мовий юртим кенгбағир, шўхсан.

Майли ҳаёт барбод қўшиққа.

Соя салқин боғда қайсибир –

Гулни булбул олар қучоққа [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 17.04.2003].

Баъзан қуш номларини бир мисрада ёнма-ён такрор қўллаш ҳам муҳим услубий восита вазифасини бажаради. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо «Ўзбек ўғли» шеърида *«бургут, лочин, сор»* орнитонимларининг такрори худди шундай услубий қимматга эга бўлган: *Ўзбек десам, жаранглаган тор келур, // Ундан олдин номус ила ор келур, // Бургут келур, лочин келур, сор келур, // Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!* [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 01.09.2005].

Худди шу шеърда маҳмадона кишилар хатти-ҳаракати «май-

на» орнитонимига метафорик йўл билан қиёсланади:

Кўпга келган кулфатларга чап берма,
Маҳмадана майналарга гап берма,
Кўнгил обод бўлсин, сиртга зеб берма,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма! [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 01.09.2005].

Халқда *«қуш уясида кўрганини қилади»* мақоли бор. Шоир Шукрулло ана шу мақол мазмуни замирида бургут полопонининг кўз очишини «Макон» шеърига сингдиради. Шоир бургутнинг мағрурлиги, дадил ва қўрқмаслигини унинг қалбида ёшлигидан сингдирилган эди, деган муҳим фалсафий фикрни образли тарзда ифодалашга муваффақ бўлган: *Бургут полопони кўзни очаркан // Чўққидан кузатар она парвозин. // Қанот бўлиб кирар унинг қалбига, // Водийларни тутган мағрур овози.// Парвозга интилар, кўкка талпинар, // Бир қудрат сезгандек сойлар сасида. // Унинг макони кўк, кўкнинг соҳиби, // Қуш кўрганин қилар ўз уясида* [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 17.04.2003].

«Булбул» орнитоними жуда азалдан шеъриятда муҳим услубий восита вазифасини бажариб келмоқда. Мумтоз шеъриятда «булбул» радифли ғазаллар ҳам анча кўп. Шулардан таъсирланиб, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ҳам *«булбул»* радифли ғазал ёзган:

Ажойиб нағмалар бирла саҳар чақ-чақладинг, булбул, // Ташаккур, дилдаги туйғуларим ардоқладинг булбул. // Куйингни сеҳридан бу боғ аро нозланди минг гуллар,// Не оҳангу, не сирларни юракда сақладинг, булбул?// Куйиб ўртанмоғингда бир ишорат борми, айтсанг-чи, // Наҳот бир ғунчани юракни доғладинг, булбул... [“Зарафшон” газетаси. 10.01.2006].

3.2. Ўзбек прозасида орнитонимларнинг айрим услубий хусусиятлари

Ҳайвонот олами, хусусан, қушларнинг инсон ҳаёти ва хўжалигида қанчалик муҳим ўрин тутиши туфайли, тилимизда ҳам уларнинг номлари билан боғлиқ бўлган кўчма маъноли фразеологизмлар, қиёсий маънога эга бўлган иборалар *(қушдай енгил бўлмоқ; чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин; бургутдай ташланмоқ; қарғадай қағилламоқ; тўтидай сайрамоқ; булбули гўё бўлмоқ; чумчуқ пир этса, юрак шир этади* каби) кўп қўлланади. Айрим қуш номлари маълум салбий ва ижобий, қиёсий ва кўчма, рамзий ва мажозий маъноларни ифодалайди. Қуш номлари (орнитонимлар) бадиий асарларда муҳим услубий восита вазифасини бажаради, айрим орнитонимлар эса фразеологизмлар, мақол ва маталлар таркибида келиб, уларни шакллантиришга хизмат қилади. Масалан, биргина «булбул» орнитоними билан боғлиқ қуйидаги мақоллар тилимизда фаол қўлланади: *бола оиланинг ҳам гули, ҳам булбули; боққа булбул ярашур, одамга – ақл; боғига яраша – булбули; бугунги чумчуқ кечаги чумчуққа жиғ-жиғ ўргатар эмиш // бу йилги чумчуқ бултурги чумчуққа жиғ-жиғ (дағ-дағ) ўргатар эмиш; булбул, гул санамларга ошиқ; булбул гулзорда гўзал; булбулнинг ишқи – гулда; булбулнинг суйгани қизил гул; булбулни қарқуноққа алмаштирма; булбул чаманни севар, одам – ватанни* кабилар.

Одамга хос гердайиш хусусияти халқимизда ғознинг хатти-ҳаракати билан боғлаб изоҳланади: *ғоз юриш* (кеккайиб юриш), *ғоз қараш* (менсимай, димоғдорлик билан қараш), *бедана юриш* (таманно билан, нозланиб юриш), *мусичаи беозор* (жуда ювош) каби иборалар шулар жумласидандир. Жумладан, димоғдорлик билан қараш, кеккайиб юриш сингари салбий хусусиятларга эга бўлган кишининг хатти-ҳаракатлари ғознинг хатти-ҳаракатига маълум даражада мос келади. Айрим қуш номлари фразеологизмлар таркибида иштирок этиб, кишиларга хос

бўлган турли ҳолатларни ифодалашда жуда қўл келади. Масалан, *оёғи куйган товуқдай* иборасида ўзини қўярга жой тополмаган киши ҳолати тасвирланган. Баъзан айрим қуш номлари бадиий асарларда вулгаризм сифатида қўлланиб, қаттиқ сўкиш, менсимаслик маъносини ифодалайди:

– Ҳа, қайдасен, чўлоқ қарға? Калитни бер! – қичқирди у Нурбобога.

Нурбобо отхонадан чиқиб, Тўғонбекка шубҳали назар ташлаб, белбоғи орасидан калитни олиб берди [Ойбек. Навоий, 102].

«Қарға» орнитоними бадиий асарларда салбий хатти-ҳаракатли персонажларни характерлаш воситаси сифатида кенг қўлланади. Жумладан, отахон ёзувчимиз Саид Аҳмад яқинда «Қишдан қолган қарғалар» номли ажойиб ҳикоясини эълон қилган эди:

«Турғунбой тоғаси маст бўлса ҳам рост айтди:

– Э-э, жиян, буларнинг гапига кирма! Уларни қишдан қолган қарғалар деб, ўз ишингни қилавер! Билиб қўй, саратон қанча қизиса, совуқ кунларни соғинган қарғалар шунча қаттиқ қағиллайди» [С. Аҳмад. Қишдан қолган қарғалар, 133].

Бадиий асарларда мард, жасур йигитлар хатти-ҳаракати бургутга, лочинга қиёсланади. Масалан: *«Тўғонбек йигитнинг* (Арслонқулнинг – Д.Й.) *вазиятида овига чанг солмоқчи бўлган бургутни кўрди. Энди унинг аччиғини юмшатишга қарор қилди* [Ойбек. Навоий, 427]; *«- Менга қара. Кўп куйинма! Айб ўзингда. Икковининг бошини қовуштириб қўйганингда бунчалик бўлмасди. Синглингни лочин олиб қочди. Биласанми, лочин қандоқ бўлади. Жуфтини бошқа қушларга талатиб қўймайди. Агар шундоқ бўлса у ўзини тоғ қояларига уриб ҳалок қилади. Лутфинисани зўр лочин олиб қочди. Кетидан қувма! Бир кун бош эгиб келади...»* [С.Аҳмад. Уфқ, 26] кабилар.

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида кўклам тасвирини чизишда турли хил қушлар хатти-ҳаракатидан фойдаланади: *«Қиш бўйи аллақайси ғўр остларида жунжиб чиққан қуш зот-*

лари: чумчуқлар, читтаклар, тўрғайлар, саъвалар ва бошқа аллақанча қуш туркумлари ўз тўплари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур сайраб-куладилар, ер юзини тутган чечак гиламлари устини ўпиб ялайдилар, ётиб чўқийдилар, сапчиб учадилар... узоқ-узоқдан какку қуш ҳам арзи вужуд қилади: «какку-какку» [А.Қодирий. Ўткан кунлар, 142].

Қушларнинг бу нағмаси қалби чироқ ёнса ҳам ёришмайдиган, ота-она орзуси туфайли иккинчи марта уйланишга мажбур бўлаётган Отабекка ҳам ўзгача таъсир қилади. Буни ёзувчи қалдирғочлар тасвири билан янада мустаҳкамлайди: *«Унинг* (Отабекнинг – Д.Й.) *фикри анови қоронғуликлар ичра сузса ҳам, кўзи чечак ва сабзалар томошасида, димоғи ҳидлар истишомида, қулоғи қушлар нағмасида бўладир. Нима бўлса ҳам теварагидаги кўклам безакларини кўздан кечира борадир. Бора-бора фикри ҳам шу кўринишлардан ҳисса олмоққа бошлайдир.*

Ҳов ана бир қалдирғоч тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учган йўлида вижир-вижир сайраб ҳам қўядир. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, севганининг олдига тезроқ етиш учун шошадигандир, сайроғи ҳам севганининг кўриш шодлиги учундир... Бахтли қалдирғоч олган совғаси қўрқинч эмасдир, ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваслари йўқдир! Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, иков-иков, севган-севганни оладилар-да, тоғларда, ерларда, кўкларда учиб юра берадилар... Мен ҳам шу қалдирғочдек, унинг (Кумушнинг – Д.Й.) *сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим* [А.Қодирий. Ўткан кунлар, 142].

Ана шундан кейин «Ўтган кунлар» романида қалдирғоч қаноти билан боғлиқ ажойиб метафорик бирикма ҳосил қилинган: *«Унинг* (Отабекнинг – Д.Й.) *қалдирғочлик қаноти ота-она мукофоти билан қайрилган. Унга учгали эрк бермайдилар»* [А.Қодирий. Ўткан кунлар, 142].

Ёзувчи Ойбек ҳам «Навоий» романида табиат тасвирини чизишда турли хил қушлар, айниқса, кабутарлар хатти-ҳаракатидан

фойдаланади: *«Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг Гавҳаршодбегим мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди»* [Ойбек. Навоий, 5].

Кабутарларнинг бу нағмаси асосида ёзувчи мадраса хужралари, ундаги толиби илмларнинг ҳовлидаги юмушлари тасвирига алоҳида эътибор қаратган, яъни асар экспозициясида кабутарлар нағмаси романнинг кейинги воқеалари учун ўзига хос бир дебоча вазифасини бажарган.

Ойбек «Ўзбек поэзиясида тил» номли мақоласида тинмай меҳнат қилиш билангина «халқ тилининг хазинасини забт этиш, сўзни «чўғлантириш», сўз капиталини эгаллаш мумкин»лигини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, бадиий асарларда «сўз чертиб олиниши, ҳар ёқлама танланиши лозим» [Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, 14-том, 112]. Ёзувчи ўзининг ана шу эстетик тамойилига бадиий асарларида оғишмай амал қилиб келди, сўзни чўғлантиришга, уни ўз ўрнида қўллашга интилди. Бу фикрни Ойбекнинг орнитонимлардан усулий мақсадда фойдаланиш маҳоратига ҳам татбиқ этиш мумкин. Масалан, «Қутлуғ қон» романида Йўлчи нутқи таркибида қўлланган *«кекса товуқ»* иборасини олайлик. Асарда тасвирланишича, Йўлчи Мирзакаримбойдан ҳақини ололмагач, *«Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товуқ!»* – дейди [Ойбек. Қутлуғ қон, 366]. Келтирилган парчада орнитоним (товуқ) асосида шаклланган ибора Мирзакаримбойнинг бутун қиёфасини, айниқса, унинг текинхўрлигини очиб ташлашда, Йўлчининг қаҳр-ғазаб ўқини унга йўллашда муҳим услубий восита сифатида хизмат қилган.

Шуниси муҳимки, ёзувчи насрий асарларида қуш номлари кўпроқ ўхшатишли бирикмалар таркибида келиб, персонажларнинг хатти-ҳаракати ёки воқеа тасвирига аниқлик киритиш учун

хизмат қилади. Масалан, Ҳусайн Бойқаронинг тахт учун кураши *«уясиз қушдай»* бирикмаси орқали акс эттирилган: *«У* (Ҳусайн Бойқаро – Д.Й.) *энди душман билан очиқ майдонда учрашишдан қўрқади. Бир ерда қарор топишдан ҳавфланиб, уясиз қушдай, саргардон кезмоққа мажбур»* [Ойбек. Навоий, 83]. Ёки ёвуз ниятли Мажидиддин билан ёнма-ён қолишдан қўрқиб дағ-дағ титраётган канизак қиз Бўстоннинг ҳолати *«қафасдан чиққан қуш каби»* ўхшатиш бирикмаси орқали берилган: *«Бўстон қафасдан чиққан қуш каби, ташқари отилди, кафшини пойма-пой илиб югурди»* [Ойбек. Навоий, 45].

«Навоий» романининг бир ўрнида «қарға» орнитоними пейзаж, қиш тасвири учун восита вазифасини бажарган: *«Болалар, қарғалар тансиқ қорни ғанимат билиб, шўхлик қилиб ўйнайдилар»* [Ойбек. Навоий, 111].

Қафасга тушган канизаклардан бири, туркман қиз Гулсанам совуққа, азоб-уқубатга чидай олмай ўлиб қолади. Қишда, қор ёғаётган пайтда юз берган бу воқеа тасвирини ёркин ифодалаш учун ёзувчи қарға, қузғун орнитонимларидан услубий восита – ўлим даракчиси сифатида фойдаланади: *«Кафш ичини тўлдирган қорни ҳам сезмагандек бўлди. Қарғалар, қузғунлар шахдам товуш билан қағиллашиб учишар, узоқда назоратчи қулларнинг кўланкалари изғир эди...»* [Ойбек. Навоий, 226]. Шу асарда Тўғонбек нутқида қўлланган *«уккидай сапчимоқ»* бирикмаси олиб қочилган, тутқунликка маҳкум қилинган маъсума қиз - Дилдорнинг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашини акс эттиришга бўйсундирилган: *«Аччиғланма, жоним! – ялинди Тўғонбек. – Мен сенга қўлимни теккизмадим, Ҳар бир ширин сўзимга минглаб қарғиш эшитдим. Мени кўрсанг, уккидай сапчийсан, писта-бодом бериб киргизсам, қўйнинг қумолоғидай отиб ташлайсан...»* [Ойбек. Навоий, 102].

Ойбек Ҳусайн Бойқаро саройи ҳаётини кенгроқ ёритиш мақсадида кабутархона, саройда «доруғаи кабутархонаи хумоюн» деб

улуғланган кабутарбоз чол тасвирига ҳам алоҳида ўрин ажратган: *«Ерда дон қолмагач, чол узун ёғочни ҳавода енгил силкиб, ғалати овоз билан нимадир қийқириб қўйди. Қушлар «парр» этиб, осмонга кўтарилди. Ҳусайн Бойқаро энди беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Ерда дон қидирган бир неча қушни чапак чалиб учирди. Икки қўли орқасида, осмонга тикилган, кенг кўкрагини қабартиб, ҳар томонга айланди. Ҳиротнинг тиниқ, қизғиш самосида ранг-баранг товланиб, шўх учишган кабутарларнинг ажойиб ҳавои рақсидан кўз узмади...»* [Ойбек. Навоий, 106] ва бошқалар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг маҳорати тил воситаларидан, жумладан қуш номлари (орнитонимлар)дан фойдаланишда ҳам яққол кўзга ташланади.

Саид Аҳмад қуш номларидан образ яратиш воситаси сифатида фойдаланишни дастлаб ўзининг кўплаб ҳикояларида, новеллаларида синаб кўрди. Масалан, ёзувчининг *«Чўл бургути»* деб номланган ҳикоясининг қаҳрамони Раҳимжон ўз хатти-ҳаракати, тиниб-тинчимаслиги туфайли Чўл бургути деб ном олган. Ҳикоя қаҳрамони Бургут (Раҳимжон) нутқида ёзма адабиётда кам ишлатиладиган, лекин жонли сўзлашувда фаол қўлланувчи *«маладес», «боевой»* каби сўзлар, *«картинкангдан ўргилдим», «картинка қилармиш», «пул кўп бу чолда», «мана бундоқ китоби чиққан», «ҳа, дўст!», «қоматингга қойилман»* каби сўзлашув нутқи иборалари [С. Аҳмад. Сайланма, 3-жилд, 303-319] ишлатилганки, улар жанг кўрган, тиниб-тинчимас, қайноқ қалбли, шўх йигитнинг қиёфасини китобхонга жуда ҳам яқин, таниш қилиб кўрсатади.

Ёзувчининг «Чўл оқшомлари» циклига кирувчи бундай ҳикоялари таркибида қуш номлари муҳим ўхшатишли бирикмалар, иборалар ҳосил қилиш воситаси сифатида қўлланган. Масалан: *«Кокила уни кўрди-ю, эс-ҳушини йўқотди-қўйди. Ўша куни кўзларига сурмани қалин чаплаб Қўзибойнинг олдидан икки-уч мар-*

та атайлаб каклик юриш қилиб ўтди...»; «Қиз айтганини қилди. Қўзибой беданадай питирлаб Кокиланинг тузоғига тушди...» [С.Аҳмад. Сайланма, 3-жилд, 328-334] кабилар. Ёзувчи ҳикоя охирида ўз қаҳрамони Чўл бургути – Раҳимжоннинг янги ерларни, чўлларни ўзлаштириш соҳасидаги фидокорона меҳнатини улуғлаб, *«бургут»* орнитоним ёрдамида ажойиб ўхшатишлар, метафоралар яратади: *«Худди тепамда бир чўл бургути баҳайбат қанотини ёзиб, гир айланиб учиб юрибди. Шовқинга тўлган чўлда маконини йўқотган бу саҳро султони, қўналға тополмай, осмонда чарх уриб кезарди. Чўлнинг асрий уйқусини бузган ер бургутлари энди унинг кўҳна масканини эгаллаган эдилар»* [С. Аҳмад. Сайланма, 3-жилд, 319].

Саид Аҳмаднинг *«Турналар»* ҳикояси (1960)да уруш даҳшатларидан омон чиққан, бу даҳшатларга асло таслим бўлмаган кишилар ҳаёти тасвирланган. Бу ҳикояда урушда икки ўғлидан айрилган полиз қоровули Собир ота ўз тарбиясига олган рус боласи Андрюша тўғрисида гапиради. Ҳикоя охирида муаллиф-ҳикоячи нутқи орқали айтилган қуйидаги фикрлар асарга қуш номи – турналарнинг бекорга ном сифатида танланмаганлигини кўрсатади: *«Ҳар баҳор кўкда турналар карвонини кўрганимда, уларнинг беғубор фируза осмонда арғимчоқ солиб учишини кузатганимда аламзада, ҳижронзада, лекин метин иродали ўша Собир бобони эслайман. Бу турналар менга ананас ҳиди анқиган чайлани, оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний чолни, унинг мард, ўлимдан ҳам зўр ўғилларини, Андрюшани... эслатади»* [С.Аҳмад, Сайланма, 3-жилд, 134].

Саид Аҳмаднинг *«Товуқ тилини биладиган одам»* номли ҳажвиясида ҳам пияниста Мансуржон кун ора товуқхонага кириб, тухумни ичиб қўйиш одатини чиқаради, хотинига эса ўзини «товуқ тилини биладиган одам» деб кўрсатишга интилиб, товуққа тайинлаб қўйганман, энди ҳар куни тухум қилади, дейди. Ҳақиқатдан ҳам, Мансуржон командировкага кетганда товуқ ҳар

куни тухум берадиган бўлади. Лекин барибир сир фош бўлиб қолади. Шунда Мансуржон – *Судга бер. Мелиса чақир. Сомонхонага ўғри тушди, деб дод сол!* – деганича хотинига баланд келади. Шунда Маҳбуба унга қараб:

– Сизни нега судга берарканман? Сизни товуқлар суд қилишсин. Тилини биласиз-ку. – дейди. Бу аччиқ киноя билан айтилган гап кулги уйғотади: «Эр-хотин хахолаб кулиб юборишди. Уларга қўшилиб, ҳовлида донлаб юрган товуқ ҳам қақолаб кулгандек бўлди» [С.Аҳмад, Сайланма, 1-жилд, 293].

Ёзувчининг *«Хотинбоз чумчуқ»* ҳажвияси ҳам жуда кулгили воқеа тасвирига бағишланган. Чойхоначи Алимат бувасидан *«Хотинбоз чумчуқ»* ҳақидаги эртакни эшитган Кенжа уни газетага юборади ва газетада шу номдаги эртак эълон қилинади. Орадан бироз вақт ўтиб, бу эртак ҳақида «Хотинбоз чумчуқ» номли мақола ҳам босилади. Бунда ёш «ёзувчи» Кенжа Алиматовнинг «бадиий маҳорати» кўкка кўтариб мақталган эди. Асар сўнггидаги қуйидаги парча асарнинг заҳарханда оҳангини кучли тарзда ифодалашга хизмат қилади: *«Ана шу мақола босилиб чиққан куни эртакчи чол Алимат буванинг зумраша невараси, яъни «ҳаётдан фалсафий хулосалар чиқариб оладиган ёзувчи Кенжа Алимат» томда ўз тенги болалар билан <u>каптар</u> қувиб юрарди»* [С.Аҳмад, Сайланма, 1-жилд, 299].

Саид Аҳмад орнитонимлардан кучли образли восита сифатида фойдаланиш маҳоратини ўзининг «Қадрдон далалар», «Ҳукм», «Ғилдирак» каби қиссаларида, «Уфқ» трилогиясида ва «Жимжитлик» романида янада мукаммаллаштирди. Ёзувчининг бу соҳадаги бадиий маҳорати махсус кузатишларни талаб қилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик асарларида қўлланган қуш номлари (орнитонимлар)нинг умумий рўйхати қуйидагилардан иборат: қуш – 150 та, бургут – 97 та, хўроз – 84 та, қалдирғоч – 68 та, қарға – 62 та, булбул – 33 та, кабутар – 23 та,

товуқ – 31 та, чумчуқ – 30 та, каптар – 23 та, лочин – 20 та, мусича – 16 та, лайлак – 19 та, оққуш – 13 та, қузғун – 12 та, каклик – 12 та, ўрдак – 11 та, туяқуш – 10 та, тўти – 9 та, товус – 8 та, турна – 7 та, оқчорлоқ – 7 та, бойқуш – 6 та, ғоз – 6 та, қирғий – 4 та, бедана – 4 та, қораялоқ – 3 та, тартарак – 2 та, ҳудҳуд – 2 та, қорақуш – 2 та, калхат – 2 та, гўнгқарға – 1 та, укки – 1 та, қарқуноқ – 1 та, суқсур – 1 та, семурғ – 1 та, қарчиғай – 1 та, шунқор – 1 та, чуғурчуқ – 1 та кабилар шунча марта қўлланилган.

Юқорида келтирилган рўйхатдан кўриниб турибдики, ёзувчи асарларида бургут орнитоними энг кўп (97 марта) қўлланилган. Масалан: *Сенлар чивинсанлар, мен* ***бургутман*** [Т.Малик. Шайтанат, I. 40] *«Фарқи бор,* – деб ўйлади Элчин. – *Афсуски,* **бургут** *чивинни еёлмайди-да»* [Т.Малик. Шайтанат, I. 40]. *Балчиқдаги буларга ем бўлувчи чувалчанг қайда-ю, осмондаги* **бургут** *қайда?!* [Т.Малик. Шайтанат, II. 208]. *Сўнгги онлари яқинлашганини сезган мағрур бургут ўлимини инида кутиб олмай осмонга парвоз қилиб, сўнг ўзини қоя тошларига урар экан. Чувринди хожасини ана шу* **бургут** *мисолида кўрарди* [Т.Малик. Шайтанат, IV. 9]. *Қўшиқчи* **«Бургутлар,** *мени самоларга олиб чиқинг!» деб нола қиляпти. Дуруст, самога-ку,* **бургут** *олиб чиқар. Осмонга чиққандан сўнг тушмоқ ҳам бор.* **Бургут** *олиб тушармикин?* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 93]. Бургут орнитоними 49 марта «лақаб» маъносида ҳам қўлланилган: – *Исмим Бургут. Сизники-чи? Бургут шаҳарчани яхши биларканми, айланма кўчалардан тез-тез юрар...* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 322]. Бургут орнитонимини шеърий матн таркибида ҳам учратиш мумкин: *Ўша* **бургут** *ҳамон инсон қасдида // Ўлмас яна минг йиллар ўтса // Чунки у* **бургут** *ҳам эмас аслида // Тинмай қалбимизни чўқир ғам-ғусса* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 451].

Хўроз орнитониминг қўлланилиши ҳам анчагина миқдорни ташкил этади. Масалан, *Қаердадир бетайин* **хўроз** *қичқирди* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 361]. *Телевизорда эса мош*

ютган ***хўроздай*** *бўлиб олган нотиқ кулимсираган ҳолда ваъз айтарди* [Т.Малик. Шайтанат, V. 292]. Хўроз ҳақида турли хил ривоят, афсоналар ҳам келтирилган: – *Болалар, эртага ҳар бирингиз битта* **хўрозни** *тутиб, Аллоҳнинг назари тушмайдиган жойда сўйиб келинглар. Болаларнинг бири тунда сўйибди, яна бири кўприк остида... сўйиб келишибди. Аҳмад Яссавий ҳазратлари эса* **хўрозни** *тиригича кўтариб келибди. – Устоз, мен* **хўрозни** *сўймоқлик учун Аллоҳнинг назари тушмайдиган жойни тополмадим.* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 130]. *Асарларнинг баъзи бир жойларида* **хўроз** *«жуда зўри», «энг зўри» маъносини билдирган: Отарчиларнинг хўррози ҳам менинг бўйнимга. Қани, қўлни ташла!* [Т.Малик. Шайтанат, IV. 372]. – *Бўлмайди. Анҳор бўйини гаплаш. Тузукроқ қориларни айттир.Қориларнинг* **хўррозини** *топтираман* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 77]. *Йигитнинг хўрозини қўлингга қўндириб бердим* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 140] кабилар.

Қарға орнитоними бадиий асарларда кўпинча салбий маъно билдиради. Масалан: ***Қарға*** *– Худо қарғаган қуш. Қизиқ. «Қарғиш» деган сўз* **«Қарға»** *дан олинганми? Худо қарғаган бандасига* **қарғани** *рўпара қиладими?»* [Т.Малик. Шайтанат, III. 231]. – *Вакил қарғамижоз одам экан,* – деди Йигитали ака машина ўрнидан жилгач.

– *Нимага?*

– ***Қарға*** *учиб келса ҳеч ким хурсанд бўлмайди, учиб кетса хафа бўладиган одам тпилмайди. Элнинг қарғишига учраган одамни ана шунақа –* ***қарғамижоз*** *дейдилар* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 156].

Қарға ҳақида мақоллардан ҳам фойдаланилган. Масалан: ***«Қарға*** *қарғанинг кўзини чўқимайди»* деганларидек, *Уфадагилар саккизта шаҳардаги ҳамкасбларининг шарманда бўлишларини исташмайди* [Т.Малик. Шайтанат, IV. 38]. *Кейин қарға қағиллади. «Қарғанинг қағиллашида хосият йўқ», деб эшитиб,*

шу ақидага амал қилишга одатланган эди [Т.Малик. Шайтанат, III. 231]. Қарға ҳақида ривоятлар ҳам келтирилган. Масалан: *Бир куни сичқон сув лабига келиб дўстини чақираман деб турганида тепадан бир қарға бало-қазодай ёпирилди-ю, уни кўтариб учди. Сичқон қарға тумшуғида, қурбақа эса сал пастроқда учиб борардилар. Бу ҳолни кўрган одамлар ажабланиб: «Қарғага нима бўлди, одатига хилоф равишда қурбақани олиб кетяпти. Ахир ҳеч маҳал қурбақа қарғага ов эмас эди-ку?» – дейишибди* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 24-25]; Қарға ҳақида кулгили сатрларни ҳам учратиш мумкин: ***Қарға*** *«бегонага уйланмайман, хотин қариндош бўлсин» деб булбулга кўнгил қўйди* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 146].

Булбул орнитонимидан ҳам унумли фойдаланилган. Масалан: *– Эй кўнгил! Нафс туясига миниб олиб, руҳ* ***булбулини*** *азобга қўймаяпсанми?* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 557]; *У гоҳ-гоҳ кўлмак четига чиқиб, ҳаво олиб ўтирар ва ўзини булбул фаҳмлаб ёқимсиз бир овоз билан сайраб, хушовоз қушларнинг ғашини келтирарди* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 24]; *Исломхон топиб айтдилар: улар* ***булбул*** *либосида ҳунар кўрсатаверадилар* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 404]; *– Умр баҳори етса* ***булбуллар*** *келгусидир, деди Тарзи. – Афғонистон баҳори етди, Буни англамак керак* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 48];*... гул этагига зар тўлатиб ишва-карамлар билан булбулга кўринса, булбул гулга шайдо бўлиб, минг оҳанг билан унинг мадҳини сўзлайди. Гул кесилиб, фақат шохи ва барги қолса булбул унинг отини ҳам атамайди* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 600]. Булбул орнитонимини шеърий тарзда ҳам учратиш мумкин:

Қўнма ***булбул,*** *қўнма* ***булбул***
Дарахт шохига,
Налар келди, налар келди
Юртим бошига [Т.Малик. Шайтанат, II. 63].
Англадим: номуснинг қотили – қуллик,

Кўрдим: тожли бошлар таъзимга келди.
***Булбулларим** ўлди Чаманзорларда*
***Булбулли** мақоми чўғзимга келди* [Т.Малик. Танланган асарлар, II. 240].

Товуқ орнитонимини ҳам асарларда учратиш мумкин. Масалан: *У аҳмоқ жўжа эмаски, **товуқнинг** қанотида умр кечирса!* [Т.Малик. Шайтанат, III. 89]; *Она **товуқ** жўжаларини қаноти остига яширгандай Ҳожиахон ҳам болаларини қучоқлаб олган* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 67]; *Кичик **товуқхонада** осойишта мумтоз куйлар қўйилганда товуқларнинг юришларида ҳам хотиржамлик бор эди* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 249]; *– Шалава экан, биласан-ку ҳозирги **товуқларга** ишониб бўлмайди* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 65]; **Товуқ** орнитонимини ҳақида кулгили сатрларни ҳам учратиш мумкин. Бунда товуқ орнитонимини хотин кишига нисбатан қўлланилган ва кулги остига олинган. Масалан: *Қўлимда Пистончихўжанинг* **товуғи** *ҳақида мақола.* **Товуқ** *«простой» эмас, кунда иккитадан тухум туғади: эрталаб кумуш тухум, кечқурун олтин тухум* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 112]; *Қандайин* **товуқ** *бу, деюрмисиз? Ҳа, ҳа, ўзимизнинг таниш ўша хўрознинг хотини-да!* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 112].

Чумчуқ орнитонимини ҳам ҳикоя ва ривоятларда учраб туради. Масалан: *Ёзда у ғалати манзаранинг гувоҳи бўлганди: **чумчуқнинг** ҳали учирма бўлмаган боласи уясидан тушиб кетган экан. **Чумчуқча** чириллаб қочмоқни, учмоқни ихтиёр этарди. Мушук қушчага яқин келганда икки **чумчуқ** пайдо бўлди. Мушук чалажон **чумчуққа:** «Сен энди ҳаппайи ҳалол ўзимникисан... Шунда иккинчи **чумчуқ** унга ҳужум қилмади, балки қаноти сингандай унинг йўлига қулади. **Чумчуқ** судрала-судрала уни боласидан узоқлаштирди. Шариф ўшанда бу манзарани қизиқиб томоша қилган, аммо мушукни ҳайдаб, қушларнинг асраб қолиш лозимлигини ўйламаган эди. Насиба ранжиб, «**Чумчуқлар** увол бўлиб-*

ди-я» деб ачинган эди. Ҳозир ўзи ўша ***чумчуқ*** *ҳолига тушди* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 174]. ***Чумчуқ*** *ҳақидаги мақоллардан ҳам унумли фойдаланилган: «Кимдан қўрқасан, – Асадбек чумчуқ пирр этса, юраги ширр этадиган бўлиб қолибди, деган иснодга қолмоқчимисан?»* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 89]. ***Чумчуқ*** *орнитоними орқали кишининг қўрқоқлигини, салга қўрқадиган, чўчийдиган, қўрқоқ одамни тасвирлайди: Шуҳрат ўзини мажбур қилиб кулди. – Чумчуқюрак бўлиб қолибсан-ку, ошнам, деди у кула-кула...* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 98].

Каптар орнитоними турли хил кўринишларда учрайди: *Аввалига «ҳеч бўлмаса иккитагина* ***каптар*** *олиб беринглар» деб ота-онасига ялинди. Лекин ота-онаси* ***«каптарларга*** *ўралашиб ўқиши пастлашиб кетади» деган фикрда унинг илтимосларини эътиборсиз қолдиришди. Авваллари* ***«каптарбоз»*** *деган атама нима учундир салбий маънони англатган.* ***Катталарнинг*** *назарида* ***каптарбоз*** *болаларнинг хулқи бузуқ бўларди* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 292]; Каптар орнитонимини шеърий тарзда ҳам учратиш мумкин:

Олти ***каптар*** *етти бўлиб қўнди теракка,*
Қўшнимизнинг икки қизи чиқди элакка [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 371].

Ҳакалакам, дукалакам,
Човли чамбар,
Ола кўзи қағда
Бағда.
Лола **Каптар.**.. [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 364].

Лочин орнитонимининг ҳам ёзувчи асарларида жуда кўп ўринларда қўлланилгани маълум бўлди. Масалан: *Таҳлика, ваҳимада қолган аҳоли лочин чангалидан қўрққан полапонлардай ножот тилаб қақшар эдилар* [Т.Малик. Танланган асарлар, II.291]; *Кечагина у ўзини лочин ҳис этган эди* [Т.Малик. Шайтанат, II. 348]; *«****Лочин*** *ким? Эримми? Йў-ўқ... у* ***лочин*** *бўла олмайди. Бу*

тўшга ***лочин*** *қўнмай ўтди қарға қўнди». **Лочин** қўнган тўшимга қарғани қўндирмайман* [Т.Малик. Шайтанат, II. 313]. Ёзувчи лочин орнитоними билан боғлиқ афсона ва ривоятларни ҳам баъзи ўринларда ўз асарлари бадиий тўқимасига усталик билан сингдириб юборади. Масалан: *Анушервон Одилнинг **лочини** боғичини узиб учди-ю, бир кампирнинг ҳовлисига қўнди. Кампир уни ушлаб олди-да, «бояқиш оч қолганга ўхшайди», деб ўйлаб, **лочиннинг** олдига бир ҳовуч дон сепди. Гўштхўр қуш донга қараб ҳам қўймади. Эгри жойини кесиб тўғирлаб қўйишим керак экан, – деб ўйлаб **лочиннинг** тумшуғини кесди. – Бечорагина, тирноқлари ўсиб кетгани учун юришга қийналаётган экан-да, – деб қушнинг тирноқларини битта-битта суғуриб ташлади. **Лочиннинг** ўлимига шу азобларнинг ўзи кифоя қилди. Анушервоннинг одамлари **лочинни** қидира-қидира, уни кампирнинг уйидан ўлик ҳолда топдилар. Анушервон лочиннинг ўлимидан қайғурди. **Лочин** ўз қадрини поймол қилиб, кампирдан гўё ёрдам талаб қилгандай унинг уйига учиб тушди. Нодон кампир **лочиннинг** қадр-қимматини қаердан билсин? У **лочинга** ачиниб, ўз ақл тушурчасига мувофиқ ёрдам кўрсатмоқчи бўлди. Фақат унинг ёрдами «қош қўяман, деб кўз чиқарди» ҳикматига мувофиқ қушнинг ҳалокатига сабаб бўлди* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 431-432].

Мусичанинг беозорлиги, ювошлиги билан боғлиқ хусусиятлар ёзувчи асарларида ўхшатиш, сифатлаш каби тасвирий воситалар ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган: У икки қаноти кесилиб, мушуклар орасида қолган мусича ҳолига тушди. Энди билса у бор-йўғи мусича экан... Икки қаноти йўқ мусича... [Т.Малик. Шайтанат, II. 348] кабилар.

Лайлак орнитоними асарларда бошқа маъноларда ҳам қўлланилган: *Кечаги **лайлакқор** олачалпоқ қилиб қўйган* [Т.Малик. Танланган асарлар, V.106]; *– Бунчалар доносанлар-а! «Кир ювди», йигирма, йил оши, ўртада икки ҳайит **лайлак** келди, қовоқ, қор ёғдиларни милисаларинг ўтказиб берадими?* [Т.Малик. Танлан-

ган асарлар, VII. 8]; *Ақл фойдаланилмагунича соҳибига фойда бермайди ва киши ҳолига тушади* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 393]. Асарларда лайлак орнитоними ҳикоя ва ривоятларда ҳам иштирок этган: *Тулки осмонга маҳлиё бўлиб турган экан,* ***лайлак*** *келиб қолибди. «Ҳа, ошна?» дебди* ***лайлак****. «Учишни ўрганмоқчиман», дебди тулки. Гўл лайлак унга учишни ўргатмоқчи бўлибди. Кўтариб осмонга учибди. Кейин ташлаб юборибди. Тулки хашак ғарами устига тушибди. «Учишни ўргандингми?» деб сўрабди И «Йўқ» дебди тулки. «Э, бундан осон иш йўқ, энг қийини кўтарилиш, яна бир кўтарилсанг, қўнишни ҳам ўрганиб оласан» –* ***Лайлак*** *шу гап билан тулкини кўтариб яна баландроқ учибди-ю, сўнг ташлаб юборибди* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 125].

Асарларда каклик орнитоними ов қуши эканлиги қайта –қайта таъкидланган: *Илгари* ***каклик*** *ови бўлиб турарди* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 421]; *Йўлда кетишаётганда кутилмаганда* ***каклик*** *сайраб юборибди. Мулозимлар дарров уни тутиб келтирибдилар. Шунда шаҳзода бирданига тилга кирибди-ю* ***какликка*** *қараб: «Агар сайрамаганингда саломат озодликда юрардинг», деб юборибди.* [Т.Малик. Танланган асарлар, V.148)]; ***Какликнинг*** *сайраши ҳақида яна бир ривоят бор: Бир овчининг ови бароридан келмай, уйига ранжиб қайтаётган экан.* ***Каклик*** *уни кўрибди-ю, раҳми келиб, кўнглини кўтармоқ мақсадида сайраб берибди. Қушнинг сайрашини эшитган овчи уни дарров буталар орасидан топиб, бошига калтак билан бир урибди-ю халтасига солибди. Шунда* ***каклик*** *деган эканки: «Сайрагандан сайрамаганим яхшироқ, сайраб эдим, бошимдан едим таёқ»* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 148].

Қузғун орнитоними асарларда ўлаксахўр қуш эканлиги кўрсатиб ўтилган. Масалан: *Унинг жасади* ***қузғунларга*** *ем бўлишдир* [Т. Малик. Танланган асарлар, V. 383]; *Чарх ураётган* **қузғунлар** *емишларидан маҳрум бўлдилар.* **Қузғунлар** *яна емиш умидида унинг устида чарх ура бошладилар* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 197].

Асарда **қузғун** орнитоними шу қушга нисбат берилиб, ҳар қандай разиллик, ифлосликдан қайтмайдиган ярамас, жирканч шахсларга нисбатан қўлланган: *Ҳаром қон сўрувчи зулук билан ўлакса ейувчи* ***қузғуннинг*** *нима фарқи бор? Бургут бўла олсанг, нимага чанг солишни билиб ол:* **қузғунга** *ўхшаб ўлакса овлама* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 62]; *Қузғун эса боласига ахлат титишни ўргатади. Холидий қузғуннинг институтдаги шогирди – болаларидан нимани кутиш мумкин?* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 317]; *Болалик хотираларига муҳрланган ўша суҳбатда «***қузғунлар,** *қора булутлар» йўқ эди* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 287].

Ғоз орнитоними кўпинча «қаддини ғоз тутмоқ» маъносида қўлланилган. Масалан: *«Шу бадбахтнинг ҳузуридан бошимни эгиб чиқсам, бир умрли шармандалик бўлади» деган фикрга келиб, қаддини* ***ғоз*** *тутди* [Т.Малик. Шайтанат, V. 235]; *Шу топгача эркакман, деб қаддини* ***ғоз*** *тутиб юрган Асадбек энди эгишга мажбур* [Т.Малик. Шайтанат, IV. 47];... *икки ўғлини икки қанотига олган ҳолда, қаддини* ***ғоз*** *тутиб, ресторан томон юрди*[Т.Малик. Шайтанат, III. 191]; *Кесакполвоннинг ўзи ҳам мамнун бўлиб бошини* ***ғоз*** *кўтарганича айвонга чиқди-да, гапини давом этди* [Т.Малик. Шайтанат, III. 304]; – *Илтифотлари учун раҳмат, аммо мени сиз эмас бошлиқ чақиртирган, – шундай деб қаддини* ***ғоз*** *тутди* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 329]; *«Худди ўзингга ўхшайди» деган жавобни кутиб қаддини* ***ғоз*** *тутди* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 283].

Оққуш орнитоними ҳам асарларда қўлланилган: *Табиатда ҳамма нарса ўз хили билан юради.* ***Оққуш*** *қорақушга қўшилмайди. Одамлар гарчи бир хилга ўхшасалар-да, бирининг қалби* ***оққуш,*** *иккинчисиники қорақуш кабидир* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 246]; *Баъзи қабрлар устида чарх ураётган* ***оқ қушларга*** *ажабланиб қарайди* [Т.Малик. Шайтанат, III. 194]; ***Оққуш*** *каби сузиб юради* [Т.Малик. Шайтанат, II. 153]; Оққуш орнитоними «Лақаб» маъносида ҳам қўлланилган: Зеквагонда Серёжа

«Оққуш» билан танишдим [Т.Малик. Танланган асарлар, II. 24]. **Оққуш** Рус композитори А.Чайковскийнинг “Оққуш” қўшиғига нисбат берилиб, метонимия ҳосил қилган: *Чунки у* **«оққуш** *қўшиғи»нинг асл маъносини биларди: айтадиларким,* **оққуш** *ўлими яқинлашганини пайқаб, баландларга парвоз этаркан да ҳаётидаги сўнгги қўшиғини куйларкан.* **«Оққуш** *қўшиғи» – демак, ўлим даракчиси.* **Оққуш** *қўшиғининг маъносини билиб, тушуниб қўйганларми ё бу бир тасодифми?* [Т.Малик. Шайтанат, IV. 129].

Туяқуш орнитоними орқали асардаги юриши, кўриниши катта ва бесўнақай кишиларга нисбатан қўлланилган: *Мен шунақа одамларни* ***туякушларга*** *ўхшатаман.* ***Туякушнинг*** *ғалати одати бор, биласизми? У бирон хавфни сезса бошини қумга тиқиб тураверади* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 341]; *Баъзи одамларда сал бошқачароқ одат бор:* ***туякуш*** *хавфдан қўрқаётган бўлса, булар ҳақиқатни кўрмаслик учун бошларини гўё қум орасига тиқиб яшайверадилар* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 341]. ***Туякуш*** *ҳақида турли хил ривоятлар ҳам мавжуд: Икки* ***туякуш*** *оила қуриб кўпайиш илинжида тухум қўярканлару, оғирликлари туфайли уни синдириб, кейин фиғон чекарканлар. Охири улар доно* ***туякушдан*** *маслаҳат олмоқ учун неча куну неча тун йўл босиб, саҳронинг нариги четига боришибдилар. Уларнинг изтироблирини тинглаган доно* ***туякуш:*** *– Насл қолдириш учун фақат истак-хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу осон иш эмас, машаққатни енгишингиз лозим бўлади, – дебди. Эр-хотин* **туякуш** *бу маслаҳатга амал қилишибди. Тухум қўйилгач, ҳар қандай роҳатдан воз кечиб, фақат унинг учун парвона бўлишибди. Оқибат улуғ мукофотга эришибди – тухум ёрилиб, жажжи* ***туякушнинг*** *бошчаси кўринибди* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 145].

Турна орнитоними ҳам асарларнинг баъзи жойларида мавжуд: ***Турналар*** *учиб келса, қалблар шодланади.* ***Турналар*** *учиб кетар маҳалда қалблар етим каби маъюсланади* [Т.Малик. Танланган

асарлар, V. 33]; *Илиқ шабада нафасида қалдирғоч қанотида,* **турналар** *солган арғимчоқда кириб келиб, ташна кўнгилларга тириклик сувини беради* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 224]; *Сўнг ҳожати бўлмаса-да, чиптахонадаги* ***турнақатор*** *навбатда турди* [Т.Малик. Шайтанат, IV. 30]. Турна орнитоними шеърий тарзда ҳам қўлланилган:

Ўзбекистон кузидай бугун дастурхон тўкин,

Турналардай *тизилиб, юраклари эзилиб* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII.260].

Оқчорлоқ орнитоними ҳам баъзи ўринларда учраб туради: *Аммо, пастроқ ва шиддатлироқ учаётган* ***оқчорлоқ*** *эса уларни нонга яқин йўлатмайди. Бир гала* ***оқчорлоқ*** *эса ўлжага шерик бўлиш илинжида чарх уриб айланади* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 5]; ***Оқчорлоқлар*** *галаси патдай тўзиди.* ***Оқчорлоқларнинг*** *довюракроғи шартта пастга шўнғибди-ю, нонни илибди-кетибди* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 6].

Товус орнитонимини ҳам учратиш мумкин: *Агар ҳовлида* ***товус*** *билан кийик қўйиб юборилсами, эртакдаги хон саройининг ўзи бўлиши мумкин* [Т.Малик. Шайтанат, II. 206]; *Бир ҳаким чиройли* ***товусни*** *кўрди. Унинг гўзаллиги ҳакимни ҳайратга солди. Лекин* ***товуснинг*** *хунук қағиллаши, чиройли патларини юлиши ҳакимни ажаблантириб сўради-ки: – Эй* ***товус!*** *Шундай гўзал патларингни нега юляпсан?* ***Товус*** *ҳакимнинг бу гапини эшитиб, фарёд қилиб йиғлади...* [Т.Малик. Шайтанат, II. 206].

Бойқуш орнитонимини ҳам баъзи ўринларда кўришимиз мумкин: *Тепага қарасаки,* ***бойқуш*** *ҳам уни мўлжаллаб турибди* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 249]; *Олдинга юрса мушукка йўлиқади, орқага қайтса, латча парчалаб ташлайди, индамай қотиб турса,* ***бойқушга*** *ем бўлади* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 249]; *Хонумони хароб,* ***бойқушларга*** *ҳамдам, фарзандлари ҳайкалдек жонсиз, вайрона Туркистон!* [Т.Малик. Танланган асарлар,VII.303].

Қирғий орнитоними кишининг кўз ва бурун тузилишини қушникига ўхшатилади: *Эшикни очиб, башанг кийинган, тавозе билан салом бергувчини эмас, енги калта куйлак кийган, қорувли,* ***қирғий*** *кўз йигитни кўриб, ажабланди* [Т.Малик. Шайтанат, II. 156]; ***Қирғийкўз*** *майор анойи эмас, илинтириб олди* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 272]; ***Қирғийбурун*** *меҳмоннинг кибр билан гапириши гурунг меъёрини бузиб қўйганди* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 137].

Бедана орнитоними ҳам ов қуши эканлиги асарларда кўриниб туради: *Този итлар тумов бўлиб қолгани сабабли Бўрибосар итлар* ***бедана*** *овига таклиф этилади* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 294]; *«Бек ака* ***бедана*** *кабобни олиб келаверайликми?»* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 286]; *Шолим* ***беданавоз*** *дердики,* **«бедананинг** *эркаги сайрайди!»* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 67].

Булардан ташқари бир қанча орнитонимлар бир ёки икки мартадан қўлланилган. Масалан: **Чуғурчуқларнинг** *чирқиллаши,* ***тартаракларнинг*** *овозларигина баланд ишкомлар орасида одамлар борлигидан дарак берарди* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 68]; *Тонгда* **қушларнинг** *чуғуридан, ишкомдаги* **тартаракнинг** *овозидан уйғонди* [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 159];... *саҳнада қора марожний ялаяптими, десам, ёнимдаги уккикўз дакки бердики, қўлимдаги марожний эмас, микрофун.* [Т.Малик. Танланган асарлар,VII. 66]; *Ишчини одам ўрнида кўрмайди,* **«қораялоқ»** *дейди* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 331]; *Йигит* ***ўрдакка*** *ўхшаб лапанглаб келиб суратларга узоқ тикилди-да, биттасини кўрсатди* [Т.Малик. Шайтанат, I.46]; *Яна ланжлик қилади, яна бефаросат* ***ўрдакка*** *ўхшаб тумшуғи билан балчиқ титаверади* [Т.Малик. Шайтанат, II. 207]; *Капалак ҳам,* ***қарчиғай*** *ҳам қанот қоқиб учади, аммо икковининг учиши бирдай эмас* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI.292]; *– Ё отанг, ё онанг* ***гўнгқарға*** *сен боланинг* [Т.Малик. Талваса, 23]; Бугунги тилимизга мослашган насрий баёнда **ҳудҳуддан** бундай деб сўрай-

дилар: – *Эй қутлуғ жамол эгаси. Молу дунё менинг кўнглимга чексиз муҳаббат солди. Унга эришмоқ хаёли жонимга қувонч бағишлайди, унинг жаранглаган товушини эшитсам, кўнглим хузур топади.* ***Ҳудҳуд*** *бу саволдан ранжиб жавоб беради: – Эй ҳақиқатдан йироқ! Жонингга жоми кўнглингни маст айлабди, сен бу мастликдан ер билан бирга бўлибсан [237,585]; Қадим замонда овга ишқибоз подшоҳнинг ҳатто* ***семурғни*** *ҳам ушлаб кела оладиган* **бургути** *бор экан* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 585];

Булардан ташқари <u>қуш</u> сўзи 150 марта қўлланилган бўлиб, шундан қуш+ча 22 марта қўлланилган, қуш сўзи шеърий тарзда 15марта қўлланилган. *Қалби сурур билан нурланган йигит ҳам ўша онда ўлган* ***қуш*** *ҳадигида турган қиз ҳам бошқа* [Т.Малик. Талваса, 140]; *Аммо унинг орзу қанотига қурган саройи* ***қуш*** *патидек тўзиб кетади* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII. 362]; *Кошки кўримсиз бир* ***қуш*** *бўлсам. Халқнинг назарида бўлмасам, ана ўшанда озод яшардим* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 577]; *Зотан* ***қуш*** *парвоз учун, инсон эса бахтиёр бўлиш учун яралгандир* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 270]; *Нима бўлди, бахт* ***қуши*** *учиб кетдими?* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 272]; *Бу имтиҳондан ўтганлар бошига қўнган* ***бахт қуши*** *учиб кетмайди* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI. 277]; *Аммо* ***бахт қуши*** *қўниши учун унинг ўзи ҳам жаннатда ўсган бўлиши керак* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI.196]; *Бир ажиб* **қушни** *кўз олдингизга келтирингким, унинг қалби Аллоҳга ишқ бўлса, қанотларидан бири ота-онага, иккинчиси дўстга муҳаббат ва вафодир* [Т.Малик. Танланган асарлар, VI.219]; **«Бахт қуши»** *деган таъбирнинг мавжудлиги бежиз эмас.* **Қуш** *ҳеч маҳал бир ерда узоқ қўниб ўтирмайди* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 10]; *Осмон тиниқлиги шу бугунгидай бокира,* **қушлар** *чуғури шу бугунгидай сержаранг, барглар шивири шу бугунгидай ҳузурбахш бўлмаган эди* [Т.Малик. Танланган асарлар, III. 114]; *Юраги баъзан қа-*

ноти синган **қуш** *сингари учмоқ истайди* [Т.Малик. Танланган асарлар, II. 240]; *Қўрқиб-қўрқиб тўпланган* **бойлик қуши** *қўрқув туфайли қўлдан учарди* [Т.Малик. Шайтанат, IV. 372]; *Худди юрагидан чиққан* **жон қушчаси** *потирлаб, бўғзига қараб интилгандай туюлди* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII.52];

Ўксир **кўнгил қуши** –
Тушди қафасга
Сира етолмайдир
Эркин нафасга
Қаро кунлар тушди
Менинг бошимга [Т.Малик. Шайтанат, I. 361].
Бир **қушча** *дераза ёнида*
Ўтирар паришон ва ғариб
Йиғлайди, кўзлари ёнади,
Кўзлари иккита марварид
Мен унга қарайман оҳиста
Мен **қушча** *ҳолига йиғлайман*
Ва лекин не истар билмайман
Билмайман, ҳеч қачон билмайман [Т.Малик. Талваса,330].

Кел, э толиб, кўзинг ибрат билан оч,
Муҳаббатсиз кишидан **қуш** *бўлиб қоч.*
Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлғил,
Ўшалким, учради, қурбони бўлғил [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 74].

Қаро **қуш** *қичқириб ўтди, уёсида илон кўрди,*
Балиқ кўксини чок айлаб, азим дарёда қон кўрди [Т.Малик. Танланган асарлар, I. 326].

Тоҳир Малик асарларида қуш орнитоними билан боғлиқ мақоллар (паремалар)дан ҳам ўринли фойдаланилган. Масалан: **Қуш** *тилини қуш билади* [Т.Малик. Танланган асарлар, IV. 44]; *Дейдиларки,* **«Қуш** *уясида кўрганини қилади». Изоҳ беришимиз*

мумкинки, **қуш** *ҳали уясида кўрмасиданоқ нималар қилишини билади* [Т.Малик. Танланган асарлар, V. 205]; *«Қуш уясида кўрганини қилади» дейдилар. Ота тўй-зиёфатларда ичиб юрса ёки ишдан қайтган заҳоти телевизорга қадалиб олса, боладан нимани кутиш мумкин?* [Т.Малик. Танланган асарлар, VII.315] кабилар.

Шундай қилиб, бизнинг кузатишларимиз шундан далолат беради, таниқли ёзувчи Тоҳир Малик ўз асарларида бошқа лексик воситалар сингари қуш номлари (орнитонимлар)дан ҳам ўринли фойдаланади. Бу эса ёзувчига тўлақонли образ яратиш, персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, ажойиб ўхшатиш, сифатлаш, метафора сингари тасвирий воситалар ҳосил қилиш учун муҳим аҳамият касб этган.

3.3. Орнитоним асосли турғун ўхшатишлар услубий хусусиятлари

Маълумки, инсоннинг дунёни билишида атрофдаги нарса-ҳодисаларни ўзаро ўхшатиш-қиёслаш усули бениҳоя катта роль ўйнайди. Негаки икки ёки ундан ортиқ предмет ёки тушунчанинг ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш мақсадида ўзаро қиёслаш, таққослаш ташқи дунёни билишнинг энг кўп тарқалган мантиқий усулларидан бири саналади. Шу жиҳатдан ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Олимлар ўхшатишларни эркин ва турғун ўхшатишлар деб икки гуруҳга ажратиб ўрганадилар [45, 8-12; 98, 34-80; 99, 99-102; 176, 5-8.].

Турғун ўхшатишларнинг моҳияти шундан иборатки, уларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади. Бундай ўхшатишлар даврлар ўтиши билан умумхалқ тили лексиконидан мустаҳкам жой олади. Тилдаги турғун ўхшатишларни тадқиқ этган олимлар уларнинг кўп асрлар мобайнида кишилар нутқида қўлланиб, турғунлашиши, ўхшатиш асосидаги

образнинг маълум бир белги-предмет билан мунтазам ва қатъий боғлиқ бўлишини таъкидлаб кўрсатадилар [Бу ҳақда қаранг: 50, 225-226; 35, 3-5; 101, 80-82]. Лингвокультурологик жиҳатдан *томдан тараша тушгандай, жўжа бирдай жон, худди қўзиқориндай, беш қўлдай* сингари турғун ўхшатишлар, яъни фраземаларнинг компаратив тури жуда муҳим маданий-эстетик қиммат касб этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, тилимизда ана шундай турғун ўхшатишларни шакллантиришда қуш номлари (орнитонимлар) ҳам фаол иштирок этади ҳамда бундай турғун ўхшатишлар семантикасини қўшимча семалар билан бойитиш, тўлдириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, тилимизда ёш урушқоқ хўроз *«жўжахўроз»* деб юритилади [190, 117]. Ана шу орнитоним эталони асосида *«худди жўжахўроздай»* турғун ўхшатиши шаклланади ҳамда ўзидан кейин *«ҳурпаймоқ, бўйнини чўзмоқ, хезланмоқ»* сингари феълларни талаб қилади: *«Болалар ҳам ҳадиксираб, четдаги одамларга қараб олишди-да, бегона кўрмагач, бир-бирига худди жўжахўрозлардай хурпайиб, кичик даврани айлана бошлайди»* [Н. Эшонқул. Уруш одамлари] кабилар.

Ёки тилимиздаги «*бургут»* орнитоними «йиртқич, ёвуз, жасур, қайтмас, эпчил» сингари кўчма маъноларни ҳам ифодалайди [189, 376]. Бундай ҳолатда бу орнитоним **–дай** қўшимчаси ва *худди, каби, сингари, янглиғ* сўзлари ёрдамида турғун ўхшатишларни шакллантиришга восита бўлади: *«Ҳазрат шаҳид кетатуриб, ёғий байроғига худди бургутдек чанг солиб эди, жаллодлар унинг бармоқларини кесмагунча байроқни ола билмадилар»* [Эркин Самандар. Султон Жалолиддин] кабилар.

Тилимизда *«мусича»* орнитоними «беозор, ювош, бегуноҳ» каби кўчма маъноларни ҳам билдиради [190, 648]. Шу асосда бу орнитоним –дай қўшимчаси ёрдамида турғун ўхшатиш (мусичадай)ни шакллантириш воситасига айланади: *«Оҳудай гўзал, мусичадай бегуноҳ бу қиз унинг чироқсиз хужрадай нур-*

сиз, шуъласиз ҳаётида милт этиб ёнган бир шам эди» [Одил Ёқубов. Кўҳна дунё] кабилар.

Шуниси эътиборлики, айрим орнитонимлар таркибига *–дек // -дай* қўшимчаларини бириктириш ёрдамида икки-уч маъноли полисемантик характердаги турғун ўхшатишларни шаклланти-ришга восита бўлади. Масалан, тилимизда *«чумчуқ»* орнитони-ми асосий, денотатив маъносидан ташқари «кичкина; илтижо қилиб, зорланиб гапирмоқ» каби коннотатив маъноларни бил-диради [192, 516]. Шу билан боғлиқ ҳолда мазкур орнитоним *«чумчуқдай кичкина» ва «чумчуқдай чирқилламоқ»* каби турғун ўхшатишларининг шаклланишига хизмат қилади: *«Катталар-нинг кўзи менинг чумчуқдай ўғлимга, яна бир қанча оғзи бўш камбағалга тикилибди. Йўқ, бунда бир гап бор» [Ойбек. Қутлуғ қон]; «– Дадаси! – Ойим чумчуқдек чирқиллаб, дадамнинг камар ечаётган қўлига ёпишди. – Урманг! Иккинчи қилмайди»* [Ў. Ҳо-шимов. Икки эшик ораси] кабилар.

Худди шунингдек, тилимизда *«тўти»* орнитоними полисе-мантик характердаги *«тўтидек такрорламоқ»* ва *«тўтидек ши-рин тилли»* каби турғун ўхшатишларининг шаклланишига асос бўлади [192, 248]. Кейинги турғун ўхшатиш гендер хусусиятга эга, яъни у асосан аёллар тавсифи учун қўлланиши билан ха-рактерланади: *«Сув бўйида севишганлар бир-бирларига ўла-ўл-гунча айрилмаслик ҳақида оташин қасамлар ичишар экан, бу ёқда – Нилуфарнинг уйида Камол раҳбар ҳокимнинг «элчи»ларига бошига ўлим келса ҳам сўзидан қайтмаслигини тўтиқушдек такрорлаб онт ичарди»* [Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар]; *«Иккита тўтидек хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўл-тирадир... тағин қанақа каму кўст?»* [А. Қодирий. Ўткан кун-лар] кабилар.

«Қалдирғоч» орнитоними ҳам *«қалдирғочдай тизилмоқ» ва «қалдирғоч қанотидай»* турғун ўхшатишларини шаклланти-ришга хизмат қилади (193, 227). Охирги турғун ўхшатиш ҳам

гендер хусусияти билан характерланади, яъни асосан аёллар қошини, умуман чиройини тавсифловчи лингвомаданий восита сифатида намоён бўлади: *«Ҳабиба буви қирқ ямоқ бўлиб кетган чодирни олиб чиқди. Камида ўттизта бола қалдирғочдек тизилиб, чодирнинг тўрт тарафидан ушлаб турарди»* [Ў. Ҳошимов. Танланган асарлар]; *«Қизнинг ҳозиргина ёш инган киприклари пирпиради, катта, қоп-қора кўзлари болаларча қувонч билан боқди, қалдирғоч қанотидай қошлари ҳайронлик билан чимирилди»* [И. Султон. Ойдинбулоқ] кабилар.

Тилимизда афсонавий қуш номини билдирувчи «қақнус» сўзи мавжуд, лекин бу мифологик орнитоним янги ЎТИЛда ўз аксини топмаган. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (НАТИЛ)да қайд этилишича, бу афсонавий қуш номи ўзбек мумтоз адабиётида *«қақнусвор», «қақнуси зор»* каби турғун ўхшатишларни шакллаништиришга восита бўлган [168, 43-44]. Бу мифологик орнитоним ҳозирги кунда ҳам бадиий услубга хосланган матнларда *«қақнусдай тирилмоқ»* турғун ўхшатишини юзага келтирувчи восита саналади [176, 291]: *«Кўнгилдан сув ичиб, гоҳида қониб, // Қақнусдай тирилиб, гоҳида ёниб, // Ҳижроннинг шоҳига гоҳида қўниб // Муҳаббат турнадай учиб боради»* [О. Мухтор. Орзулар – сизники, умид – бизники] кабилар.

Тилимизда энг фаол қўлланувчи турғун ўхшатишлардан бири *«оёғи куйган товуқдай»* бўлиб, *«безовталик билан, зир югуриб, ўзини ҳар ёққа уриб»* маъроларини ифодалайди [191, 90]: *«Сен оёғи куйган товуқдай питирлайверма. Қумғонингни қўйиб, чойга сув қайнатсанг бас»* [Тоҳир Малик. Шайтанат] кабилар. Шу билан бирга тилимизда айрим турғун ўхшатишларни шакллантиришда икки орнитоним сўз ўзаро вариантдош сифатида иштирок этади. Масалан, *«думи юлинган мусичадай», «думи юлинган товуқдай» ёки «думи // пати юлинган беданадай» турғун ўхшатишлари «бир ери ёки бир нарсаси етишмагандай, беўхшов»* маъноларини ифодалайди (189, 659). Бу турғун ўхшатишлар таркибидаги *«мусича»,*

«товуқ» ва «бедана» орнитоним сўзлари ўзаро вариантдошлик хусусиятига эга, яъни баъзи ўринларда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин: *«Бердибой гарчи шаҳардан думи юлинган мусичадай бўлиб келган бўлса ҳам, фазлсиз эмас»* [А. Қодирий. Обид кетмон]; *«...орамизда Икром деган бир кимса ҳам бор эди. Думи юлинган товуқдай бир четга чиқиб, шумшайиб турибди»* [Тоҳир Малик. Шайтанат.] кабилар.

Шуниси эътиборлики, орнитонимлар асосида шаклланган турғун ўхшатишларнинг айримлари ижобий маънони ифодаласа, қолган орнитоним асосли турғун ўхшатишлар кўпинча салбий маъно нозиклигини ифодалашга хизмат қилади. Масалан, таркибида қарға, калхат каби орнитоним сўзлар иштирок этган турғун ўхшатишлар шундай хусусиятга эгадир: *«– Э-э, жиян, буларнинг гапига кирма! Уларни қишдан қолган қарғалар деб, ўз ишингни қилавер! Билиб қўй, саратон қанча қизиса, совуқ кунларни соғинган одамлар совуқ кунларни соғинган қарғалардай шунча қаттиқ қағиллайди» [С.Аҳмад]; «Немисларнинг самолётлари худди қора калхатдек учиб келишди-ю, бир пасда қишлоғимиз дўзахга айланди-қўйди...»* [Ў. Умарбеков] кабилар.

Шундай қилиб, тилимиздаги турғун ўхшатишларнинг маълум қисмини шакллантиришда бошқа лексик воситалар сингари орнитоним-сўзларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Келгусида орнитонимларнинг матн таркибидаги когнитив-прагматик ва лингмадаций хусусиятлари ўрганилар экан, уларнинг турғун ўхшатишлар семантикасини кенгайтириш имкониятларига ҳам аниқликлар киритилади, деган фикрдамиз.

3.4. Орнитонимларнинг сарлавҳа сифатидаги услубий хусусиятлари

